

САИД

АХМАД








У32
А98

Саид Аҳмад


ҲУКМ



Повесть ва ҳикоялар



ЎЗССР ДАВЛАТ БАДИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ—1958



1

Эрта баҳорнинг илиқ-иссиқ кунлари бошланди. Қиши билан тор уйларда диққи-нафас бўлган кишиларнинг димоғига адирлардан гиёҳларнинг хушбўй нафаси келиб урилади. Офтоб чарақлайди. Кўм-кўк осмон худди артилган шишадек тиниқ. Гўё олам янгидан яратилгандек.

Ола қуроқ пахтали тўнлар елкадан тушган. Деҳқоннинг эғнида синкага солинган хомсуруп ятак. Қизлар сочида тол баргакдан улама. Ёш-ялангнинг чаккасида гунафша. Бўғот томларда лолақизғалдоқ. Ўрик новдаларида пушти маржон. Ариқ бўйларида ялпиз ҳиди анқийди. Девор тагларида қумурсқа ўрмалайди. Аллақайда — кавакдами, теракзордами қурбака қуриллаб кўкламни олқишлайди.

Ҳамма ёқда яшаш, яшариш тантанаси. Табиат аллақандай ҳидга, кишини яшашга, эртани орзиқиб кутишга чорловчи ажиб бир оҳангга тўлган.

Зор қишлоқ кўчаларида, адир ва сойларида, сердарахт боғларида кўклам намойиши кезади.

Қишлоқ ўртасидаги кўкка интилган азамат чинорнинг pista мағзидек оч-яшил куртаклари орасида саватдек уя. Унда лайлак бир оёқлаб туриб яшилланиб келаётган адирларга кўз ташлаб тек қотган. Иссиқ ўлкаларнинг илиқ нафасини ўзи билан олиб келган бу қуш ҳар замон бир томоқ қоқиб, кўкда аргимчоқ солиб ўтаётган турналарни кузатиб қолади.

Кун пешиндан оққан. Ҳали барг ёзмай безрайиб турган икки туп сада тагидаги чойхона сўриларида одам кўп. Бир қулоғига уч мирилик танга қистириб олган самоварчи йигит қўш чойнаклаб чой ташийди. Ленин бурчагидаги устига қизил алвон ёпилган столда граммофон ғириллаб кўшиқ айтади. Болалар унинг атрофида чуғурлашиб тингловчиларни жондан безор қилади.

— Ҳей, туққанларингнинг олдига борсаларинг-чи, тирранчалар!

Самоварчининг пўписаси уларга таъсир қилмайди.

Ариқдан юз-қўлини ювиб олган ўттиз-ўттиз беш ёшлар чамасидаги калладор норғул йигит белбоғига артина-артина сўрига ўтириб чой чақирди.

— Чиноқ келди!— деди граммофон карнайига қулоқ тутиб ўтирган қорақош йигит, бўшаган пиёлани шеригига узата туриб.

— Нима дединг?

— Чиноқ дейман, келди дейман. Қармисан нима бало, Назир!

Назир ўгирилиб қаради.

— Э, Бўтани айтяпсанми? Кеса кепти-да,

нима, Ҳизир алайхсалом кептими? Мунча улуғларнинг соясига кўрпача солмасанг.

Қорақош йигит қўл силтаб ўрнидан турдида, Бўтанинг олдига бориб ўтирди.

Бўта шу Зор қишлоқда янги ташкил бўлган колхознинг раиси. У асли шу ерлик бўлиб, уруш-талаш йиллари бир неча вақт қишлоқдан олисда партизанлар отрядида хизмат қилди. Унинг номига чиноқ лақабини қўшиб айтмаса одамлар дарров таний қолмайди. Дарҳақиқат унинг чап қулоғи кемтик. Ўқ олиб кетган.

— Қаердан сўраймиз, улуғ?

— Центрга тушган эдим. Ботир ака шу яқин ўртада кўринмадими?

— Шу ўртада ўралашиб юрган эди. Эртаметтан хлопкомнинг котиби билан битта чой ичди-ю, кейин кўринмай қолди.

Бўта қуруқ чойни нонсиз иссиқ-иссиқ хўплаб чойнакнинг қопқоғини тескари ёпиб ичига иккита ўн тийинликни ташлаб ўрнидан турди. Бир-икки қадам юриб яна орқасига ўгирилди.

— Акаси, бирон соатдан кейин отга озроқ беда ташлаб қўй!

Самоварчи йигит қўлини кўксига қўйиб «хўп бўлади, улуғ» деганича унинг орқасидан қараб қолди.

Бўта идорага кириб стулга ўтирди. Нима қилишини билмай столни чертиб хаёлга толди.

— Эй Бўтака, уйингизга бора қолинг, мудраб кетяпсиз,— деди нариги столда ниманидир ёзиб ўтирган Низомиддинов.

Бўта кўзини очди.

— Мажлисинглар узоқ чўзилди чоғимда?

— Чўзилиш ҳам гапми, маорифнинг инспектори шунақангиям эзма одам эканки, чи-

роқни ёғи тугаб хиралашди ҳам, тонг отиб деразадан ёруғ тушди ҳам, қани энди гапи тугаса, бирам чўзади денг.

— Э, Худойқуловми, танийман, у билан гаплашаман деган одам отпуска олиб, кейин гаплашмаса тирикчиликдан қолиб кетади.

— Ярим одам ухлаб ўтирди. Ухлаганларни ўзи қўнғироқ чалиб уйғотади-я, қизиталоқ. Муаллим болалар нега озиб кетди десам гап бу ёқда экан.

Иккови кулишди.

— Майли бўлмасам, уйга бориб жиндек мизғиб олай. Нақ ўлиб бўлдим.

Бўта кетди.

Низомиддинов ёзувини тугатиб, деразадан кимнидир чақирди. Кўча ўртасида велосипед минган йигитга маҳлиё бўлиб турган Назирқул Низомиддиновнинг товушини эшитиб ўгирилди.

— Ҳа, нима дейсиз, афандихон!

— Баққа кел!

Назирқул деразага бағрини бериб Низомиддиновга юзланди.

— Вой... бу, шу хатларнинг барини ўзингиз битганмисиз. Хатни ҳам қийворасиз-да, афандихон!

— Хат қурсин ука, жонга тегди. Улуғдан куйдик. Шунча иш қалашиб ётибди-ку, ухлагани кетдилар. Э ўргилдиме...

— Куппа-кундузи-я?

— Билмадим, аллақайси гўрда экан. Роса ичган шекилли. Кўзларининг жиягигача қизариб кетибди.

— Йўғ-э, афандихон. Чиноқнинг ичадиган одати йўқ эди, чоғимда.

— Кейин биласан, ука, кейин. Менга қара, бир иш буюрсам йўқ демайсанми?

— Буюринг. Бирон марта йўқ деганманми?

— Хўжайинга бориб айт, Низомиддинов кечлатиб келармишлар деб. Менга қара, аячангни кўриб турасанми?

— Гапни айланторманг, афандихон. Эшон аямга тил тегизиб бўлмайди.

— Сен ҳароми, бир кунмас-бир кун, пиримнинг дуойибадига қоласан.

Назирқул мақтанишми, ийманишми билиб бўлмайдиган қилиб илжайди.

— Шундоқ хотинни қўйиб юборгансиз-а, афандихон. Сиз ҳам бир кунмас-бир кун шу хотиннинг уволига қоласиз.

Низомиддиновнинг қоши чимирилди.

— Бор, ишингдан қолма. Кўп жиғимга тегаверма, умрингни авахтада чиритиб юбораман.

Назирқул кўзини олайтириб деразадан узоқлашди. Низомиддинов идорани қулфлаб қаргадир кетди.

Бўта уйғонганда қош қорайиб қўрғонларда чироқлар милтираб қолган эди. У узоқ ухлаб қолганидан таъби хира бўлиб, ҳовлига тушди. Адир орқасидан баркашдек ой кўтарилмоқда Кимдир қарс-қарс ўтин ёради. Қўшни ҳовлидан чучитилган жувоз мойининг иси келади. Девор орқасида онасини соғинган бузоқ чўзиб-чўзиб маърайди.

Бўта ҳовли юзида бир оз туриб қолгач, эшикни қулфлаб гузар томонга йўл олди. У ўрик гулларини янада оқартириб турган ой нури ёритган кўчадан битта-битта босиб келар-

кан, қулоғига жуда таниш, бироқ кўпдан унутилган қўшиқ эшитилди:

Наманганнинг олмаси бор, нори бор,

Олмазор ичида жийдазори бор.

Ҳар кимнинг кўнглида севган ёри бор ал омон!

Қандай қилай пешонамнинг шўри бор, оҳ, вояе,
ал омон,

Қандай қилай пешонамнинг шўри бор.

Бўтанинг юраги гупиллаб ура бошлади. Ким бу? Наҳот ўшанинг ўзи бўлса?

У қўшиқ эшитилаётган томонга бурилди. Четан девор ортидаги қўрғонча айвонида ёшгина жувон беланчак тебратиб қўшиқ айтарди.

Бўта сеҳрлангандек турган жойида қотиб қолди. Жувон ёқимли шикаста товуш билан хиргойи қиларди. Шифтга осиглиқ беланчак бир текис тебранаркан, токчадаги чироқ нурида ҳовли юзига узун-узун соя ташлаб ўтарди.

Қаердандир эркак кишининг йўтали эшитилди. Ҳуши ўзига келган Бўта бировнинг қўрғонига бемаҳал мўралаб турганидан хижолат бўлиб, толзорни кесиб орқасига қайтди. Унинг қулоғида ҳамон ўша қўшиқ, ўша оҳанг...

...Қандай қилай пешонамнинг шўри бор.

Бўта бу қўшиқни бундан ўн бир йил олдин Саломат деган қиздан эшитган эди. Ҳозир у қиз қайда? Тирикми? Бўта ойнанинг сутдек нури жилдираган ариқлар бетида чақиндек ялтираб, майсалар устида ҳавойи бир манзара кашф этиб турган кечада, яқин ўтмишнинг ҳам ширин, ҳам изтиробли хотираларига берилди.

Бўтабой у пайтларда отасидан қолган ғарибгина дўкончада темирчилик қиларди. Оқ пошшо отдан тушса ҳам, Зор қишлоқни зор

қақшатган Саид Жалолхон эшон ҳали эгардан тушмаган эди. У томони Наманган, Фарғона, бу томони Тошкентдан тирбанд келиб турадиган ихлосмандларнинг оёғи Зор қишлоқдан узилмас эди.

Бўтабой кечқурун дўконни бекитиб, уйига қайтар экан, эшоннинг боғи олдидан ўтарди. Бу боғ ҳақида унинг фикри шундай эди: Жаннат. Ноз-неъматга тўла жаннатнинг ўзи. Бўтабой боғ ҳақида шундан бошқа гап айтолмасди. Ҳар анорларки, донаси чойнакдай, узумини кўтаролмай бели букилиб қолган ишкомлар, ёмби олтиндек сап-сарик беҳилар бу боққа чинакам жаннат тусини берган эди. Қунларнинг бирида Бўтабой шу боғнинг уч пахсали девори олдидан ўтар экан, қулоғига қиз боланинг қўшиғи эшитилди. Бу қўшиқ шунчалар ёқимли, ширали эдики, темирчи йигитнинг юрагида аллақандай бир ҳисни уйғотиб юборди. Айни шу пайтда йигит оламга янги келгандекми, кўпдан йўқотган нарсасини топиб олгандекми, хулласи тушуниб бўлмайдиган сезгилар, ич-ичидан ўт олган алланималар алангасида ўртаниб қолган эди.

Бўтабой азим туп ёнғоққа тармашиб, боғ деворига минди. Сочини майда ўриб учига пилик таққан, оёғига кавуш, эғнига чит кўйлак кийган 16 ёшлардаги бир қиз анор узиб саватга терар эди. У ўз ишига шундай берилган эдики, атрофига қарамас, тепасида девор миниб турган «чавандоз» йигитни кўрмасди. Тинмай кўнғироқдек товуши билан қўшиқ айтарди.

Наманганнинг олмаси бор, нори бор,

Олмазор ичида жийдазори бор...

Бўтабой қўшиққа қулоқ солиб анча вақт-гача унинг ҳаракатларидан кўз узолмай қолди. Девор минган бу йигитнинг юрагида от ўйнади. Ёшига етиб кимнидир ва қандайдир юпанч, овунч излаган йигит қалбида ўзи ҳам маъносига тушуниб етмаган муҳаббат деган нарсанинг учқуни туташаётганини сезмай қолди. У фақат энтикар, ҳадеб хўрсинарди. Унинг бир ножўя ҳаракати билан девор тагига шўр тупроқ дув этиб тўкилди. Қиз қўшиғини тўхтатмай бошини кўтарди, девор тепасида ранги бўздек оқариб кетган, нота-ниш йигитни кўриб, шошиб пешонабоғи билан юзини тўсди. Қўшиғи оғзида қолди.

— Кимсиз, нима қилиб турибсиз? Эшон поччамларга айтаман. Одобингизни бериб қўядила.

Бўтабой қизнинг наманганлик эканини пайқади.

— Аввал ўзингиз айтиб, сиз нима қилиб юрибсиз бировнинг боғида?

— Вой анави кишини қаранг, кўрмайсизми анор узаётганимни, кетинг, биров кўрса айб қилади.

Бўтабой ўзини девордан боққа отди. Қиз саватни кўтариб қочмоқчи эди, Бўтабой тез бориб саватни ушлади.

— Дод дейман, муридларни чақираман!

— Майли чақира қолинг, чақира қолинг!

— Анов кишининг юрагини қаранг-а, кўрқмайсизми, ҳой ким бор?

Ишком орасидан ёзда хомток қилиниб, қуриб қолган барглари шитирлатиб келаётган оёқ товуши эшитилди. Бўтабой шохлари ерга ёпирилиб кетган анор орасига яшириниб

олди. Ишком ичидан баланд бўйли ўн етти ёшлар чамасидаги йигит чиқди.

Бу эшоннинг содиқ хизматкори, ёшлигида назир қилинган Назирқул эди.

— Ҳа, нима дейсан?

Қиз нима дейишини билмай саросимага тушди.

— Гапир, нима дейсан?

Назирқул унинг билагидан ушламоқчи бўлган эди, қиз бир силтаб ариқнинг нариги бетига ўтиб кетди.

— Саватни кўтаринг. Ўзим кўтара олмайман. Яна бир сават узишим керак.

— Э, ҳали шунгамиди?

Назирқул қизга сигирқараш қилиб бир илжайди-да, саватни бошига қўйиб, юкнинг оғирлигидан белбоғидан пастини жилпангла-тиб кетди. У кўздан йўқолгач, қиз айёрча кулиб анор шохини кўтарди.

— Ҳа қўрқмас экансиз-а, ҳали шу юрак билан девор ошиб юрибсизми?

Бўтабой илжайиб панадан чиқди.

— Ҳеч қўрққанам йўқда. Назир келишини билмадим-да, билсам бекинмас ҳам эдим.

— Қўрқмаганингиздан панага пусиб олган экансиз-да. Энди кетинг, бўлмаса яна одам чақираман.

— Майли чақирсангиз. Энди дангал туриб бераман. Ўзи чақирган, девор нахрасини ҳам ўзи кўрсатиб берган дейман.

Қиз сал пас келди.

— Йўқ чақирмайман. Яхшиликча кетинг. Одамни иснодга қўйманг.

— Бўлмаса шартим бор. Бояги қўшиғингизни яна бир айтиб берсангиз кетаман.

— Э худойиме, қанақа қуруқ тухматга қолдим-а.

— Гап шу, бўлмаса ўтиравераман.

Қиз жаҳл билан қошларини чимирди. Нима қилишини, бу ўжар хира йигитга қанақа муомала қилишини билмай ер тепинди. Охири илож тополмай, илжайди.

— Бўлмаса бетимга қарамай туринг. Ху анави ёққа боринг.

Бўтабой ариқ бетидаги майсага ёнбошлади. Қиз орқасини ўтириб қўшиқ бошлади. Қўшиқ энди авжига чиққан эди, ишком орқасидан хотин кишининг зардали товуши келди.

— Ҳой! Ҳой ер ютгур Салом! Тирикмисан, ё ер ютиб кетдими сен ўлгурни!

Қиз қўрққанидан дағ-дағ титради. Кўзларини жавдиратиб ишком томонга қаради.

— Вой қочинг, вой Эшон аям келяптилар!— У товуш келган томонга қичқирди,— ҳозир аяжон, ҳозир кетяпман.

Бўта тупроқ тўкиб деворга чиқди.

— Эртага яна келаман.

— Керак эмас, кетинг тез, аям кўриб қолади.

Бўтабой гуп этиб ўзини ерга отди.

Шу кундан бошлаб Бўтабой уч пахса девордан тез-тез ошадиган, Саломатнинг қўшиғини эшитадиган бўлди. Шу қўшиқ баҳонасида уларнинг ҳар икковига номаълум хўрсинишларнинг сабаби кунлар ўтиши билан муҳаббат эканлиги маълум бўлди. Назирқул орага суқилди. Қиз айтганидан тоймай Назирқулнинг муҳаббатини рад қилди. Темирчи йигитнинг чақаси миёнагина тўйга етарли бўлиб қолганида Холхўжа қўрбоши йигитларининг хуружи

бошланди. Бўтабой партизан отрядига кўнгилли бўлиб ёзилди. Қишлоқда ҳар кеча босқин, отишув, ёнғин... Шундай тўс-тўполон кечаларнинг бирида Саломат ғойиб бўлди...

...Ойнинг оппоқ гардиши ёритиб турган боғ кўчаларидан ўтаркан, четан девор ортидаги қўрғончада хотин киши айтаётган қўшиқ Бўтабойга ҳув ўша анорзор боғни, ишқида ўртанган Саломатни эслатиб қўйди. Кўпдан унутилган хотиралар яна қўзғалди. Қўз олдида сочига пилик таққан чиройли қизнинг сиймоси гавдаланди. Қани энди у ҳозир ёнида бўлса, юрт тинчиган, деҳқоннинг оғзи ошга етиб, рўзғорига барака кирган вақтларни кўрса.

Балки абадиян уйқудамисан Саломат! Қабринг қайда? Ё бормисан? Қайдасан, қайдасан?..

2

Азимбойваччанинг ташқари ҳовлиси гир айлана гиштин иморат. Бостирмали кенг далонда оти чиқазилган извош. Четлари цементланган ҳовуз атрофидаги янгигина барг ёзган кекса толларнинг новдалари орасида чумчуқ уялари қорайиб кўринади. Ҳовуз бўйида самовар буғ чиқариб қайнаб турибди. Эрталабки ёмғир суви ҳовлига ётқизилган мусулмон гиштларини ювиб тозалаб кетган. Шифт ва атроф панжаралари ҳаво ранг бўёқ билан бўялган пешайвондан ўтиб меҳмонхонага кирилади. Меҳмонхонанинг меҳроб нусха тоқчаларига барглари санаб чизилгандек мажнужтолнинг сурати солинган. Икки тахмон

ўртасидаги киртокча тепасида чой қутисининг зарқоғозларидан қирқиб ёпиштирилган Мадинанинг тасвири. Шифтга осилган газ фонар нуридан ерга тўшалган қашқар гилами порлаб кўзни олади.

Низомиддинов билан Назирқулни қўлига жинчиروқ ушлаб Азимбойваччанинг ўзи далонда кутиб олди.

— Қаёқда қолдинглар? Ош ланж бўлиб кетди-ку.

Азимбойвачча саволига жавоб кутмай йўл бошлади. Улар айвон олдига етганда «битта-яримта кўргани йўқми?» деб сўради. Низомиддинов хотиржам бўлинг, дегандек унга бир қараб қўйди. Бойвачча чироқни зинага қўйиб, тут шохидаги сочиқни олиб елкасига ташлади-да обдастандан меҳмонларнинг қўлига сув қуя бошлади.

Ичкарига киришди.

Қалин кўрпача устида бурма болишни бағрига босиб Саид Жалолхон эшон тасбиҳ ўғириб ўтирар эди. У келганларга пешвоз чиқмоқчи бўлиб, ўнг тирсагига тиралиб ўрнидан тураётган эди, Низомиддинов илдам юриб унинг елкасидан босди.

— Уринмасинлар, тақсирим.

Эшон яна бояги вазиятда оғир чўкди.

Назирқул эшоннинг қўлини олиб кўзига суртди-да, орқаси билан юриб пойгакка чўккалади.

— Низомиддинуп ўзлари бўлсалар керак, а?— эшон қироат қилаётгандек чўзиб сўради.

— Каромат қилдилар, тақсирим,— деди Назирқул қўл қовуштириб.

— Аз каромати пиримо, чи ажаб, гурбаро диду гуфт қор ёғадир,— деди илжайиб Низо-

миддинов. Эшон бошини сарак-сарак қилиб кулиб юборди.

Азимбойвачча тўнининг этагига ўраб олиб кирган иккита шишани Назирқулнинг орқасига қўйди-да, бир қўли билан оғзини тўсиб имлади. Кўрпача устига думалаб кетган шиша бир-бирига урилиб жиринглади.

— Яна нима балони бошлайсан, Азим?

Азимбойвачча кўзларини айёрча қисиб таъзим қилди.

— Яна каромат қилдилар, тақсир, каромат. Айбга буюрмасалар, жиндек шаръийсидан келтирган эдим.

Эшон кўзларини юмиб ўзича нималарнидир пичирлади.

— «Қариликда май ичмаклик ғаниматдир», деб айтган эканлар Хувайдойи Чимёний.

Эшон энди тишсиз оғзини очиб ҳиқиллаб кулиб юборди.

Азимбойвачча Назирқулга имо қилди.

— Энди эшикни занжирлаб келсанг ҳам бўлади, акаси!

Назирқул орқаси билан юриб чиқиб кетди.

Хитойи пиёлага қуйилган «мусалласи шаръий» ўртадан икки айлангач, юзини рўмол билан тўсган бир аёл деразадан ош узатди. Азимбойвачча икки пиёладаёқ чулдираб қолди.

— Эй, Афандим, граммофонни ҳам олдириб қўйдик, бўлмасам Абдулла Фонусчидан бир эшитардик. Қон бўлган юракларнинг чигали бир ёзиларди. Дутор топайми?

— Ноғора-карнай қилиб шовқин соладиган пайтлар ўтиб кетган. Бир оёғингиз Зор қишлоқда бўлса, бир оёғингиз Сибирда бўлиб ту-

рибди-ю, ўйин-кулги сиғадими кўнгилга, бой-
вачча!

Назирқул Азимбойваччанинг зиёфатларида
кўп хизмат қилган. Худди мана шу меҳмон-
хонада тонг отгунча картабозлик бўлар, ёш-
ёш йигитларга кокил солиб ўйнатишарди. На-
зирқул худди ҳозиргидек пойгакда ўтириб меҳ-
монларга чилим тутар, уларнинг калишларини
ювиб қўяр, маст бўлиб қолганларни извошда
уйларига элтиб қўярди. Бу унинг энг севимли
машғулоти ва бахтиёр онлари эди. Умрида
ёлчиб овқат емаган, иззат кўрмаган Назирқул
учун бундан ортиқ бахт йўқ эди. Қани у
вақтлар? Тушдек ўтиб кетди. Бутун Фарғона
водийсига довруқ солган унинг пири Саид
Жалолхон эшон ҳозир қаттиқроқ овоз чиқар-
гани ҳам қўрқиб, кафтининг тескарисини оғзи-
га қўйиб йўталади. Назир-ниёзларнинг ҳам
баракаси учди. Энди у ҳам кўрган кунига кул
тортяпти.

Боятдан бери гапга аралашмай жимгина
ош еб ўтирган эшон қўлини артиб, совиб қол-
ган чойни хўплади, сурма тортилган қошлари-
ни чимириб нимадир деб пичирлади-да яна
тасбиҳни қўлига олди.

— Чоғимда Назирқул ҳам колхоз бўламан
деб ариза ташлабди.

— Худо урсин, нон урсин агар, ундоқ де-
масинлар, тақсирим.

Назирқул қўлини кўксига қўйиб ўзини оқ-
лашга тиришди.

Эшон тасбиҳни белбоғининг қатига қистир-
ди. Унинг от юзи энди жиддийлашган, узоқ
мулоҳазадан кейин бир фикрга келган киши-
дек кўзлари маъноли қисилди.

— Агар ариза ташламаган бўлсангиз чакки қилибсиз, бўтам. Душманнинг тошида бўлма, ичида бўл, дейдилар. Дарров ариза ташланг! Кўпчилик ўртасида серҳаракат бўлинг. Сиз колхоз бўламан десангиз, ҳеч ким кўкрагингиздан итармайди. Киринг! Бир ҳўкиз, бир омов берайлик, шуни дастмоя қилиб дарров колхоз бўлинг. Бу колхоз деган сабилни тошидан эмас, ичидан бузиш керак. Сизга ишонишади. Холхўжага йигит бўлганингизни бир биз, бир парвардигори оламнинг ўзи билади.

Эшони-пирининг бир сўзини икки қилишга ўрганмаган Назирқул, лаббай тақсир, хўп тақсир, дея қўл қовуштириб турарди.

— Даставвал Бўтавой деган балони оёқдан йиқиш керак,— деди Азимбойвачча зардали, лекин сурнайдек ингичка овоз билан.

Низомиддинов жаҳл билан қўл силтади.

— Тўғри гап, Чиноқни бадном қилиш керак. Авом халқ бамисоли пода. Нима десанг ишонаверади. Қаёққа бошласанг, шу ёққа кетади. Хотинларни йўлдан уриш керак. Сочини юлиб дод солсин!

— Колхоз эмиш-а, ҳамма нарса ўртада. Бутун бир қишлоқ бир кўрпада. Ёр ўртада, молжон ўртада.

— Хотин ҳам,— деди истехзо билан Азимбойвачча,— бу кунни кўрадиган кўзимни ўйиб ташласам бўлмайдами?

— Ҳали бу ҳолва. Занг урганда ўрнингдан туриб, занг урганда ҳожатга борасан. Занг урганда йўталиб, занг урганда акса урасан, билдингми?

— Астафурулло!— деди чўзиб эшон.— Колхоз бўлганлар шу гаплардан бохабармикин?

— Бўлмасачи, тақсирим, Колхозга кирганлар асли ўзи бедиёнат одамлар-да. Ўлмасак кўрармиз. Хотинлар соч қирқиб, тиззасидан кўйлак кийиб юришармиш, маржа хотинларга ўхшаб.

Эшон яна, астафурулло, деди. Низомиддинов Азимбойваччага Назирни имлаб қўйди. Бойвачча хўп дегандек ўрнидан турди.

— Назир акаси, чойни бўлса ичиб бўлдинг, энди ҳовлига чиқиб тур! Жиндек ҳуфия гапимиз бор.

Назир қуллуқ қилиб ҳовлига чиқди.

Ой теппага келган. Тол барглари шабадада силкиниб йилтирайди. Кавакда бақа қуриллайди. Назир қўлини орқасига қилиб, ҳовли саҳнида у ёқдан-бу ёққа юрар, ҳар замон дераза олдига келиб ичкарида бўлаётган гапларга қулоқ солиб қўяди. Низомиддинов дераза токчасига ўтириб олиб нимадир деяпти. Эшон бошини эгиб сукутга кетган. Бойвачча гўё гуноҳ иш қилиб қўлга тушган боладек кўзларини жавдиратиб ўтирибди. Низомиддиновнинг қўлидаги папиросдан сизиб чиқаётган тутун уй ичида ҳалқа-ҳалқа бўлиб сузиб юрибди.

Назирқул бундай яширин суҳбатларга кўп марта соқчилик қилган. У суҳбатларнинг иштирокчилари энди йўқ. Бири Чеканинг қўлига тушди, бири ислом байроғи остида «шаҳид» бўлди.

Назирқул Холхўжага йигит бўлган пайтларида кечалари қишлоққа тушар, бойвачча тайёрлаб қўйган яшик-яшик ўқларни аравага ортиб, устидан пичан бостириб адирга қайтарди. Холхўжани кўчки босди, йигитлар

тўзғиб кетишди. Назирқул яна қишлоққа қайтди. Эски қадрдонлар уни ўз паноҳларига олишди. Қишлоқ фаоли Низомиддинов уни балолардан сақлаб қолди. У Назирқулнинг босмачилигини билса ҳам унга «акалик» қилиб яширди.

Қўлида чироқ ушлаб Азимбойвачча айвонга чиқди.

— Назир, афандимни нарироққача кузатиб қўясан. Ҳозир кўчага чиқиб, ақ-бақдан бохабар бўлиб тур.

Назир югуриб чиқиб кетди.

— Бойвачча,— деди Низомиддинов,— пиримга айтинг, бу кеча шу ерда қолсинлар, бемаҳалда туртиниб йиқилиб-сурилиб юрмасинлар.

Низомиддинов далондан чиқишда бойваччанинг қулоғига шивирлади.

— Эшон аяни пишитиб қўяман. Яна чол устимга келиб қолмасин. Бўтани тезроқ бадном қилайлик десангиз, ҳозир чолга босиб-босиб ичирасиз.

— Албатта, албатта, жўнатмайман,— деди бойвачча илжайиб.

Низомиддинов тўхтади.

— Чироқ олиб чиқманг, битта-яримта кўриб қолмасин. Хайр.

Низомиддинов кетди.

3

Эшон ая ичкарига ўрин солиб, обреза олдиға обдастада таҳорат суви қўйиб, кумуш бандли ўнинчи чироқни кўтарганича меҳмонхонага чиқ-

ди. Уй жимжит. Чироқ бир мақомда муттасил пихиллайди. Очиқ деразадан кирган баҳор шамоли деразанинг учига уқа тутилган сурп пардасини силкитади. Девор соат жимликни бузиб эринмай ўн икки марта жом урди. Ёлғизликдан юраги сиқилган эшон ая дераза зиҳига ўтириб, қоронғида шитирлаётган баргларга қулоқ сола бошлади.

Эшон ая ҳали қирқ беш ёшлардан нари ўтмаган. Қадди расо, кўзидан сурма, юзидан элик аримаган кўҳлик бир хотин эди. Назир қизлар ўз юртларига кетиб қолишди. Назир-ниёзларнинг қути ўчиб ҳассасига таянган эшон билан бирга яшашнинг қизиги ҳам қолмади. Эшон аянинг бирдан-бир нияти қўлда қолган қўр-қутларни сақлаб қолиш, пишиб ҳилвираб турган эшонни ўз масканига қўйиб, бойликларга эга бўлиш. Яхши ҳамки Саид Жалолхон фарзанд кўрмади. Бу яхши. Меросга эшон аядан бошқа кишининг ҳадди йўқ.

Эшик тақирлаб унинг хаёли бўлинди. Кавушини оёқ учига илиб шапиллатиб йўлакка келди-да, ким, деб қичқирди. Нотаниш кишининг, мен, деган овози эшитилди. Эшон ая яна сўради.

— Очинг. Пийрим юбордилар.

— Нима ишингиз бор эди?

— Пийрим бойваччаникидалар. Бемаҳал бўлиб қолганидан ўша ерда тунаб қоладиган бўлдилар. Азроқ омонат бериб юборган эдилар, олиб қўйинг.

Эшон ая йўлак токчасидаги жинчироқни ёқиб, эшик занжирини туширди. Эшикнинг бир тавақаси ғийқиллаб очилди. Қўнғиз нусха мўйлов қўйган қора қош бир кишининг боши кў-

ринди. Бу Низомиддинов эди. Эшон ая ўзини йўқотаёди. Тили гапга келмай галдиради.

— Сиз, вой...

— Танимаяпсанми?

Эшон ая деворга суянганча қотиб қолди. Унинг ранги ўчган, юраги гуп-гуп урарди. Низомиддинов унинг билагидан ушлади.

— Қаерларда юрибсиз, тирикмисиз?

Низомиддинов унинг билагини қўйиб юборди-да, эшикни занжирлади.

— Эринг бугун келмайди. Кел, бу кеча кўрган кунларимизни бир эсга олайлик. Тушларимга кирасан. Соғиндим.

Хотин чироқни пуфлаб ўчирди-да, илдамлик билан Низомиддиновни меҳмонхонага бошлади. У зинадан чиқаётганида нима дейишини билмай яна бояги гапини такрорлади.

— Қаерларда юрибсиз, тирикмисиз?..

— Ҳа, ҳа, тирикман, кўриб турибсан-ку.

У Низомиддиновни хонтахта ёнига ўтқазиб нима қилишини билмай чироқ пилигини кўтарди. Токчадан гугуртни олиб яна жойига қўйди. Зинапоя ёнбошида қайноғи ўлган самоварни силкиб пуфлади. Кейин пистакўмир солиб, қувурига маҳси кийдириб дам берди.

— Ҳой, овора бўлма. Қорним тўқ. Чойни ҳам қониб ичганман. Кел, гаплашайлик.

— Вой оворагарчилиги борми? Озроқ гўшт қовуриб келаман.

Низомиддиновнинг қийин-қистовга олишига қарамай эшон ая қозон осиб юборди.

Низомиддинов меҳмонхонада ёлғиз қолди. Тўғридаги тошойнада ўз аксини кўриб ўрнидан турди. Ўзини ойнага солиб башарасини

бужмайтирди. У энди анча ёши улғайиб, йигитликдан кексалик дамонасига оёқ қўйган эди.

У шу пайтгача ҳаётга келаётган эди, энди ҳаётдан кетяпти... У ёнидан папирос олиб гургут чақди. Папиросдан сизиб чиқаётган тутунга маҳлиё бўлиб ўз ўтмишига назар ташлади. Бу хотин, у билан бугунги учрашув ўтмишни хотирлашга беихтиёр мажбур қилар эди.

Бувайдалик Низомиддин читфурушнинг ўғли Ғиёсиддин Бухоронинг девон беги мадрасасида таҳсил кўриб юрган пайтларида отаси уни оқ қилади. Ғиёсиддиннинг оқ қилинишига сабаб, отасидан келадиган пулни қиморга бой бериб, пулсиз қолганидан яҳудий савдогарнинг дўконини тешаётганида қўлга тушиб, юзига куя чаплаб эшакка тескари миндирилиб, бозорда сазойи қилингани бўлди. Ойига уч марта отаси юборадиган пул тўхтади. Тирикчиликнинг тайини кетди. Ғиёсиддин машғулоти тўхтаиб, иккита мешни дастмоя қилиб, расталарда «оби худойи» деб мешкобчилик қилиб юрди. Ўғлининг қилиқларидан деярли хабардор бўлиб турган читфуруш номусдан қадди букилиб кўчага чиқолмай қолди. Охири ўзи Бухорога келиб, ўғлини Тошкентга олиб келди. Русско-туземний мактабига жойлаб, кўп панди-насихатлардан кейин ўзи Бувайдага қайтди. Йиллар ўтди. Самоварларда, гузарларда, тўю-ҳашамларда бўладиган аскиялар ҳамон «Ғиёс ўғри» мавзuidан четга чиқмасди. Низомиддин читфуруш бу таънани кўтаролмай маст вақтида ўзини чавоқлаб қўйди. Уқишини тугатган Ғиёсиддин Бувайдага келиб ҳовли-жойни сотди-да, Андижондан ҳовли олиб кўчиб келди.

Ҳам эскича, ҳам янгичасига саводи чиққан
Ғиёсиддиннинг номи тез кунда Андижонга тар-
қади. Авваллари ҳоким тўрага тилмочлик қил-
ди. У тилмочлик қилиб юрган кезларда шаҳар-
нинг казо-казолари билан оғиз-бурун ўпишиб
қолди. Оқсоқол уни куёв қилиш пайига тушиб,
тез-тез уйига чақирадиган бўлди. Чой келтириш
баҳонаси билан қизини кўрсатиб ҳам олди.

— Менинг уйим, сизнинг ҳам уйингиз. Айт-
дириб юборишимни кутиб ўтирмай, бор-йўғим-
да ҳам келиб туринг,— деб оқсоқол унга та-
йинлади.

Шундай қилиб Ғиёсиддин тилмочнинг бир
оёғи оқсоқолнинг уйида қолиб кетди.

Ғиёсиддин бўлғувси келин ҳақида унча-мун-
ча ножўя гаплар ҳам эшитган эди. Гўё, оқсо-
қол аввалги тилмочни ҳам уйига ўргатиб ол-
ган эмиш, оқсоқол қишлоққа кетган пайтлари-
да ўша тилмочнинг извоши унинг дарвозаси
олдида кечалари тунаб қолармиш, деган гап-
ларни эшитганди. Бироқ қизи тушкурнинг
ҳусними, ширин сўзларими, ҳарқалай Ғиёсид-
диннинг тил-жағини боғлаб қулоғини кар,
кўзини кўр қилиб қўйган эди.

Дабдабали тўй бўлди. Тўйнинг эртаси азон-
лаб оқсоқолга куёвникидан одам келди.

— Ўтмас матойингни олиб кет!

Оқсоқол тонг қоронғисида извош қўшдириб
куёвининг олдида борди.

Куёви Ғиёсиддин тилмоч токчалари меҳроб
нусха меҳмонхонада бурма болишни бағрига
босиб ароқ ичар, оғзидан боди кириб, шоди
чиқиб, оқсоқолни сўкар эди. Оқсоқол кирганда
ҳам у бошини кўтармади. Оқсоқол деразанинг
зиҳига омонатгина ўтириб, ҳаккам-дуккам со-

қол ўсган иягига қўлини тираб ўйланиб қолди. Охири тилга кирди.

— Болам, сиздан катта-катта умидларим бор эди. Бир фарзандим икки бўлди, деб қувонган эдим. Жуда-жуда хунук иш қилиб қўйдингиз. Ҳали ҳам бу шахдингиздан қайтинг. Уч талоқ деган бўлсангиз дилингизда эмас, тилингизда айтгансиз. Пайғамбарларимиздан аллақайси бирлари ҳам жувон хотинга уйланган эканлар. Нимаси бор. Арзймаган иш деб бошимни ҳам қилманг. Ахир ўзингиз ҳам Бухорода... йўқ, йўўў... қ, шунчаки гапнинг сирасини айтдим. Қўйинг. Ҳали заводимни хатти муҳр қилиб бераман деб сиз билан нотариусга бормоқчи эдим. Жуда қизиқ иш қилиб қўйдингиз-да.

Ғиёсиддин қизиқ ҳолга тушди. Оқсоқол уни икки модда билан тахтага тортиб, тил-жағини боғлаб қўйган эди. Бир — унутилиб элнинг хотиридан чиққан, аскиянинг мавзуидан тушиб қолган Бухоро расталарининг тарихи, иккинчиси — шердек ўкириб турган пахта заводини унинг қўлига ўтиши.

Ғиёсиддин секин ўрнидан туриб қайнатасининг олдига келди.

— Айтинг, нима қилай? Қизингизни тўшига тортган номард мени масхараламайдими?

Оқсоқол оёғининг тагини бигиз қилиб кўрсатди.

— Номард, манаву ерда. Бу ишни бир сиз, бир мен ва бир парвардигори олам билади.

Қайната-қуёв апоқ-чапоқ бўлиб, извошда нотариусга жўнашди. Икки кун деганда оқсоқолнинг заводи Ғиёсиддин тилмочга ўтди. Иш юришгандан юришиб кетди. Бироқ, сал фурсат ўтмай Ҳоким тўра тилмочни ишдан қувди.

Гап тарқади, биров тилмоч Ҳоким тўранинг хотини билан қўлга тушиб қопти, деса, яна биров тилмоч Ҳоким тўранинг қоровули билан қўлга тушиб қопти, деяр эди. Хуллас ишдан қувилишнинг асл сабабини ҳеч ким билмас эди. Фиёсиддин тилмоч қиморга ўзини урди. Омади кетиб, ҳовли-жойни бой бериб, қайнатасининг уйига кўчиб келди. Заводни бой берди. Оқсоқол ажратиб олди. Хотинини бой берди. Оқсоқол қарзни тўлаб, қизини ажратиб олди-ю, куёвини уйдан ҳайдади. Заводни қайтаришнинг иложи бўлмади. Иш жанжалга айлачди. Завод Фиёсиддин тилмочнинг номига ўтган, оқсоқолнинг унда энди қонуний ҳаққи йўқ эди. Аламзада оқсоқол қизини Фиёсиддиндан чиқариб олиб, Зор қишлоқдаги таърифий Саид Жалолхон эшонга тўйсиз бериб юборди. Сенга ҳам эмас, менга ҳам эмас деб, заводга ўт қўйди. Барибир Фиёсиддин тилмочнинг қимордан боши чиқмади. Уни теракка боғлаб, олдига похол ташлаб қўйишди.

Ўша пайтларда пахтасини шаҳар заводига олиб келадиган Зор қишлоқлик Азимбойвачча ўт тушган заводнинг жин машинаси билан бостирмасини сотиб олиб, Фиёсиддиннинг олдига похолни олиб ташлаб, ўзини теракдан ечиб юборди.

Энди Фиёсиддинга Андижон торлик қилди. Эски қадрдонларини йўқлаб, Бухоро қайдасан, деб йўлга тушди. Озиб-тўзиб яна Андижонга қайтиб келди. Унга кимсан, нимасан, одамми-сан дейдиган киши топилмади. Инқилоб бўлиб, Фиёсиддин суянадиган толларнинг ичи пўкак бўлиб, нураб қолган эди. Ўзини у ёқ-бу ёққа уриб кўрди, тирикчиликка ярайдиган бирон иш-

нинг жиловини тутолмади. Ён соатини сотди. Икки олтин тишини суғуртириб кунига яратди. Кунларнинг бирида бехосдан рўбарў келган унинг эски қадрдони Тавфиқ афанди кунига яради. Сал кун ўтмай кемшик жағида яна икки олтин тиш ялтиради. Ҳамёни пулга тўлди.

Энди у Холхўжа қўрбошининг шаҳардаги айғоқчиси эди. Бу иш ҳам узоқ кетмади. Холхўжанинг ҳалокатидан кейин Ғиёсиддин шўро ишларига ўзини урди.

Ёпиқлик қозон ёпиқ қолди. Ғиёсиддин тилмоч энди ўртоқ Низомиддинов бўлиб қишлоқ «фаоли»га айланди...

...Эшон ая хитой лаганда қовурма олиб кирди. Пешонасига ҳаво ранг дурра танғиган, бирпасда пардозини ҳам янгилаб олган Эшон ая бир вақтлар қонуний эри, энди эса номаҳрам бўлган киши қаршисида ўтирар эди. У гапни нимадан бошлашини билмай, дастурхон попугини ҳимариб, хаёл сураар эди.

Уларнинг ҳар икковини таниган, уларнинг ўтмишини яхши билган киши шу топда бир назар ташласа нима дейиши мумкин?

Йиллар ўтди, замон ўзгарди, одамлар ўзгарди. Қанчадан-қанча воқиалар бўлиб ўтди. Аммо булар ўзгармади. Ғиёсиддиннинг ҳаётидаги ягона ўзгариш шу: қариди.

Ғиёсиддин ёшлигида оёғига илаштирган лойни ҳали ҳам судраб юрибди. Қайга борса, қаерга кирса ифлос қилади.

Эшон ая ҳам ҳамон ўша. Ўша оқсоқолнинг қизи. У, Эшоннинг ўлишини кутади. Эшонни ҳадеганда ажал ола қолмайди. Бу кунни кута-кута Эшон аянинг сочиға оқ оралаб қолди. Эрининг ўлимини кута-кута ўтказган ва ўтка-

заётган бу кунларда у ўз ётоғидан кимларга жой бермади?

Қовурма совиб қолди.

— Биласанми?— деди Ғиёсиддин хотиннинг ёнига сурилиб,— сенга айтадиган зарур гапим бор.

Хотин унга савол назари билан қаради.

— Бўтани танийсан-а?

— Чиноқ Бўтавойними?

— Ҳа, балли! Ўшани бадном қилмоқчимиз, қарашиб юбормайсанми? Нима қилиш кераклигини ўзим сенга тушунтириб қўяман.

Хотин ундан бошқа, ишқу муҳаббатга алоқадор бир гап кутган экан шекилли бўшашди. Низомиддинов унинг бу кайфиятини сезиб иягига қўл юборди. Хотин ноз билан чекинди.

— Уйқим келди,— деди Низомиддинов, ёлғон айтаётганини сезадиган даражада кўзини сузиб.

Хотин ёш келинчаклардек хоҳишини сездирмай, атайлаб эринчоқлик билан тахмондан тўшакларни ола бошлади. Низомиддинов чироқни пасайтирди. Мойи тугаб пилиги сўхта бўлган чироқ бир лип этиб сўнди.

Энди обрезга ой нури тушиб турар эди.

Қолхоз идораси пастаккина, кўримсиз бир уйга ўрнашган. Раиснинг столи ҳам кўримсиз. Рандаланмаган тўртта тахта остига икки томондан айри ёғоч қоқилган. Унинг устига араб алифбесида ёзилган шиори ювиб ташланган алвон ёпилган. Аллақандай доридан бўшаган

шишадан сиёҳдон. Тўғридаги деворга Охунбобоевнинг чақмоқ телпак кийиб, кўкрагига қизил лента тақиб тушган сурати ёпиштирилган.

Бўялмаган бир тавақали эшикни қора қалам билан кимдир ишқибозликка саноксиз хилма-хил подписъ билан безаб юборган. Деразанинг бир кўзига газета ёпиштирилган. У офтобда сарғайиб, жигар ранг тусга кирган. Унда сарлавҳаси лотинча, ўзи араб алифбесида ёзилган шарқий хитой темир йўли ҳақида мақола бор.

Бурчакдаги столда осоавиахимга оид буюмлар, плакатлар, қозиқда иккита газ ниқоб. Қотиб ўтирадиган стол тепасидаги «Папирос чекма!» деган ёзув остига кимдир пистакўмир билан «Носвой чекавер!» деб ёзиб қўйибди.

Бўтабой хлопкомдан келган хатни қўлига олиб нима ёзилганини билолмай хуноб бўлиб турган эди, Низомиддинов келиб қолди. У орқасидан эргашиб келаётган Турсунбой отага нималардир деб тушунтирар, ҳадеб ҳиринг-ҳиринг кулар эди.

— Қазоси етса одам ўлади-ю, битта «Чемберлин» ўлса ўлипти-да.

Низомиддинов яна ҳиринглаб кулди. Турсунбой ота унга хўмрайиб қаради.

— Болам, ажаб қизиқ экансиз. Эчкига жон қайғи, қассобга мой қайғи. Шу куладиган гапми?

Бўтабой гапга тушунолмай Низомиддиновга қаради.

— Отам бояқиш «Чемберлин»дан айилиб қоптилар.

— Ия, обба ҳаром ўлгуре, ахир ўлипти-да, зап иш бўпти-да. Жуда соз бўпти, отахон.

Чолнинг фифони фалакка чиқди.

— Ия-ия, улуғ, сиз ҳам шу гапни айтдингизми? Сизки шундоқ десангиз, роса бўлган эканда. Агар бўғзига пичоқ тортмаганимда ҳаром ўлиб қолар эди. Жон болам, гўштини омборга топширай, ҳеч нарсасига қўл урганим йўқ, терисини ҳам, ичак-чавоғини ҳам топширай, бошқасига айрибош қилиб беринг, дуо қиламан.

Низомиддинов кулкидан тўхтаб чолга, бас, дея ишора қилди-да, Бўтабойга воқиани тушунтириб кетди.

— Отамларнинг «Чемберлин» деган бир эчкилари бор эди. Отини ўзим қўйиб берган эдим, ҳароми жуда ҳам шайтон эди, бемалол уч пахса девордан сакрар эди. Кечаси арқонга ўралиб ҳаром ўлай деган экан, сўйиб юбориптилар.

— Шундоқ-шундоқ, умрингдан барака топкур,— деди чол унинг гапини тасдиқлаб,— эчки бўлса ҳамки бола-чақага оқлик ўзимиздан чиқиб турган эди, гўшт-пўштини олиб, битта соғин эчки берсанглар.

— Неча жонсиз, ота? — деди Низомиддинов чолга ўгирилиб.

— Жўжабирдек жонман, болам, улуғ билалар, бир бева қизим уч боласи билан, куёвимни босмачи отиб ташлаган, ўзимда тўрт бола, иккиси колхозда, қизим ҳам. Қампирим ишга ярамайди. Шол бўлиб қолган. Отаси ҳам шол бўлиб ўлган. Ўзи суяк сурадиган бир дард экан, бу. Шу нимадан бўлар экан-а? Биров ундов мойидан дейди, биров олма чойнинг шамаси ичга кетиб қолса шунақа бўлади, дейди. Болаларим, асти шамани ютманглар, кўп бехосият нарса бўлар эмиш. У ҳам эмас, бу ҳам эмас, худонинг иродаси бу. Бўлмасам пирим

чойни тўкиб, шамасини чайнаб ютадилар. Шол бўлсалар ўша киши бўлардилар, ё парвардигор, ўзингга тавба!

Чол асл мақсадини унутиб анча гапларни айтиб юборганини ўзи ҳам сезиб қолди-да, сўзининг охирини яна эчкига боғлади.

— Эчкининг сути темирўткига дори бўлармиш. Бу Луқмони Ҳакимдан қолган гап.

— Майли энди, қўйинг, ота. Кўпам гапни чўзманг, ўтлаб кетдингиз. Мана улуғ бир ёқли қилиб берадилар.

— Шундоқ бўлсин, болам.

— Ўртоқ Низомиддинов, отамга битта ариза ёзиб беринг,— Бўта Турсунбой отанинг елкасига қўлини қўйиб юзига меҳрибонлик билан тикилди.— Ота, гўштни бола-чақа билан баҳам кўраверинг, вақтинча битта эчки ёзиб бераман. Соғиб юраверинг, сал нарироққа бориб, эчки сапсем ўзингизники бўлади.

— Оҳ, отагинанг айлансин, тупроқ олсанг олтин бўлсин, мартабанг мундан ҳам улуғ бўлсин.

Чол то ариза ёзилиб битгунча гапдан тўхтамади.

— Болам, шу шол ёмон дард бўлар экан. Ҳар ким ҳар хил гап айтади-ю, қайнатамнинг шол бўлиши шамадан ҳам эмас, ундов мойидан ҳам эмас, сири бошқа ёқда. Некалайнинг замонида қайнатам Искобилдаги исловотда етти йил қоровуллик қилган.

Ўша ерда қаншарига бир яра чиқдию, ўнглалмади.

— Мана, ота, подпись қўйинг.

Низомиддинов аризанинг имзо чекадиган жойини кўрсатди.



— Ота-бувамизнинг расмича шу бармоқни босаверамизда.— У бош бармоғини сиёҳга тиқиб, аризанинг остига босди.

— Бўлди энди, бир эчки сизники.

Бўта ариза устига «Турсунбой Мусабой ўғлига бир соғин эчки берилсин», деб ёзиб, унинг қўлига берди.

— Молхонага бориб шу қоғозни кўрсатсангиз бўлди. Хоҳлаган эчкини танлаб олаверасиз.

— Ота,— деди Низомиддинов,— бунисига ҳам ўзим от қўйиб бераман, хўпми.

— Хўп, хўп, болам. Жиндек мушкул-кушод ўқитаётган эдим, шошиб турибман, барака топкурлар.

Турсунбой ота ҳассасини дўқиллатиб чиқиб кетди.

Бўта хлопкомнинг қоғозини Низомиддиновга узатди.

— Ўқингчи, нима депти? Шунақа хатларни ўзбекча ёзишса бўлмайдами? Яхши ҳамки битта сиз билан Махсим бор, бўлмаса ўричча биладиган қайдасан деб ўзига бориб ўқитиб келардик.

— Хлопкомнинг котиби русча биламан деб олифтагарчиликка ёзаверади-да. Бўлмаса ёзганам ўзбек, ўқийдиганам ўзбек.

— Қани энди, мен ҳам ўриччани шариллатиб ўқийдиган бўлсам.

Низомиддинов мийиғида кулди. Унинг бу кулкиси Бўтабойга, аввал ўзбекчани дурустроқ ўқийдиган бўлсанг-чи, сенга ким қўйибди русча гапиришни деган маънони англатди.

Бўта қоғоғини солиб унга тикилиб турди-да, дўпписини олиб бошқатдан кийди.

- Хатда нима депти?
- Договорнинг бир нухасини сўрапти.
- Юбормаганмидингиз?
- Қўл тегиптими?!
- Ҳозироқ жўнатинг!

Бўта бошиқа гап айтмай кўчага чиқди. Сарой олдидаги супачада қатор тизилиб ўтирган болалардан қоровулни сўради. Уларнинг бири у ёққа кетди деса, бирови бу ёққа кетди, деди. Бўтабой қўл силкиб саройга кирди. Қоровул йўқ эди. У ёқ-бу ёққа аланглаган эди, девор тагига тахлаб қўйилган саржин орқасидан қоровулнинг боши кўринди. У ўша томонга юра бошлади.

— Ҳозир, ҳозир, улуғ, келмай туринг.

Қоровул бир қўлида обдаста ушлаб чиқди.

— Отни эгарлаб беринг, амак!

— Ия, жон ука, бир пас сабр қил. Ҳозир таҳорат олдим. Намози жумани ўқиб олай.

Бўта унинг гапини охиригача эшитмай, отхонага кириб кетди. У қайтиб от етаклаб чиққанда қоровул чопонини ерга ёзиб саждага бош қўйган эди.

Бўтабой кўчага чиқиб отга минди-да, жиловини катта ер томонга бурди.

Ҳаво очиқ. Майсалар офтобда яшнайти. Чинор тепасидаги уяда лайлак ҳали ҳам бир оёқлаб қимирламай турибди. Олисида Аравон тўғининг чўққилари кумушдек ялтирайти. Ям-яшил адирлар устида пастак булутлар совун кўпугидек енгил сузади. Бўтабой жиловини бўш қўйиб, беозоргина қамчи босиб бормоқда.

Далага қўш чиққанига анча бўлган. Қиши билан қор сувига обдан қониққан ер хамирдек

кўпчиб турибди. Омоч ағдарган ерлардан ҳовур кўтарилади. Ҳали барг ёзмаган тут новдаларида қўшчиларнинг анвойи рўмолларига тугилган хўраклари илинган. Ҳар ер-ҳар ерда қумғон осилган ер ўчоқлардан кўм-кўк тутун кўтарилади.

Бўтабой катта ерга етганда отдан тушди. От оғзидан сўлиғини чиқазиб тутга боғладида, шудгорни кесиб чигит қадаётганлар олдига борди. Қолхозчилар тушликка чиққан, ўнга яқин аёл, йигирмага яқин эркак иккига бўлиниб майса устида чойхўрлик қилишарди. Бўта аёллар билан ҳорма, бор бўл, қилишиб эркаклар тўдасига қўшилди.

Суҳбат авжида эди. Кўсанамо бир киши ўтирганларни оғзига қаратиб нимадир ҳикоя қиларди.

— Агар ёлғон бўлса тил тортмай ўлай.

— Унақа деманг, яхшиси соқолим кўксимга тўкилсин, деб қўя қолинг.

Ҳамма қотиб-қотиб кулди. Бўта ҳам аскияга қўшилди.

— Оппоқ соқолим билан ёлғон гапираманми, деб қўя қолинг.

Яна кулги кўтарилди.

— Ҳая,— деди кўсанамо киши Бўтанинг чиноқ қулоғига ишора қилиб,— шу гап қулоғингизга кирмай қолган экан-да!

Раиснинг ҳурмати учун биров кулиб, биров қийинчилик билан ўзини кулкидан тўхтатиб қолди.

— Ўле, Муса, раисни ҳам аямайсан-а.

— Гап келганда отангни ҳам аяма, дейдилар. Энди раиснинг қулоғига етиб қолса нима бўлади, деб ҳам ўтирамизми.

Бўтабой аскиядан енгилиб таслим бўлдим, дегандек икки қўлини кўтарди.

— Бўлди, бўлди, қулоқ-миямни единг.

— Вей Бўта ошна, қани энди сендаги мўйлов менда бўлса, бураб қулоғимнинг орқасига ча ўткизворардим. Идорада усталда оёқ чалиштириб ўтирган афандихоннинг мўйлови мўйлов бўптими, худди бурнининг тагига биров нос тупуриб қўйганга ўхшайди.

— Арқон тишлагандек, мўйлов хўп ярашса керак ўзларига.

— Э, бўлди, — деди кулки ёшларини енгига артиб Бўтабой, — ҳангомадан гап яхши дейдилар. Ишларинг қалай, биргад?

Бояги аскиячи кўса киши жавоб қайтарди:

— Михдак-да, улуғ, ишимизнинг қанақалиги ўтиришимиздан ҳам маълум. — У қўлини узатиб эски қўрғон деворига ча чўзилган шудгорни кўрсатди, — шатларга чигит қадаб бўлдик, чойни ичиб баққа кўчамиз.

Бўта ўрнидан туриб, чигит экилган ерга қараб кетди. Сал нарироқ бориб чўнқайиб бармоғи билан ерни кавлаб уруғ тушган уялардан бирини топди. Кейин уни яна жойига қўйиб тупроқ тортди-да, кафтини бир-бирига уриб қоқиб, теракзор томонга қараб кетди.

Тушлик қилиб бўлган бригада аъзолари тугзор орқасидаги шудгорга таралиб кетишди. Бригада бошлиғи (аъзоларнинг таъбирича), Муса кўса бир ерда турмас, чигитларни бир текисда экиш кераклигини, чигит тўрт энликдан чуқур бўлмаслигини ҳадеб тайинларди. Аёллар юзларини рўмол билан тўсиб алоҳида ишлашарди. Муса кўса улар билан узоқдан

туриб гаплашар, қизиқ гапларни айтиб, уларни кулдириб, ишга қизиқтириб қўярди.

— Бизни ҳадеб қистанглайсизу, келин аячамга индамайсиз-а, Муса ака,— аёллардан бири гап қотди.

— Келин аянгиз билан уришуғликмиз, соқолингни олдирмапсан деб кеча нақ қиёмат қилди.

Бояги гап қотган қиз бўш келмади.

— Соқолингиз устарага илинмайди, келин аямнинг қош терадиган мўйчинакларида юлсангиз ҳам бўларди.

Муса кўсанинг хотини жеркиб берди.

— Мунча қақиллайсан, отанг тенги кишига гап қотгани уялмайсанми?!

— Қўявер хотин, шу қизга ҳам менга ўхшаган кўса куёв учрасин. Қани бир омин, денглар!

Шу пайт теракзор томондан аёл кишининг додлагани эшитилди.

— Вой дод, мусулмонлар, ким бор! Қутқаринглар!

Эркак-аёл ишини ташлаб теракзорга югурди...

...Турсунбой ота эчкининг гўшти айниб қолмасдан хотинига мушкул-кушод ўқитгани Эшон аяни уйига чақирганди.

Эшон ая то мушкул-кушод ўқиб бўлгунча бошқа хотинлар дастурхонга қўйилган майизнинг думини юлиб ўтиришди. Бемор — Турсунбой отанинг хотини тўшакда кўзини юмиб жимгина ётибди. Турсунбой ота ўчоқ бошида Эшон аянинг қўнғироқдек товуши билан ўқишига қулоқ солиб ош дамлаяпти.

Хотинлар юзларига фотиҳа тортиб, Эшон

аяни дуо қилишди. Дастурхондаги «дуо теккан» туз, майиз ва чойни бўлиб олишди. Пахтани Эшон ая думалоқлаб четга олиб қўйди.

— Буни тегирмон новига ташланглар.

Бемор кампир «енгил» тортгандек кўзини очди.

Ош устида гангир-гунгур суҳбат кетди. Ун чоқли кампир «табаррук» Эшон аянинг суҳбатига камоли ихлос билан қулоқ солишарди.

— Айланайлар, пийрим ҳам ғанимат бўлиб қолдилар, дуоларини олиб қолинглар. У кишидек худо ярлақан одамлар энди дунёга келадими, йўқми, бир эгамнинг ўзи билади.

— Ҳа, пийрим ҳам қариб қолдилар! — деди боятдан бери оғзига солган гўштни у лунжидан, бу лунжига ўтказиб ютолмай қийналаётган тишсиз кампир, — у кишидек одамлар энди қаёқдайди! Юзларидан нур ёғилади. Шу кишики бор, қишлоқ тинч, жину ажина деган нарса нима эканлигини билмаймиз. Имонига, динига мустаҳкам покиза одам бор жойдан ажина юз чақирим нарига қочармиш.

— Ундоқ бўлса Кумушсой атрофларига ҳам ажина келмас экан-да, — деди чой қуяётган негадир қоши қора, соч ва киприклари сариқ хотин.

— Алватта-да, — деди бояги кампир оғзига қўл солиб, лунжида эзавериб оқ ем қилиб юборган чандирни олаётиб, — пийрим Кумушсойга ҳам бориб турадилар-да.

Эшон ая қиммат баҳо тошлар билан безалган қўша-қўша узук тақилган панжаларини ўйнаб гап бошлади.

— Бир одам пок, минг одам нопок. Зор қишлоқнинг масжиди зор қақшаб ётибди. Йи-

лига бир зикру-сано бўладиган хонақо ҳувиллаб ётибди. Тагин ҳам қишлоқни ер ютмайдида. Пийрим оппоқ тонг отгунча тасбиҳ ўгириб қуръон тилолот қиладилар. Ҳали уйғониб қарайман, ҳали уйғониб қарайман, тилолот қилганлари қилган. Охири ётиғи билан айтдим. Ётинг, бир жонингиз, бир имонингиз бор, тонгла маҳшарда юзингиз ёруғ, бўлди ётинг, десам нима дейдилар: сен билан мен тангри олдида бандалик қарзимизни ўтаганмиз. Ўзим учун эмас, мўминлар учун тилолот қиляпман, гуноҳларини сўраяпман. Кўзимга жикқа ёш келса бўладими. Дарров таҳорат олдим, ёнларига ўтириб икки сура қуръон ўқидим. Ҳозир пир ўзларини эмас, сизларни ўйлайдилар, тонг саҳарларда жойнамозга тиз чўкиб «ҳақ йўлдан адашган гумроҳ бандаларингга ғазаб қилма», деб худога сиғинадилар.

Бир-икки хотин аввал хўрсиниб, кейин пиқ-пиқ йиғлаб юборди. Оғзидаги оқ ем бўлиб кетган чандирни олиб намот тагига қистирган қаншари паст кампир барала хўнграб йиғлаб юборди.

— Ўн кун бўлди. Санаб юрибман роппа-расо ўн кун бўлди. Қоқ ярим кеча эди. Пийрим уйғотдилар. Олазарак бўлиб кўзимни очсам пир жойнамоз устида тасбиҳ ўгириб ўтирибдилар.

— Фотима,— дедилар,— тур, дарров таҳорат ол. Дарвозани оч!

Ҳайрон бўлиб шошиб-пишиб таҳорат олдим, дарвозани очмоқчи бўлиб кетаётган эдим, қўлларидаги тасбиҳни менга узатдилар.

— Биров келмоқчи эдими? Эшик тақилладими?

Пир жавоб бермадилар. Каромат қилаётган бўлсалар керак деб дарров дарвозани ланг очдим. Очдимۇ ҳушим оғиб қолай депти. Қоп-қоронғи кечада ҳовлимизга аллақандай сарғимтир нур чўзилиб кираверди. Шу нур орқасидан оппоқ соқолли, бошларига мисқоли салла ўраган, эгниларига малла тўн кийган бир чол кўриндилар. Оёқ-қўлим бўшашиб кетди. Салом бердим. Алик олдилар. Тутган нарсанг гавҳар бўлсин, бўтам, дедилар. Бир маҳал қарасам сурма босган кўзлари ғамгин бўлиб қолди.

— Э, бобо, нечун ғамнок кўринасиз?— дедим.

— Бўтам, мўминлар Мухаммад йўлидан чиқиб кетяпти. Хотинларда диёнат қолмади. Маскопдан юз киши ётадиган иккита кўрпа келяпти. Бу колхоз деган нарсада эркагу хотин шу кўрпада бирга ухлайди, яқинда Али уйқудан туради, зулфиқорини кўтариб диндан чиққан, худодан қайтган, колхозга кирган бандаларни тигдан ўтказади. дедилар. Ҳушимдан кетиб, эшикка суяниб қопман. Кўзимни очсам, тонг отибди. Қўлимдаги тасбиҳ гавҳарга айланиб ялт-ялт қилиб турибди, йиғлаб-йиғлаб бўйнимга осдим.

Хотинлар Эшон аянинг бўйнидаги ҳар донаси нўхотдек келадиган уч қатор дурга қарашди.

— Оҳ айланай, худо ярлақаб қопти, сиз Ҳазрати Хизирга йўлиқибсиз.

— Худо ярлақаган банда экансиз, Эшон ая.

— Бир марта Ҳазрати Хизирни кўриб ўлсам армоним йўқ эди.

Хотинлар кўзларига ёш олиб Эшон аянинг этакларини, қўлларини ўпишди. Бўйнидаги дурни кўзларига суртишди.

— Вой ўлай, энди нима қилдик. Колхоз қилмай Бўта ўлсин, энди бизни худо уриб қолди. Яжуж-мажужлардек Алининг зулфиқори бошимизни узадиган бўлди, тагин қанақа зулфиқорки, қинга солса бир газ, қиндан суғурса юз газ бўлади-я.

Қора қош, малласоч хотиннинг кўлидан пиёла тушиб кетиб дастурхонга чой тўкилди.

— Вой, қариганимда номахрам билан бир кўрпада қандоқ ётаман, ўлганим яхши эмасми?

Бир уй хотин чуввос кўтарди. Эшон ая шовқин босилгандан кейин юзига фотиҳа тортиб кетишга қўзғалди.

— Нимаики гап бўлса ичингларда қолсин. Бу гап қаёқдан чиқди деганда, зинҳор-зинҳор тилинглари тишланглар. Бўлмаса эшони пиримнинг дуоибадига қоласизлар.

Эшон ая хотинлар билан хайрлашиб теракзор оралаб қўрғонига қайтди. Муса кўсанинг бригадаси чигит қадаётган ерни кесиб, Бўтабой келаётган эди. Эшон ая то у яқин келгунча тўнгат панасига ўтиб, уни кутиб турди. Бўтабой тол хивичини ўйнаб хиргойи қилиб келарди. У тўнгат олдига келиши билан Эшон ая йўлини тўсиб чиқди, паранжисини ташлаб, сочини ёзиб дод солаверди.

— Вой дод, мусулмонлар, ким бор! Қутқаринглар!

Бўта нима гаплигини билмай гангиди, бирон нима чақиб олди шекилли деб ўйлаб беихтиёр хотиннинг елкасидан ушлади. Эшон ая унинг ёқасига ёпишди. Атрофни одам ўради.

Теракзор оралиғидаги сўқмоқда Бўтабой жаҳлдан кўкариб сўкинари, паранжиси елкасига

тушиб кетган Эшон ая овозининг борича дод солиб уни қарғарди.

— Қирчинингдан кийилгур Чиноқ, ўйнашгани ўз тенгинг топилмадими. Қимсан табаррук бир одамнинг ожизаси бўлсам. Вой дод, қандоқ кунга қолдик, бу такасалтанг хотинбозларнинг дастидан кўчага чиқолмай қолдик-ку!

Эшон ая дод устига дод солиб яна Бўтага ташланди. Янгигина ятакнинг енги, елкасидан тирсагигача йиртилди.

— Паранжи ёпинганга шундоқ қилсанг, очилганларнинг шўри қурсин. Онанг тенги хотинман-а. Мол-жон ўртага тушгани етмагандек энди хотинлар ҳам ўртага тушдими. Қиёмат қойим бўлди, яқинда ҳаммани ер ютади... Ҳамма бир кўрпада ётади...

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Бўта ҳам жим. Бу жимликни Муса кўса бузди. У бурчакда Бўтага қараб турган хотинига ўшқирди.

— Тур жўна, эшикка!

У шу гапни айтдию, қуриган шох-шаббаларни шитирлатиб босиб нари кетди, зарда билан бурилиб, Бўтага еворгудек бўлиб бир тикилди, нимадир демоқчи бўлиб гапга оғиз жуфтлади, айтадиган гапи уятлироқ экан шекилли, аёллардан истиҳола қилиб айтолмади. Зарда билан ерга тупуриб, йўлига кетди.

Бўтабой Эшон аяга ғазабли кўзларини тикиб бир гап айтди, холос.

— Фоҳишалигингни билардим, тухматчилигингни билмасдим. Хай майли, агар эркак киши бўлганигда, ичак-чавоғингни бошингга салла қилиб кўярдим.

Хотинлардан бири кўзларини олайтириб деди:

— Қилгуликни қилиб қўйиб яна баланд келади-я, хотинбоз!

Бўта тез-тез юриб теракзордан чиқиб кетди. Хотинлар орасида шивир-шивир гап бошланди.

5

Эртасига ишга яроқли олтмиш тўрт аёлдан фақат йигирма бир киши далага чиқди. Ёш қизларни оталари уриб-сўкиб уйда қолдиришди. Ҳамма ёқда дув-дув гап. Раис хотинбоз эмиш, даладами, идорадами, ишқилиб дуч келган жойда хотинларга ёпишавармиш...

Ҳар куни янги гап. Ҳазрат али уйқудан турибди. Зулфиқорини қиндан чиқазиб, колхозга кирганни кўрсат, деб шу атрофда юрганмиш. Москвадан юз киши ёпиб ётадиган кўрпа келаётганмиш... Эр-хотинлик йўқ бўлсин, деган закон чиқибди... Бўтабойнинг-ку устига ағдарилмаган мағзава қолмади. Илгарилари Бўтабойни улуғимиз деб юрадиган кишилар уни кўрганда, бетинг қурсин хотинбоз, деб юзини тескари ўгириб ўтиб кетадиган бўлиб қолишди. Далада ишнинг мазаси қочди. Чягит экиш ўлда-жўлда, ишга чиққанлар ҳам ёлчителиб ишлашмас, гўё бўлиб ўтган бу иш Бўтабойнинггина эмас, колхознинг ҳам айби бўлиб туюлар эди.

Тўғон қуришга кетган баъзи ёш-яланглар хотинларидан хабар олгани ишни ташлаб қайтиб келишди. Тўғонда ҳам иш юришмай қолди. Ҳамманинг назарида Бўтабой кечалари томма-том ошиб бировларнинг уйига тушаётганга ўхшар эди.

Парт ячейка секретари Ботирали ўрнига Махсимни тўғонда қолдириб ўзи қишлоққа тушди. У одамлар оғзидаги миш-мишларнинг тагига етишни истарди. Бироқ, бу миш-мишлардан бир хулоса чиқариш қийин эди. Охири у партия аъзолари ва правление активларини йиғиб мажлис ўтказишга қарор қилди. Қечқурун шомдан кейин идорага атиги тўққиз киши йиғилди. Бригада бошлиқларидан олти киши келди. Муса кўса ҳаммадан кейин келиб ҳеч ким билан саломлашмай бир чеккага ўтириб олди.

Низомиддинов катта дафтарни олдига қўйиб бугунги иш натижасини эълон қилди. Маълум бўлишича бугун ўн икки таноб ўрнига тўрт ярим таноб ерга чигит экилган. Аёллардан атиги етти кампир далага чиққан. Эркаклар ҳам унчалик жон койитиб ишламаган.

Дераза тагида қовоқ-тумшугини осилтириб ўтирган Муса кўса дўнғиллади:

— Хотинбоздан раис сайласанг шунақа бўлади. Бу пахта экан-ку, ҳали шошмай туринглар, очилган хотинлар бошқатдан паранжига киради. Агар чигит ўз вақтида экилиб бўлсин, колхоз оёққа турсин десанглар, манову хотинбозни ишдан бекор қиласизлар.

— Майли,— деди Бўтабой,— раис сайлаш ўзларингнинг ихтиёрларингда. Бу гап ростми-ёлғонми ҳозир ўйлаб ўтирадиган пайт эмас. Хотинларнинг ярмидан кўпи далага чиқмай қўйди. Эртага бутунлай ишга чиқмай қўйиш хавфи бор. Колхоз ишига зарба етишини сира-сира истамайман. Ҳозир авжи экиш пайти. Шу ғанимат пайтни бой берсак, пахта ҳақида ўйлашнинг ҳожати ҳам қолмайди. Менинг тўғ-

рими-эгрилигимни текширгунингларча мен ту-
файли колхоз ёмонотлиқ бўлиб қолади. Ҳо-
зир мени раисликдан олиб одамларни тинчитиш
керак. Ҳозир мени ўғри дейсизларми, хотинбоз
дейсизларми туриб бераман. Вақти билан бу
иш текширилади. Аммо лекин, бу гаплар туҳ-
мат. Текширинглар.

Унинг гапини Муса кўса илиб кетди.

— Текширадиган жойи йўқ, ўзимиз ушлаб
олдик-ку. Яна нимасини текширади. Текшира-
верган билан ёғи чиқадими.

Бўта бошқа гап айтмади. Ботирали папирос
чекиб одамларнинг сўзини обдан эшитиб, ке-
йин гапирди.

— Бўтабойни жуда ҳам яхши биламиз. Шу
воқиа бўлгунча биронта ножўя ҳаракатини
сезган эмасман. Ҳали аниқланмаган, аммо уму-
мий ишимизга халақит бераётган бу кўнгилсиз
воқиани тагига етгунимизча Бўтабойни раис-
ликдан вақтинча бўшатиб туришга тўғри кела-
ди. Мана энди гап ўзларингда. Ким вақтинча
раис бўлсин, десанглар кўрсатинглар.

Ҳамма жим, Муса кўса йўталди.

— Бир нима демоқчимидингиз, Муса ака?

— Йўғ-э. Майли бир гап айтсам айтиб қўя
қолай. Бўта ўзимизни бола. Аммо чакки иш
қилди. Бунақа иш бутун колхозни остин-устин
қиливоради. Неча марта ўзига айтганман, ҳой
Бўта, бир бошингни икки қилиб ол, деб, энди
нима бўлди? Ўзидан кўрсин. Бу Бўтабойнинг
биринчи қилгулиги эмас. Шўро сиёсатини би-
ринчи марта бузиши эмас.

Бўта бош кўтариб Муса кўсага қаради.
Кўз-кўзга тушди. Наҳот Муса ака ҳам менга
туҳмат қилмоқчи, деб шошиб қолди.

— Аниқроқ қилиб айтинг, Муса ака, Бўтабой бекорга ёмонотлиқ бўлиб қолмасин,— деди Низомиддинов.

— Аниқ қилиб айтмасам ўзларинг билмай-сизларми? Содиқ таранг масаласи эсларингдан чиқдими?

Низомиддинов ҳиринглаб кулиб юборди.

— Кулманг, афандихон!

— Э, мени нега афанди дейсиз? Уртоқ денг!

— Ким бўлсангиз ҳам кулманг! Куладиган гапми шу?!

Бўта бошини эгиб белбоғининг учини бармоғига ўраб қимирламай қолди. У шу топда Содиқ тарангнинг зардали юзини кўз олдига келтирган эди.

Содиқ таранг ўзига тўқ ўртаҳол деҳқонлардан эди. У Зор қишлоқда колхоз тузилганда кўпчиликнинг гапига қулоқ солмай колхозга кирмади. Бўтабой уни алдаб-сулдаб йўлга солмоқчи бўлди. Содиқ таранг кўнмади. Бир кун у қўш ҳўкизи билан ер ҳайдаб турганда Бўтабой икки одамни ёнига олиб, унинг ҳўкизларини ҳайдаб келди. Содиқ таранг дод солиб правлениега келган эди, Бўта унинг ёқасидан бўғиб ертўлага қамаб қўйди. Эртасига Содиқ таранг колхозга, кираман деб ариза берибди, деган гап тарқалди. Правление мажлисида Содиқ таранг ариза берганини бўйнига олмади. Райондан келган комиссияга, аризани мен ёзганим йўқ, менинг номимдан Бўтабойнинг ўзи ёзиб, ўзи қўл қўйиб юборган, деб шикоят қилди. Комиссия унинг ҳўкизларини қайтариб берди ва Бўтабой масаласини парт ячейка муҳокама қилди. Бўтабой барибир Содиқ тарангни қулоқлар рўйхатига тиркаб юборди. Ячейка сек-

ретари Бектемиров бу масалага аралашиб, уни рўйхатдан ўчириб қўйди.

— Хўш, шу гап ҳам эсларингдан чиққанми? Агар шу гап эсларингдан чиққан бўлса, мана буниси эсларингдадир!

Бўта яна бош кўтариб Муса кўсага қаради. Энди у қизишиб қўлларини силкиб гапирарди.

— Якка хўжаликларнинг дон сепиб қўйган ерларини буздириб, пахта экдирган ким эди-а? Ким эди?

Бўтабой ўрнидан туриб кетди.

— Қиган бўсам, ўзим учун эмас, колхознинг пахтаси кўпайсин деб қилганман. Ундан кейин бу масалани мажлисга солиб менга тушунтиришган, чора кўришган.

— Чора кўришган бўлса ҳам кўзинг очилмапти-ку. Ёш боламисан! Ёш бола гуноҳ қилса калтак ейди. Қалтакни еб оғриган жойини силаб яна шўхлик қилаверади. Э, қўе. Бола эмассан-ку! Хотин олсанг ўласанми?! Қачонгача ингичка овоз эшитсанг бўшашасан?! Гапим тамом. Уни вақтинча бўшатиб ўтирмай бирваракайига бўшатиб қўя қолган маъқул.

— Муса ака,— деди Ботирали унинг сўзини бўлиб,— бировни айблаш, вазифасидан бекор қилиш осон иш. Аммо уни оқлаш қийин. Борди-ю Бўтабой бегуноҳ бўлса нима бўлади? Уртоқ Ленин кадрларни кўз қорачигидек асраш, уларни душман ифвосидан сақлаш кераклигини тайинлаган. Мен бошқачароқ таклиф киритмоқчиман. Бўтабой ишини текшириш учун училик комиссия тузсак. Нима дейсизлар?

— Тавба,— деди Муса кўса қизишиб,— у гуноҳ қилишдан, биз комиссия тузишдан чарча-

мас эканмиз-да. Шундан бошқа тирикчилигимиз йўқми?

Ботиралининг гапи Муса кўсадан бошқа ҳаммага маъқул бўлди. Ячейка номидан Бектемиров, правлениедан Низомиддинов ва Муса акалардан иборат комиссия тузилди. Низомиддинов иш бир ёқли бўлгунча вақтинча раислик вазифасини бажариб турадиган бўлди.

—Энди ўртоқлар,— деди Ботирали кетишга қўзғалганларни йўлдан тўхтатиб,— экишни жадаллаш керак. Ҳар қайси бригада бошлиғи аъзоларга аёлларини эртадан ишга чиқазиш кераклигини яхшилаб тушунтирсин.

Одамлар тарқади. Идорада Бўтабой, Ботирали ва Низомиддинов қолди.

— Энди хафа бўлмайсан-да, ўртоқ Бўтабой. Ишни яхшилаб текширамыз. Эшоннинг хотинини чақириб сўроқ қиламыз.

Бўтабой индамади. Елкасини қисиб чиқиб кетаётган эди, Низомиддинов гап қотди.

— Ўртоқ Бектемиров, печать Бўта аканинг ўзларида тураверадими?

Бўтабой Ботиралининг жавобини кутмай ёнидан печатни олиб столга қўйди-да, тез-тез юриб чиқиб кетди.

Ботирали папирос чекди. У Бўтабойни тўхтатмоқчи бўлиб эшикка қаради, нима учун тўхтатмоқчилигини ўзи ҳам билмай яна жойига ўтирди. Идорада жимлик ҳукм сурарди. Ботирали тирноғи билан столни чертиб ўтирар, нима ҳақдадир ўй-ўйларди. Охири у икки кафтини столга тираб ўрнидан турди.

— Эшоннинг хотинини чақиртириб сўроқ қилинг, бугун тўғонга чиқиб кетаман. Шу кегганимча индинга қайтаман.

— Хўп.

Ботирали чиқиб кетди. Низомиддинов стол устида ётган печатни қўлига олиб унга тикилиб турди-да илжайди.

6

«Бўта хотинбоз, Бўта хотин-қизлар озодлигининг душмани, Бўта Саломатни бир кечада йўқ қилиб юборган...»

Бу гаплар учлик комиссия аъзоси Низомиддинов йиғган материаллар.

Бўтабой кўчага чиқолмай қолди. У самоварга чиқса гўё ҳамма унга қўлини бигиз қилиб қараётгандек. Идорага бораё деса, у ерда энди унинг қиладиган иши қолмаган.

Уч кундирки, Бўтабой ўз ёғига ўзи қоврилиб уйда ўтирибди.

— Наҳот ёмонотлиқ бўлиб қолавераман. Айбим бўлса ҳам майли эди. Вазифамдан олиб яхши қилишди. Бўлмаса колхознинг тарқаб кетиши ҳам мумкин эди. Майли, ҳақиқатни ерга кўмиб бўлмайди, барибир тешиб чиқади.

Бўтабой ҳовлидаги супада чалқанча ётиб, минг хил хаёлларга боради. Нима қилсин, милицияга бориб ё мени қаманглар, ё оқланглар десинми?

Умр бўйи меҳнат қилган, бировнинг игнаси-га ҳиёнат қилмаган қишлоқ боласига ўз қишлоғи торлик қилиб қолди. Ё Зор қишлоқдан кетсамикан? Йўқ, бу — айбни бўйинга олиш. Шармандаларча қочиш.

Қўли ишга ўрганган одамнинг бекор қолиши катта фожиа. Бўтабой ўзини қайга қўйишини

билмасди. Ариқ четларидаги ўтларни кетмон-лаб сидирди. Баҳор ёмғирида нураган ўчоқни яхшилаб сувади. Супа кўзига чоғроқ кўриниб, ёнига гувала териб ичига тупроқ солди. Икки туп ўрикнинг қуриган шохларини кесиб, теша билан калта-калта қилиб чопди-да, тандир олди-га тахлади.

Унинг назарида иш тугаб қолаётгандек. Эртага мўлжаллаб қўйган ишларини ҳам бугун бажариб қўяётганини ўзи билмай қолди.

Бугун-ку, кунни бир амаллаб ўтказди. Эртага нима қилади? Уйнинг орқасини тезласам-микин, дея кўнглидан ўтказди Бўтабой,— шошмасдан яхшилаб тезласам. Уйнинг ичини қумсувоқ қилсам...

Кўча эшиги ғийқиллаб очилди. Бўтабой қаддини ростлаб қаради. Идора қоровули йўлакда турар эди.

— Улуғ, уйдамысиз?

— Келинг, келинг.

— Низомиддинуп сизни йўқлаяптилар. Ҳозир борар эмишсиз.

— Идорада ким бор? Низомиддиновнинг ўзими?

— Хабарим йўқ, ичкари кирмадим. Зап қизиқ иш қип қўйдингизда, улуғ. Хотин кишининг кўнглини билмай туриб яқин келиб бўлармиди. Мана энди нима бўлди? Бу афандихон билан чиқишолмайдиганга ўхшайман. Ҳали чой келтир, ҳали аққа бор, ҳали баққа кел, ишқилиб оти юмуш бўлса буюраверади. Елкамни уқалаб қўй деб қолмаса гўрга эди.

Бўта қоровул билан йўлга чиқди.

— Айтинг, улуғ, шу гаплар ростми? Аммо лекин рост бўлса кўп хунук иш бўлди-да...

Бўтабой жавоб бермади. Қоровул унинг бу ҳолатидан «ҳа, ростга ўхшайди» деб ўйлаб бош чайқади.

Бўтабой идорага кирганда, Низомиддинов столга бағрини бериб папирос чекар, табуреткада унга қарама-қарши ўтирган паранжили аёл пиқ-пиқ йиғлар эди.

Низомиддинов Бўта билан қўл беришиб кўришди-да, меҳрибонлик билан унга столдан жой кўрсатди. Кейин хотинга дўқ аралаш деди:

— Тўғрисини айтинг, ўртоқ Бўта сизга ёпишдими ё сиз ўртоқ Бўтага ёпишдингизми? Шўро қонуни олдида турганингизни обдан билиб жавоб беринг. Ҳукумат идорасига кирганда паранжингизни олиб ўтиринг. Бўлмаса арзингиз инобатга ўтмайди.

— У кишига ёпишиб менга зарур кептими? Теракзорга бузоқни боғлагани чиққан эдим, бир маҳал биров орқамдан келиб билагимдан ушлади. Қарасам, манаву киши эканлар. Қўрқиб кетдим. Овозингизни чиқазсанг эрингиз кулоқ қиламан, деб пичоқ кўрсатдилар. Жонипоним чиқиб кетди. Яхши ҳамки яқинда одамлар бор экан, барака топкурлар қутқариб қолишди.

— Ёлғон гапирманг, ая, ўзингиз йўлда турган экансиз, яқинингизга ҳам бормадим, бир оғиз ҳам гапирмадим, узоқдан қорамни кўриб ўзингиз дод солдингиз-ку?!

— Ҳеч-да, йигит бўлмай бетинг қурсин. Уялмайсанми? Уйлансанг ўласанми, шу вақтгача тўртта боланинг отаси бўлардинг.

Низомиддинов Бўтабойга қаради.

— Энди нима қиламиз! Бу кишининг гапларини тасдиқлайсизми?

— Йўқ!

— Шу гапнинг ёлғонлигига қандоқ далиллар кўрсатасиз?

— Далилим йўқ,— деди Бўтабой кўрслик билан,— шунга чақирганмидингиз?

— Ҳа, эртага ўртоқ Бектемиров тўғондан қайтиб келадилар. Шу ишни суриштириб қўй, деб тайинлаган эдилар.

Низомиддинов хотинга қаради.

— Сизга жавоб ая, керак бўлса яна чақиртирамиз.

Хотин ўрнидан турди.

— Ҳар қаерда гап сотиб ишни чувалаштириб юрманг ая, билган ундоқ дейди, билмаган бундоқ дейди. Текшираамиз, оқни оққа, қорани қорага ажратамиз.

— Биламан,— деди хотин қошларини чимириб,— ҳамманглар бир одамсизлар. Тил бир-китиб қўйгансизлар. Қани шунга жазо берманглар-чи, жазо берманглар-чи, Охунбобоевнинг олдиларига бораман, бу ишнинг тагига етмай қўймайман.

Хотин жоврай-жоврай чиқиб кетди. Низомиддинов оғир иш қилгандек лунжини шишириб туриб, от пишқиргандек уф тортди.

— Нима қилай ошна. Кошки эди шу иш ёлғон бўлса. Хотинни алдаб-сулдаб даъвонгдан кеч, Бўта рози қилади деб ҳам кўрдим, ялиндим ҳам, ёлвордим ҳам бўлмаепти. Икки оёғини бир этикка суқиб туриб олган. Энди нима қиламиз?

— Алдашнинг ҳам, ёлворишнинг ҳам кераги йўқ. Ҳақиқат қилиш керак, вассалом!

— Қандай қилиб ҳақиқат қилиб бўлади. Сизда асосли далил йўқ. Хотиннинг даъвоси

кучли. Унинг устига гувоҳлар ҳам бор. Муса аканинг бригадасидагилар тўполоннинг устига келиб қолишмаганда ҳам гўрга эди.

Низомиддинов тортмадан қалин папкани олиб, стол устига ташлади.

— Кўряпсизми. Материал борган сари кўпайяпти.— У папканинг боғини ечиб бир қоғозни олди. Араб алифбесиди ёзилган хатга кўз югуртириб остига қалам билан чизилган сатр устига бармоғини қўйди,— Бўтабой, сиз Саломат деган қизни танирмидингиз? Эшоннинг уйида хизмат қилар экан-ку.

— Ҳа,— деди Бўтабой кўпдан унутган нарсасини беҳос эслаган кишидек эсанкираб.

— Ҳозир ўша қиз қаёқда?

Бўтабой елкасини қисди.

— Нега сўраяпсиз?

— Йўқ, шунчаки сўрадим-да.

— Тўғриси айтиверинг, бир гап борми?

Низомиддинов пешонасини уқалаб ўрнидан турди-да, Бўтабойнинг олдида келиб унинг елкасига қўлини қўйди.

— Мендан хафа бўлманг, Бўтабой. Менинг ўрнимда сиз бўлсангиз нима қилардингиз? Қани энди, қўлимдан келса, албатта бости-бости қилиб юборардим. Дунёда яхшилик қолади. Қандоқ қилай, устингиздан ариза тушган. Саломатни йўқ қилиб юборган эмишсиз. Аризага беш киши қўл қўйган.

— Бу туҳмат-ку, ўртоқ Низомиддинов! — деди кутилмаган айбномадан юраги тарс ёрилгудек бўлиб Бўтабой.

— Менинг ҳам сира ишонгим келмайди. Кошки эди, туҳмат бўлса. Манави сабил аризада очиқ-ойдин ёзиб қўйилган.

Бўтабой этагини қоқиб ўрнидан туриб кетди.

— Майли, Оқпошшонинг невараси дейсизларми, одамхўр дейсизларми, деяверинглар. Энди мени бу ерга чақиртириб, овора қилманглар. Бошқа айтадиган гапим йўқ.

— Бунга асос керак, ошна. Бир-биримизни таниганимизга атиги бир ярим йил бўлди. Қишлоқларингга янги одамман. Отангиз ким, ўзингиз ким, билмасам. Нимаики гап бўлса, ҳам қишлоқларингиздан чиқяпти. Мендан хафа бўлманг, оғайни. Холис одамман. Сизни яхши ҳам деёлмайман, ёмон ҳам. Тўғри гап ҳам шуда!

Бўтабой яна стулга ўтирди.

— Менга қаранг. Сиз ҳали мени танимайсиз. Шу ерда туғилиб ўсган боламан. Шўро ҳукуматини ўзим қуриб қўйганман деб кўкракка урадиганлардан эмасман. Лекин шўродан жонини аяйдиган номардлардан ҳам эмасман. Шўронинг душманлари — босмачилар билан олишган, саккиз жойидан ярадор бўлишига қарамай бешотарни елкасидан ташламаган, қулоқларнинг сирини очган, колхоз тузишда кечани-кеча, кундузни-кундуз демаган бир одамнинг гапи инобатсиз қолиб кетаверсаю, қишлоқ одамларининг қонини зулукдек сўрган эшоннинг хотини, оқсоқолнинг қизи, ҳоким тўра тилмочининг сарқити нима деса маъқул экан-да, а? Майли. Бу замонда — шўронинг замонида ҳақиқат оёқ остида қолиб кетмайди.

Низомиддинов ушлаб турган қоғоз ерга тушиб кетди. У энгашиб қоғозни олди-да, қўлининг титраётганини сездирмаслик учун чўнтагидан ниманидир қидира бошлади.

Бўтабой «ҳоким тўранинг тилмочи» деди. Бил-
л- айтдими, билмай айтдими? Ё унинг қуло-
ғига шунақа эшитилдими?

— Шунақа, ўртоқ Низомиддинов,— деди Бў-
табой,— бу душманнинг иши. Бунда сир бор.

— Эшон аяни яхши танир экансиз-да, Бўта-
бой.

— Ўзларини танимасак ҳам таърифларини
эшитганмиз.

— Тилмоч, дедингиз,— деди синамоқлик учун
ўсмоқчилаб Низомиддинов,— у киши ким эди?

— Эшон аянинг аввалги эри-да. Ҳоким тўра-
нинг тилмочи бўлган экан, деб эшитган эдим.

Низомиддинов бошқа гапни айлантирмай
гапкани ёпди.

— Майли, эпласам, эпладим, бўлмаса мендан
хафа бўлиб ўтирманг.

— Эплашингизга сира муҳтожлик жойим
йўқ.

Бўтабой эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб
кетди.

Низомиддинов сапчиб ўрнидан турди. Дераза
пардасини кўтариб кўчага қаради. Бўтабой кў-
ча ўртасидан ҳеч қаёққа қарамай жаҳл билан
тез юриб кетмоқда. Низомиддинов то у кўздан
йўқолмагунча деразадан нари кетмади.

У ўйлар эди.

— Мўлжал тўғри чиқди. Ҳоким тўранинг
тилмочи, оқсоқолнинг қизи. Гарчи аниқ бил-
маса ҳам, бу гаплардан ҳар қалай хабари бор.
Қараб тур, ҳали, Зор қишлоқдан қадамнингни
қирқаман. Саломатни бўйнингга тош қилиб
боғлайман, тўлқинга иргитаман. Ушанда кўнг-
лим жойига тушади. Ё мен бошлаган йўлга
юрасан, ё жонингдан умидингни узасан.

Қоровул чой олиб кирди.

— Афандихон, улуғимизнинг иши нима бўлди, а? Чоғимда туҳматнинг иси келадиёв, бу ишдан.

Низомиддинов уни жеркиб берди.

— Биринчидан, мени афандихон деманг. Иккинчидан, тушунмаган ишингизга тумшуғингизни суқманг!

— Бир айтдим қўйдим-да. Мунча жеркасиз, улуғ. Албатта сизларнинг оғзингизда илмингиз бор, тушунган кишисизлар. Биз бир оми фуқаро одам.

Қоровул энсаси қотганидан эшикни ёпмай чиқиб кетди.

— Оббо, бир ками сен қолувдингми? Амали қоровуллик-у ақл ўргатишини қарая!

Чол зардасидан тушди шекилли, чироқ олиб кирди.

— Ота, бригада бошлиқлари келишса, айтинг, сводкани эрталаб олиб келишсин, бошим оғриб, танам зирқираб турибди. Ётиб дам олмасам бўлмайдиганга ўхшайди.

Низомиддинов шапкасини кийиб остонага етганда тўхтади, яна қайтиб келиб тортмадаги папкани олди.

— Кўряпсизми, отахон, манави папкани. Шунинг ичи лиқ тўла ҳужжат. Ҳаммаси улуғингизнинг гуноҳи. Ёнини оласиз-а!

— Қайдам, мен бир мияси ачиб қолган чолман, болам. Одамнинг оласи ичида бўлади экан-да.

Низомиддинов кетди. Чол чироқни пасайтириб кўчага чиққанда, гузар томондан граммафон товуши келарди.

Бектемиров эрталаб соат ўнларда тўғондан қайтиб келди. У Низомиддиновнинг қўлидан папкани олиб, Бўтабой устидан тушган аризаларни синчиклаб ўқиб чиқди.

— Булар ҳали ҳолва,— деди Низомиддинов Бектемировнинг бетига қарамай,— хат билмайдиган оғзаки гувоҳлар ҳам бор, ёзиб берай десам ҳамма аризалар бир одамнинг қўли билан ёзилган, деган шубҳа бўлмасин деб...

Бектемиров унга худди ўлжасини мўлжалга олган мергандек бир кўзини қисиб ўткир қаради.

— Ёв қочса, ботир кўпаяр, деган гапни эшитмаганмисиз. Бўтабой ҳали қочгани йўқ. Иш қалай! Кеча қанча аёл далага чиқди.

— Битта ҳам чиққани йўқ.

Бектемиров дўпписини олиб бошини қашиди.

— Экиш қалай, неча таноб?

— Кечагиси икки таноб-у уч чоракдан сал кўпроқ.

Низомиддинов тортмадан бир даста қоғоз олиб Бектемировнинг олдига ташлади.

— Бу нима?

— Ўқинг, ўқиб кўринг.

Бу саккиз аёлнинг колхоздан чиқазишни ва колхозга кирганда қўшган молларини қайтариб беришни сўраб берган аризаси эди.

— Шунақа, ўртоқ Бектемиров. Жуда нозик пайтда раис қилиб қўйдинглар-да, мени. Экиш бу аҳволда. Меҳнат интизоми у аҳволда. Бировнинг шалтағига ботиб жувормарг бўлиб кетмасам деб қўрқаман.

Бектемиров индамади. Бояги аризаларни ҳам папкага солди-да, ўрнидан турди.

— Тушдан кейин районга бориб келаман. Экишнинг бориши ҳақидаги маълумотларни тўғрилаб тулинг.

— Нима, бу ишни райкомга хабар қилмоқчимисиз? Агар хабар қилсангиз, ўзимизга гап тегиб қолмасмикин?

— Гап тегишдан қўрқиб, ўзимиз ҳал қиладиган бўлсак, аъзоларимизнинг ярмидан айиламиз. Ундан ташқари, экиш расво бўляпти. Ҳеч кимнинг қўли ишга бормайди. Ўртоқ Низомиддинов, бундай пайтларда раҳбар органларнинг ёрдамига таяниш керак.

Низомиддинов, ўзингиз биласиз, дегандек елка учуриб қўйди.

Бектемиров папкани қўлтиқлаб Бўтабойнинг уйига борди. Бўтабой эгнига эски тўн кийиб, айвоннинг тоmidан ҳамма ёқни чангитиб тупроқ тушираётган эди. У Бектемировни кўриб шотидан пастга туша бошлади.

— Ҳа «озодлик душмани, хотинбоз» нима қиляпсан?

Бўтабой Бектемировнинг овозида жиддийлик йўқлигидан ҳазиллашаётганини сездиди-да, илжайди.

— Хотинбознинг жазоси шу деб, том очяпман, Ботир ака.

Иккови супага ўтиришди. Ҳар иккови ҳам нимадан гап бошлашини билмай, анча вақтгача жим ўтиришди. Охири Бектемиров оғзини гапга жуфтлади.

— Қўп ўйладим. Бирон бригадага ишга чиқиб тур, десам у ҳам бўлмайди. Бригада тарқаб кетадими деб қўрқаман.

— Ҳа, Ботир ака, ҳозир одамлар мохховдан ҳазар қилгандек, мендан қочишади. Ҳайронман, нима қилишга.

— Ҳайрон бўлма. Бу гапнинг таги чиқиб қолар. Эшоннинг хотинини кимдир тезлаяпти. Кимлардир қўлтиғига сув пуркаяпти. Албатта, бунинг тагига етаман. Биласанми, ер-сувдан ажраган унсурлар ҳали-бери тинч ётмайди. Ётиб қолгунча отиб қол, деб колхозни бузишга, раҳбарларни беобрў қилишга уринади. Илгари очикчасига пичоқ яланғочлаб юрганлар энди пичоғини енг ичига олган. Ана шуниси хавфли. Ким дўст, ким душман ажратиш қийин. Синфий хушёрлик керак бунга.

Бўтабой қумғонга чой дамлаб олиб келди.

— Зерикиб қоляпсанми!— деди Ботирали унинг қўлидан чойни ола туриб,— майли, учтўрт кун сабр қил. Айтганча, Саломат деган қизни танирмидинг?

— Танирдим,— деди Бўта хомуш — эшоннинг чўриси эди. Босмачилар олиб қочган.

— Ана ўша қизнинг йўқ бўлиши ҳам сенинг устингга тушиб турибди.

— Эшитдим.

Яна жим қолишди.

— Районга кетяпман: Ўртоқ Қаландаровга учрашиб қайтаман. Хоҳласанг юр, шамоллаб келасан.

Бўта унинг гапини қайтармади. Чой ичиб бўлишгач, иккови отлиқ районга жўнашди.

Район маркази Зор қишлоқдан тўққиз километр келади. Қинғир-қийшиқ сертупроқ кўчанинг ҳар ер-ҳар ерида пастак, томига пичан, беда босилган уйлар, таппи ёпилган сернаҳра деворлар учраб қолади. Фишт кўприк ёнбоши-

даги ҳаммомнинг гумбазларини пўпанак босиб кетган, масжид пештоқидан то ергача осилиб тушган итқовуннинг палаги қуриб қолган. Йўл кам қатнов. Бу йўл майнинг ўн бешларидан гавжум бўлади. Қулупнай, бодринг, оқ ўрик ортган эшак араваларнинг кети узилмайди. Августларга бориб араваларнинг ғилдирагидан, отларнинг туёғидан кўтарилган чанг кўз очиргани кўймайди.

Бўтабой билан Ботирали отларининг тизгинини бўш қўйиб атрофда мавж уриб турган баҳор манзараларига маҳлиё бўлиб боришарди. Бу манзаралар уларнинг ҳар икковида ҳам ғалати ҳислар уйғотган.

Кўклам манзаралари кимларнинг қалбини кўзғатмаган. Ҳамма ёқда гул, майса. Ҳаво ҳам аллақандай, хушбўй исга тўлган.

Бўтабой бу йўллардан жуда кўп қатнаган. Тупроғи билқиллаб ётган шу кўчалардан пода ҳайдагани, елкасига обкаш қўйиб Хўжаободга қатиқ элтиб сотгани ва ниҳоят бешотар осиб, Холхўжа йигитлари кетидан от қўйган йиллари ҳали эсида. Умрини ҳалол, бегуноҳ ўтказган йигитнинг ҳозир кўнглига қил сиғмайди. Наҳот унинг бегуноҳлигини биров билмаса. Ахир у Зор қишлоқ аҳлининг кўз ўнгида ўсган болаку. Ахир эшон ва Эшон аянинг кимлигини Зор қишлоқликлар яхши билишади-ку!

Душманинг битта бўлса ҳам эҳтиёт бўл. Бир дона гугурт жаҳонни куйдиришга қодир. Бир қарич девпечак неча таноб резаворни нобуд қилади. Одамлар орасида ҳам девпечак борлигини, у аста томир ёйиб бораётганини Бўтабой биларди-ю, аммо ўша девпечакнинг илдизини тополмай доғда эди.

Бектемиров ҳам ўз ўйи билан овора. У ёнида хаёл суриб кетаётган йигитнинг изтиробларини юракдан ҳис қилар, уни нима қилиб юпатиш кераклигини ўйларди.

Аслида бўлиб ўтган воқиа аҳамиятсиз бир гап эди. Бироқ уни шишириб, кўпиртириб юбориш мумкин. Бир парча темирдан минг хил буюм ясамоқ мумкин бўлганидек шу воқиадан ҳам минг хил фожиа яратмоқ мумкин эди.

Саид Жалолхон эшоннинг ваъз-насиҳатлари билан йиллар давомида қулоғи кар, кўзи кўр бўлган баъзи зорқишлоқликлар орасида диний эътиқодларга берилганлар ҳали кўп эди. Эшон ва Эшон аянинг ҳар бир гапини каромат билган муридларнинг тушунчасини ўзгартмоқ, эшондан эътиқодини қайтармоқ осон иш эмас эди.

Эшон ҳали Зорқишлоқда яшар экан, унинг қанотида қанчалаб эшонзодалар бўлиши, бу эшонзодалар ҳар йўл билан колхозни кемириши турган гап. Бўтанинг Эшон аяни зўрламоқчи бўлгани уйдирма бўлса ҳам аслида пухта ўйланиб, шу баҳона бутун аёлларни колхоздан совутиш учун қилинганлиги маълум. Мутаассиб зорқишлоқликлар хотинларини, келин ва қизларини далага чиқазмай қўйишди. Шундоқ вақтда-я! Экиш авжи доли-гулига етганда-я!

Бу ерда ашаддий иш кўрган одамнинг қўли бор. Ким ўша? Ана ўшанисини топиш керак.

Бектемировнинг хаёли ана ўша ашаддий душманнинг кимлигини билиш билан банд эди.

Бўтабой Бектемиров билан тушдан кейин учрашишни ваъдалашиб, Заготзерно контораси олдида ажрашди. У ўйлаб-нетиб ўтирмай мили-

ция идораси томонга қараб юра бошлади. Навбатчи бошлиқ идорада эканлигини айтгач, Бўтабой сўроқсиз эшикни очиб кирди.

Бошлиқ ориқ, чўзинчоқ юзли, бир кўзи ингичка тасма билан бойланган новча киши эди. У ич кўйлақда. Ранги оқариб кетган гимнастёркасини тиззасига қўйиб, ёқасига хуноб бўлиб оқ латта тикаётган эди. У Бўтабой кириши билан пешонасини тириштириб қаради.

— Ия, ия, бор экансан-ку, чиноқ! Раис бўлиб бизни эсдан чиқариб юборгансан деб ўйлаган эдим.

Бўтабой у билан кўришаркан, илжайди.

— Раисликдан туширишди.

Милиция бошлиғи унинг гапини ҳазил фаҳмлаб, аския қилди.

— Яхши ҳам туширишипти, бўлмаса бизни танимай қолган эдинг. Қани ўтир. Иш қалай? Экиш қанақа кетяпти? Биз боп иш йўқми? Қишлоқ тинчиб қолгандирки, милицияга ишларинг тушмай қолди.

— Қишлоқ-ку, тинчликка-тинч-а, аммо ўзим нотинчман.

— Нима бўлди? — милиция бошлиғи ип қатимини тиши билан узиб, игнани кўкрак чўнтагининг қопқоғига ич томондан тўғнади-да, гимнастёркасини кийди. Стол тортмасидан наган осилган энлик камарини олиб, белига сириб тақди. Боя ич кўйлақда ориқ, истараси совуқроқ кўринган бу киши ҳарбий формада энди анча басовлат бўлиб қолди. У стол устидаги чойнакнинг қопқоғини шиқирлатиб жойига келиб ўтирди.

— Хўш, хўш, нима бўлди? Нега нотинч бўлиб қолдинг?

Бўтабой энди гапга оғиз жуфтлаган ҳам эдики, эшик очилиб қирқ ёшларга бориб қолган қоп-қора бақалоқ киши кирди.

Унинг эғнида чийдухоба гимнастёрка, бошида чуст дўппи, отнинг қорин боғига ўхшаган камарида наган осилиб турибди. То қулоғигача етган мўйловининг учи худди гажакка ўхшаб буралиб кетган. Кўкрагида «Осоавиахим», «Мопр», «Қизил яримой» значеклари. Қулоғида лола.

— Хизмат, ўртоқ начальник?

— Чой олиб кел!

У, ҳарбийча юриш қилиб чойнакни олиб чиқиб кетди.

— Танийсанми уни?

— Ҳа, Розик олифта-да.

— Э, олифталиги қоптими?— деди бошлиқ кулиб,— аммо лекин яхши бола. Хизматни яхши бажаради. Қоидасини ўрнига қўяди. Бандитларни тутишда кўп иш кўрсатган. Чекадан икки марта раҳматнома олган.

Розик олифта чой олиб кирди. Уларнинг суҳбати нима ҳақда кетаётганини пайқаб тўхтади.

— Ўртоқ начайлик, соат ўн иккига майлис чақиргансиз, эсингиздан чиққани йўқми?

Бошлиқ уни тўхтатди.

— Розик, соатингни кўрсат, чиноққа!

Розик этагини кўтариб шимининг камарига занжири боғланган ён соатни Бўтага кўрсатди.

— Кўрдингми, чиноқ. Бу соатни ўртоқ Держинский унга минг тўққиз юз йигирма бешинчи йилда совға қилганлар. Мана қопқоғига ёзиб қўйилган. «Ўртоқ Розик Ҳайдаровга, Держинскийдан».

Розиқ мўйловини бураб тилла тишини йилтиратиб яйраб илжайиб турарди.

— Энди боравер!

Розиқ чиқиб кетди.

— Хўш, айтчи, нега нотинч бўлиб қолдинг?

— Тухмат бўлди, ошнам. Эшоннинг хотини тухмат қилди.

Бўтабой бўлган воқияни бирма-бир айтиб берди.

— Бу ишда душманнинг қўли бор. Нима қилишга ҳайронман.

Бошлиқ столни чертиб ўйлаб турди-да, унинг гапини тасдиқлади.

— Кимдан шубҳанг бор?

Бўтабой елка қисди.

— Азим бойваччанинг иши эмасмикан дейман.

— Бўлиши мумкин. Нега уни қулоқлар рўйхатига киритмадинглар.

— Киритганмиз. Нима учундир ҳар гал юқоридан келадиган рўйхатга оти кирмай қолади.

— Шошма-шошма! Менимча, ўзларинг юборган рўйхатда Азим бойвачча йўқ эди.

Бошлиқ ўрнидан туриб шкафни очди. Қаланиб ётган папкаларни титиб, бир даста қоғоз олди. Кейин дераза олдига келиб варақлай бошлади.

— Мана, уч марта рўйхат олдик. Ўзларинг тузган рўйхат. Иккитасида Азим бойваччанинг оти ёзилиб, кейин ўчирилган, охиргисида мутлақо рўйхатга кирмаган.

Бўта ҳайрон бўлди.

— Буниси қизиқ бўлди-ку. Ахир уни ким ўчиради?

Бошлиқ елка қисди.

— Рўйхатни кимдан юборган эдинг?

— Котибдан-да.

— Котибинг дуруст одамми ўзи?

— Тузук одамга ўхшайди. Илми бор, муомаласи ҳам яхши. Ишни жондили билан қилади. Қишлоқ халқи яхши кўради уни.

— Зор қишлоқданми? Ким ўзи?

— Низомиддинов деган киши. Бу ердан эмас. Ундан гумоним йўқ.

Бошлиқ соатига қаради.

— Хотиржам бўл. Бу ишни ўзим бир текшириб кўраман. Агар бирон сир билсанг, бизга хабар қил.

Бўтабой хайрлашиб чиқиб кетгандан кейин бошлиқ Розикни чақирди.

— Қўлингдаги иш нима бўлди?

— Ҳали тугагани йўқ, ўртоқ начайлик. Бирон ҳафта муҳлат беринг.

— Йўқ,— деди бошлиқ.— Икки кун муҳлат бераман. Кейин Зор қишлоққа борасан. Сен қиладиган иш чиқиб қолди. Зор қишлоқдан чиққан босмачиларнинг рўйхатини олиб кир.

— Хўп бўлади, ўртоқ начайлик.

Розик чиқиб кетди, бошлиқ столни тирноғи билан чертиб ўйланиб қолди.

* * *

Бектемиров район партия комитети секретарининг қабулхонасига кирганда маориф бўлимининг мудирини Тошкентдан келган қизлар билан чақчақлашиб ўтирар эди. У Бектемировни кўриб, кўришгани ўрнидан турди.

— Ўзингизни кўрганим кўп яхши бўлди-да.

Ниҳоят Зор қишлоқнинг пешонасига муаллим битди.

— Бахайр,— деди Бектемиров унинг сўзини бўлиб,— ростданми?

— Мана,— деди у скамейкада райком секретарининг қабул қилишини кутиб ўтирган қизларни кўрсатиб,— кеча келишди. Зебинисо мактабининг қалдирғочлари. Ҳозир ўртоқ Қаландаров билан гаплашиб, кимни қаёққа юборишни ҳал қиламиз.

Шу вақт кабинет эшиги очилиб, ундан Қаландаровнинг юзи кўринди. У маориф бўлимининг мудирига «марҳамат» деб ичкарини кўрсатди. Қизлар ўринларидан туриб, секретарь кабинетига кириб кетишди.

Қабулхонада одам кўп. Биров девордаги телефоннинг қулоғини бураб гаплашади. Секретарь қиз гўё гурунчдан курмак қидираётгандек имиллаб, машинка босади. Чап томондаги кабинетнинг эшиги дам ўтмай очилиб биров киради, биров чиқади.

Қабулхонага кириб келган район ижроия комитетининг раиси — ёши элликлардан ошган қорасоқол киши бошидаги деҳқонча қалпоғини столга ташлаб секретарь қизга эшикни кўрсатиб имо қилди.

— Борми?

Қиз бош ирғаб қўйди.

Ижроком раиси тўни устидан сириб боғланган чорсуни тўғрилаб, эшикни очиб кириб кетди. Қаландаров қизикроқ бир гап айтди шекилли, ичкаридан қизларнинг кулгиси эшитилди.

Телефон жиринглади, қиз машинкани тўхта-тиб трубкани олди. Кейин у ким биландир гап-

лашиб, хўп, ҳозир, дедию трубкини столда қолдириб, ичкарига кириб кетди.

Маориф мудирни билан бошлашиб қизлар қайтиб чиқишди. Улар ўзаро нималар тўғрисида гоҳ кулиб, гоҳ жиддий суҳбатлашишарди. Маориф мудирни Бектемировга бир қизни таништирди.

Ёши ўттизларга бориб қолган, юзлари тиниқ, қорақош қиз Бектемиров билан кўришаркан, «Ҳакимова» деб фамилиясини ҳам айтди.

— Мана айтмадимми, ўртоқ Қаландаров, Зор қишлоққа иложи бўлса бир эмас, икки муаллим юбориш керак, дедилар. Ўртоқ Бектемиров, энди бу ёғи сизга боғлиқ, уй-жой, шароит деган гаплар бор. Хабар олиб турасиз-да. Тагин қизимизни ранжитиб қўйманг.

— Йўғе,— деди кулиб Бектемиров.

Ичкаридан Қаландаров билан райижроком раиси чиқди.

Бектемиров у билан кўришгач, зарур бир иш билан келганини ва беш минутгина вақтини аямаслигини сўради.

Қаландаров у билан бошлашиб яна кабинетга кирди.

— Хўш, нима дейсиз, гапни қисқароқ қилинг, жуда шошиб турибман, ўртоқ Охунбобаев келяптилар, ҳозир станцияга шошиб турибман.

Бектемиров шошиб-пишиб бўлган воқияни айтиб берди. Қаландаров нималарнидир ён дафтарига ёзиб олди.

— Ҳозирча ҳеч нима деёлмайман, индинга Бўтанинг ўзи келсин. Гаплашамиз. Вақтинча бўлса ҳам ишдан олганларинг чакки бўпти. Битта бемаъни хотиннинг гапига ишониб, шундоқ яхши одамни бебурт қилганларинг яхши

бўлмаяпти-да! Урнига тайин қилган кишинглар ҳам бопта тушмапти. Майли, индинга кечқурун келинглари. Гаплашамиз. Жуда хунук иш бўпти. Ҳушёрроқ бўлинглари. Муаллим қизни сизларга юборяпмиз. Хотин-қизлар ўртасида ташвиқот ишларини ҳам шунга юкланглари. Хўп, хайр бўлмаса. Айтганча, Ботиржон, эртага кечқурун район активи бўлади. Йўлдош ота ҳам иштирок этадилар. Ҳар қанча гапингиз бўлса, ўша ерда яна гаплашамиз.

Улар қабулхонага чиқишгач, Қаландаров қизларга юз ўгирди.

— Сизлар ҳам активга қатнашинглари. Районимиз аҳволи билан жиндек бўлса ҳам танишиб оласизлар.

Телефонда гаплашаётган райижроком раиси овозининг борица шанғиллари, гапни тушунтиролмай бўғиларди.

— Вақтим йўқ. Бир минут ҳам. Ҳа!— У бармоқларини аррага ўхшатиб кекирдагига қўйди-да, ишининг ниҳоятда зидлигини билдирмоқчи бўлди.

Ҳакимова қишлоққа икки кундан кейин боришини айтгач, Бектемиров тайин қилинган куни албатта арава юборишини уқдириб, Бўтабойни излаб кетди.

9

— Эртага кечқурун районда актив бор. Ўртоқ Охунбобаев ҳам бўладилар. Уч-тўрт киши бўлиб борамиз. Қиладиган мажлисимизга активдан андоза кўтарамиз-да! Ҳа, айтмоқчи, тузукроқ бир уй топинг, ўртоқ Низомиддинов, муаллим келади.

Бектемиров гапни тугатмаган ҳам эдики, Турсунбой ота келиб суҳбатни бўлди.

— Умрингдан барака топкурлар, бу нима қилганларинг?

— Ия,— деди Низомиддинов,— нима бўлди, «Чемберлин»ни-ку бўғзига пичоқ тортган эдингиз, энди «Чанқайши»нинг ҳам ичак-чавоғини ағдариб қўйдингизми?

Чол энди гапга оғиз жуфтлаган эди, Низомиддинов, хап туринг, деб ўзи гапга тушиб кетди.

— Отамнинг «Чемберлин» деган эчкилари бор эди, ҳаром ўлай деганда бўғзига пичоқ тортиб юборганлар, ўрнига Бўтабой бошқа эчки ёзиб берган эди, унга ҳам ўзим «Чанқайши» деб от қўйиб берган эдим. Ана, энди у ёғини ўзингиз айтинг, ота!

Чол белбоғидан нос қовоғини олиб, ўтирганларга тутди. Низомиддинов ҳам, Бектемиров ҳам чекмасликларини билдириб узр айтишди. Чол кафтини тўлдириб нос отди-да, палағда товуш билан гапга тушиб кетди.

— Хотиним шол бўп қолган, бева қизим қўлимда, эрини Холхўжа қўрвоши отворган, икки боласи бор...

— Гапни қисқа қилинг, ота!— деди Низомиддинов.

— Э,— деди зарда билан носни тупурар экан чол,— гаппи белига тепманг мулла, мундоқ чучунтириб айтай-да

— Айтаверинг, айтаверинг, ота.

— Ана, гап деган мундоқ бўпти. «Чембирли» ўлиб қолгандан кейин, умрингдан барака топкур Бўтабой «Чўнқайди»ни ёзиб берган эди.

— Чўнқайди эмас, Чанқайши.

— Хап туринг-да, мулла, тилим келишганини айтаман-да. Эски тилмочсиз-да, аралашмасангиз бўлмайди. Уша эчкини соғиб турган эдим, молхонадан одам келиб қайтариб оламан,— дейди.

Низомиддиновнинг ранги бўзарди, «чол нима деб алжияпти, билиб айтаяптими, ё бехосдан гапириб қўйдими, бу гап Бектемировни қулогига чалиндими» деган ўй ялт этиб хаёлидан ўтди.

— Нега?— деди Бектемиров унга тикилиб.

— Бўта унсур бўган. Озодлик душманининг потписи бекор бўлди, дейди.

Бектемировнинг зардаси қайнаб кетди.

— Қимдан чиқди, бу гап?

Низомиддинов елкасини қисди.

— Гапдан хабарингиз йўқми, болам. Молхонада ур-йиқит бўляпти. Ҳамма ўз молини етаклаб кетмоқчи.

Бектемиров сапчиб ўрнидан турди.

— Қани, ўшоққа юринглар. Ота, сиз эчкини соғаверинг, ҳеч кимга бера кўрманг!

Йўлда ҳўкиз етаклаб келаётган чол уларни кўриб тўхтади.

— Йўл бўлсин, отахон?

— Шундоқ... —

— Ҳўкизни қаёққа олиб кетяпсиз?

— Қаёққа бўларди, уйга-да.— Қўрслик билан жавоб берди чол.— Ҳар ким ўз молини танлаб олсин, деган буйруқ чиқибди-ку!

— Қим айтди?

— Ҳамма айтяпти.

— Ота, бу бўлмаган гап. Биронта унсур ўйлаб чиқарган уйдирма бу. Юринг, элтиб беринг ҳўкизни.

Чол нима қилишини билмай, гарданини қашиди.

— Бошқалар ҳам оляпти-ку.

— Олмайди.

Чол тўнғиллади.

— Бу ўзи сизларга тушуниб бўладими? Раис бекор бўлиб, колхоз тарқади-ку.

Бектемиров Низомиддиновга қаради.

— Ботир ака, ўлимдан хабарим бор, бу гапдан хабарим йўқ,— деди қизариб Низомиддинов.

Уларнинг қадами тезлашди. Молхонада одам кўп. Биров ҳўкизининг, биров отининг арқонига ёпишган. Отбоқар ким биландир сўкишади. Шовқин. Кимнинг нима деганини билиб бўлмайди.

Бектемиров кириши билан отбоқар унга қараб югурди. Баланд бўйли, шоп мўйлов йигит унинг йўлини тўсди.

— От қани, отни топасан?

— Э, отингни Бўта миниб қочган.

Бектемиров овозининг борица қичқирди.

— Шошманглар, ҳовлиқманглар, душманинг иғвосига учманглар. Колхоз тарқгани йўқ! Тарқамайди ҳам!

Бир пасда жимлик чўкди. Энди Бектемиров шошилмай салмоқлаб гапира бошлади.

— Ахир, ким айтди, колхоз тарқади, деб? Бу ғирт душман одамнинг гапи-ку. Ким нима деса, ишонаверасизларми? Колхоз бузилмайди, сира бузилмайди.

Бояги отини қистаган мўйловли йигит луқма ташлади.

— Раиснинг қочганига нима дейсиз?

— Бўлмаган гап бу. Бўтабой қочгани йўқ.

Нега қочади? Шунча вақт бир бўлиб Бўтабойдан бирон ёмонлик кўрганмидинглар? Бўтага туҳмат бўлди. Шунини бир билиб қўйингларки, Бўтага туҳмат қилиб колхозни оёқдан йиқишмоқчи. Бу меҳнаткаш одамнинг ва шўро ҳукуматининг душманидан чиққан гап. Сиз лоп деса, ола қоп олиб югуриш ўрнига, ана шунақа ифвогарларни тутиб беришларингиз керак. Бўтабой қочмади. Районга бориб келди. От колхоз саройида турибди-ку. Район марказига Йўлдош ота келганлар. У киши қишлоғимизга ҳам келадилар. Мунақа қилсанглар отанинг олдиларида нима деган одам бўламиз. Кимдаким колхоз шаънига ёмон гап айтса, андиша қилмай, бизга хабар қилинглар. Жазосини берамиз. Шўро ҳукумати душманларни аёвсиз жазолайди.

Низомиддинов гапга аралашди.

— Хотинини ишга чиқазмаганларни судга берамиз! Қаматамиз!

Бектемиров уни силтаб ташлади.

— Сиз аралашманг! Қамоққа бало борми шу пайтда.

Кимдир гап қотди.

— Хотинини колхоз раисига қўшиб қўядиган гўсхўр йўқ.

— Хотин-қизларга кўз олайтирадиганларни аямаймиз. Агар Бўтабой шундоқ қилган бўлса, жазолаймиз. Хотиржам бўлинглар. Бўлдимиз энди. Тарқанглар. Ҳозир нимаики гап айтган бўлсам, ҳукуматнинг, фирқанинг гапини айтдим.

Кимдир баланд овоз билан қичқирди.

— Маскопдан келаётган катта кўрпага нима дейсиз?

— Қанақа кўрпа?— ҳайрон бўлиб сўради. Бектемиров.

Бирдан ҳамма жимиб қолди.

— Эрқагу-хотин аралаш юз киши ёпиниб ётадиган кўрпа келаётган эмиш-ку.

Бектемиров учун бу гап янгилик эди. Авваллига нима деб жавоб қайтаришини билолмай довдиради. Чаккасини қашиб туриб савол берган чолга қаради. Кейин ўзини тутолмай кулиб юборди.

— Нега куласиз, мулла?

Одамлар орасида ҳассасига таяниб турган кампир олдинга чиқди.

— Кул-а, кул! Колхозга ғирт бўйдоқлар катта бўлиб огансанлар. Нимангга ачинасан. Хотининг бўлмаса, қизинг бўлмаса. Кул, кулавер!

Хотин сочини юлиб дод устига дод солди.

— Вой, мусулмонлар, дин қани, диёнат қани, янгигина туширган чиллалар келиним бор, қандоқ кунга қолдим қариганимда, эрқагу, хотин бир кўрпада, вой дод! Ҳазрат али зулфия-қорини қиндан чиқазди, колхоз бўлганни кўрсат деб ер юзида айланиб юрипти, охиратим куйди!

Одамлар яна ғулу кўтаришди. Бектемиров кулганига пушаймон бўлиб нима қилишини билмай, Низомиддиновга қаради. Низомиддинов ердан тахтани эпчиллик билан олиб, дод солиб келаётган хотинга ўқталди. Бектемиров Низомиддиновнинг қўлини қоқиб юборди. Тахта ерга тушди. Кампир яна ғазабга келди. Бектемировга юзма-юз келиб кўйлагининг ёқасини шарт йиртиб юборди.

— Ур! Ур! Номахрам билан бир кўрпада
ётгунча, ўлганим яхши.

Шоп мўйловли йигит ўқдек учиб келиб Бектемировнинг кўкрагига бир калла урди. Бектемиров гандираклаб бориб деворга суяниб қолди.

Аламон иккига бўлинди.

— Ҳой, бу одамда нима айб. Ҳукумат нима деса шуни қилади!

— Ҳамма иш шунинг ўзидан чиқяпти!

— Бу тухмат!

— Рост! Аниғини билганмиз. Истансага икки вагон кўрпа келган эмиш.

— Бўлмаган гап!

Шу шовқин-сурон орасида Бектемировнинг қорни ва белига бир икки тепки тушди. Лунжига урилган муштдан қон тупурди. У бу тепкиларнинг зарбидан танаси қанчалик зирқириб оғримасин ўзини тутди, тишини-тишига қўйиб чидади.

Мўйловли йигит яна қичқирди.

— Тегманглар!

Одамлар жойидан қўзғалишмади. Мўйловдор йигит молхонага қараб юра бошлаган эди, Бектемиров унинг йўлини тўсди.

Энди ҳамма жим. Одамлар Бектемиров билан йигитнинг тўқнашувини сўзсиз кузатиб туришар эди.

Йигит Бектемировнинг кўзига қарамай қичқирди.

— Барибир колхоздан чиқаман. Отимни ҳам, хўкизимни ҳам оламан. Гап тамом, вассалом. Бунақа майнавозчиликка энди тоқатим қолмади. Ҳукуматдан қарзим йўқ. Тил қисқлик жойим ҳам йўқ.

— Шунақами?— деди Бектемиров унинг кўтарган муштини қайтариб.

— Итарма!

У тутақиб Бектемировнинг ёқасидан бўғиб кўкрагига бир мушт туширди.

— Ур, урларинг!

Ундан бошқа мушт кўтарадиган одам топилмади. Бектемиров унинг кўзларига тикилди. Йигит бир-икки қадам орқага чекинди.

— Тили қисиклик жойим йўқ, билдингми?

— Нонкўр йигит экансан, билдингми?— Бектемиров бақирмай, босиқ овоз билан гапирарди,— Холхўжага йигит бўлганинг эсингдан чиқдими? Ҳукумат гуноҳингдан ўтди-я. Бу бир. Ислоҳотда ҳукумат ер бердими? Бу икки. Азим бойваччадан олти йиллик ҳақингни ундириб бердими? Бу уч! Сенга шунча яхшилик қилган ҳукуматни саннаяпсанми? А?! Майли, ол! Хўкизингни ҳам, отингни ҳам. Кет колхоздан! Сендақа ҳукуматнинг тузини ичиб, тузлуғига туфлайдиган нонтепки керак эмас.

Йигитнинг кўзи аланг-жалаңг бўлиб қолди. Атрофда бу ҳангомани кузатиб турганлар орасида шивир-шивир бошланди. Бектемиров дадиллашди.

— Қани, ким колхоздан чиқаман деса, олсин молини!— Бектемиров молбоқарга қаради.— Беринг молини. Битта мол қолса, битта мол билан колхоз ерини ҳайдаймиз. Трактор келади, трактор билан ҳайдаб, трактор билан экамиз.

Ҳеч ким молига яқин келмади. Одамлар сийраклашиб қолди. Боя Бектемировга мушт урган йигит теракка суянганча ердан кўз ололмасди. Одамлар тарқаб кетишди. Бектемиров

деворга суяб қўйилган араванинг гилдирагига ўтириб папирос чекар, ҳар замон мўйловли йигитга қараб қўярди. Йигит аста-аста юриб унинг олдига келди. Нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади.

— Бўлди, кетавер! Узр сўрамоқчимисан? Мен унақа кек сақлайдиганлардан эмасман.

Йигит гапини айтолмай, бўшашиб эшик томонга йўналди. У ярим йўлга етмай, тўхтаб орқасига ўтирилди.

Ёнидан рўмолчасини олиб қон бўлиб кетган лабларини артаётган Бектемировга кўзи тушиб бир дам ўйланиб турди-да, қайтиб унинг олдига келди.

Низомиддинов ер остидан унга қаради.

— Ўзингга ўзинг қилдинг бола! Ҳукумат одамига мушт кўтардинг-а? Энди гинани ўзингга қил!

Бектемиров жаҳл билан Низомиддиновга ўқрайди.

— Қанақа одамсиз. Халойиққа мушт ўқталишни ким ўргатди, сизга. Нега бу йигитнинг юрагига ваҳма соляпсиз.— У йигитга ўтирилди.— Боравер ошна, бир марта айтдим-ку гина сақламайман, деб.

— Энди, ўртоқ... қизишиб кетибман.

— Бўлди, бўлди. Кетавер, тирикчилигингдан қолма!

Йигит нима дейишини билмай чиқиб кетди.

— Сиз ҳам кетаверинг, эртага активда учрашамиз.

— Ахир сизни шу аҳволда...

Бектемиров унга ўқрайиб қаради. Низомиддинов унинг ўтли қарашига тоб беролмай аста-аста юриб дарвозадан чиқди.

Ботирали уйга табиати тирриқ бўлиб қайтди. Хотини унинг турқи-тароватини кўриб қўриқиб кетди. Чунки унинг пешонаси гурра бўлган, лабидан қон томиб иякларини қизартириб юборган эди.

— Иссиқ сув борми?

Хотини сув чапиштириб келиб, унга қуйиб юборди. Ботирали ювиниб бўлгач, тут тагидаги арқон кроватга ўзини ташлаб, икки қўлини боши остига қўйди-ю, чалқанча ётиб, қуёшнинг сўнгги нурларида зардек товланган парча булутларга тикилиб қолди.

Кўчадан ёш болаларнинг товуши эшитилди. Уларнинг қувноқ кулкилари, бир-бирларини бақириб-чақирришлари беихтиёр болалигини эслатиб қўйди. Йиллар қаърига сингиб кетган болалик йиллари олисда судралиб юрган булут парчаларидек кўз ўнгидан ўтаверди.

Ботирали ёшлигида ювошгина бола эди. У ўртоқлари билан сира уришмас, ҳамма вақт қизиқ-қизиқ ўйинларни ўйлаб топар, шунинг учун ҳам тенгқурлари уни худди катта одамдек иззат қилишарди.

У вақтларда унинг отаси Бектемир ака, маҳалладагиларнинг тили билан айтганда. «Темир Фаранг» то Бельгия акционерлари Тошкентда электр қуввати билан юрадиган трамвай йўли қургунча конканинг Шайхантахур бекатида от алмаштирарди. Ботирали дадасининг будкасида ўтириб, конканинг алоҳида хонасида маза қилиб кетаётган «маржаларни», орқа хонасидаги тирбанд-тиқилинч «сарт»ларни томоша қиларди.

Конка ўрнига электротрамвай йўли қурил-
гач, Темир Фаранг йўл тозаловчи бўлди. Унинг
бу ишга ўтишига эски ошнаси Никанор деган
рус чол сабабчи бўлган эди. Ёши элликлардан
ошган бу одам ўзбек тилини яхши биларди.
Хуфтондан кейин трамвай ётганда Темир Фа-
ранг Никанор билан учи найза, кафкирга ўх-
шаш узун темир билан изнинг чуқурчасини ўз
участкалари бўлмиш Қаландархонадан то улуг
князнинг уйигача тозалаб чиқишарди. Боти-
рали уларга эргашиб, Эски шаҳардан «горд»га
чиқар, Никанор отанинг уйига ҳам кирарди.
Чолнинг вокзалдаги вагон-ремонт устахонаси-
да ишлайдиган Терентий деган ўғли бор эди.
Ботирали у билан жуда дўстлашиб қолди. У
ҳар гал «горд»га чиқиб қайтганида маҳалла
болаларини масжиднинг жиловхонасига тўплаб
«ўрис» ўртоғидан эшитган ғалати гапларни ай-
тиб берарди.

Ботирали секин-аста Никанор ота оиласи-
нинг яқин кишиси бўлиб қолди. Рус тилини
билмайдиган боланинг ғалати гаплари уларга
қизиқ туюлар, улар беихтиёр ўз тилларини ун-
га меҳрибонлик билан ўргатаётганликларини
ҳам сезишмасди.

«Твоя-моя» дан бошланган суҳбат, яқин бир
йил ичида бир-бирларига дурустгина тушунар-
ли бўлиб қолди.

Маҳаллада Темир Фаранг деб ном чиқарган
кишининг ўғлига ҳам лақаб топилди. Катта-
кичик энди уни «Ботир ўрис» деб атайдиган бў-
либ қолди. Масжиднинг сўфиси «ўрислар» би-
лан нони-қатиқ бўладиган «кофир бола»ни жи-
ловхонага киритмай қўйди.

Энди болалар Ботирали билан кечалари

газфонар тагида суҳбат қиладиган бўлиб қолишди.

Ботирали уларга Никанор отанинг ўғли айтиб берган китоблар, катта шаҳарлар, паровоз, пароходлар ҳақида ўзи билганча ҳикоя қиларди.

Болалар унинг ҳикояларига оғизларини очиб, анграйиб қулоқ солишарди.

Ботиралининг бу ўйинқароқ йиллари узоқ чўзилмади. Никанор ота уни ўғлига қўшиб устахонага ишга жойлаб қўйди. Энди у ўзини мустақил ҳаёт йўлига қадам қўйган бир киши деб ҳисобларди.

Ботирали энди шу пайтгача ўз ақли билан ҳал қилолмаган, тушунмаган нарсаларининг тагига ета бошлади.

Бир кун Ботирали чарчаб ишдан қайтишда Терентий билан трамвайга бирга чиқди. Қора тўр қўлқоп кийиб, юзига сачвонга ўхшаш тўр тутган шляпали хотин уни кўриши билан гўё еб турган овқатидан пашша чиқиб қолгандек ижирғаниб, афтини буриштирди. Унинг ёнида ўтирган шоп мўйловли миршаб сапчиб ўрнидан турди-ю, Ботиралининг ёқасидан олди.

— Сарт! Нега трамвайга чиқдинг?

Ботирали то ўзини ўнглаб олгунча, миршаб юриб кетаётган трамвайдан уни итариб тушириб юборди.

Ботиралининг кўнгли вайрон бўлди.

— Наҳотки сарт одам бўлмаса?! Гуноҳим нима экан, ахир!

У шундай оғир хаёллар билан чарчоқ қадам ташлаб, вокзалдан Эски шаҳарга жўнарган, кимдир унинг елкасига қўлини қўйди. Ўғири-

либ қараган эди, орқасидан келаётган Терентийни кўрди.

— Хафа бўлма, ошнам, мен ҳам сен билан бирга пиёда кетаман. Менга қара, ошнам, ёшсан, кўп нарсани ҳали билмайсан, яхши одамлар билан сени таништириб қўяман. Улар сенга ҳамма нарсани тушунтириб қўйишади.

Шу воқиядан уч кун ўтгач, Терентий уни илгари Қора денгиз флотида хизмат қилган, «Потёмкин» броненосеци қўзғолонига қатнашиб, чор жандармаси таъқибидан қочиб юрган Иван Ивановичнинг уйига олиб борди. Унинг уйи Салор бўйидаги пастқам бир жойда эди. Пастак хонада ўн беш чоқли киши ўнинчи чироқ атрофида суҳбатлашиб ўтиришарди. Ботирали уларнинг баъзиларини таниди. Аммо бу ерда ўтирган трамвай ишчилари, Тупроққўрғон солдатларини илгари учратмаган эди. Иван Иванович Ботирали билан эзилиб гаплашгач, бу ерда бўлган гапларни бировга айтмасликни, қачон чақирилса вақтида етиб келишини тайинлади. Шундан кейин гап қандайдир Павел Власов деган одам ҳақида кетди. Терентий муқаваси эскиб, ёғ битиб кетган китобни чироққа солиб ўқий бошлади.

Ўтириш соат ўн бирда тугаб, йигилганлар иккита-иккита бўлиб тарқашди. Ботирали йўлда кела туриб, Терентийдан сўради.

— Ғалати китоб экан-а, худди биз тўғримизда ёзилипти. Оқ пошшо ўзига қарши китобларни ҳам чиқаравераркан-да?

Терентий кулди.

— Бу китобни Горький деган одам ёзган. Китоб Германияда босилиб, Россияга яширинча ўтиб келган. Бундан олдин «Сўна» деган ки-

тобни ўқиб чиққанмиз. Тошкентда бу китобдан фақат икки нусха бор, холос. Агар полиция хабар топса, ўқиганни ҳам, эшитганни ҳам қамаб қўяди.

Терентий йўл-йўлакай унга бу яширин тўғарак ҳақида баъзи гапларни айтиб берди. Унинг гапича, Иван Иванович раҳбарлик қилаётган бу тўғарак қатнашчилари марксистлар деб аталар экан. Ботирали шу ердан биринчи марта буржуй, капиталист деган гапларни эшитди. Марксистлар ишчилар тарафдори, капиталистлардан ҳокимиятни тортиб олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган кишилар эканлигини тушунди.

Шу кезларда Иван Иванович тўғараги яширин ташкилотга айланган, қўлда ёзилган варақаларни устахона деворларига ёпиштириб, полиция маҳкамасини анчагина ташвишга солиб қўйган эди.

Ботирали бора-бора шу ташкилотнинг актив аъзосига айланди. У варақаларни болдирига боғлаб, Тупроққўрғон солдатлари, Эски шаҳар ҳунармандлари орасида тарқатарди.

Ун олтинчи йилнинг эрта баҳорида ташкилот уни партия аъзолигига қабул қилди. У вақтларда Ботирали оқ-қорани яхши таниб олган, ташкилотнинг ҳар қандай топширигини жуда усталик билан бажарадиган бўлиб қолган эди.

Ташкилот аъзоларининг сони етмишдан ошди. Петроград ва Закавказьедаги яширин ишчи ташкилотлари билан яқин алоқада бўлган бу ташкилот, Тошкент бўйлаб катта бир воқиага тайёрланарди.

Революция йиллари ташкилотнинг кўп аъзолари нобуд бўлди. Иван Иванович оғир ярадор

бўлиб, икки оёқдан ажради. Терентий Осипов исёнида революция хоинлари томонидан отиб ташланди, исён бостирилди.

Янги давр, янги тузум яратган улуғ революциянинг Тошкентдаги бешиги бўлган устахонага «Қизил шарқ» деб ном берилди. Тинч қурилиш йиллари бошланди. Партия ўзининг чиниққан ходимларига катта-катта вазифалар юклаб, улардан ҳар ишда ҳушёрлик, қаттиққўллик талаб қиларди.

Ботирали партия чақириги билан тарқоқ деҳқон хўжалигини коллективлаштириш сиёсатини амалга ошириш учун Зор қишлоққа йўл олди. Умрини шаҳарда, шовқинли цехларда ўтказган бу йигит учун қишлоқ мутлақо янги олам эди.

У бу ерда катта қийинчиликларга дуч келди. Умрбод ер-ер деб яшаган деҳқонга гап тушунтириш анчагина мушкул эди. Айниқса, ўнлаб қишлоқни ўз панжасида ушлаб турган Саид Жалолхон эшоннинг панд-насиҳатлари билан кўзи кўр, қулоғи қар бўлган ихлосмандлар учун ҳали ҳам унинг тангри номи билан айтадиган бир калима сўзи ҳар қандай ташвиқотдан кучлилиқ қиларди.

Бу жиҳатдан ишчиларга муомала қилиш осонроқ эди, деб дилидан ўтказди Ботирали. Ишчи курашда фақат кишинини йўқотади, холос. Унинг бу курашда йўқотадиган бошқа нарсаси йўқ. Деҳқон-чи, деҳқон бир умр бўйрадек ерга ёпишиб олган. Ана шу бир парча ерни йўқотиб қўйиш хавфи, унинг олдиндаги истиқболини кўришига халақит беради. Ҳар қанча мушкул бўлса ҳам унинг кўзини очиш, уни янги оламнинг янги беғубор соҳилига тортиш

учун нур бўлиб онгига, кўнглига кириш керак. Бир донга гугурт чўпидан ўнлаб чироқни ёндирмоқ мумкин. Ботирали нурга чанқоқ чироқларга таяниб иш бошламоқчи бўлди. Унинг назарида бу чироқ Бўтабой, Муса акалар бўлиши керак. Ботирали янглишмади. Бўтабой анча иш кўрган, кўп курашларда чиниққан, зорқишлоқликларнинг таъбири билан айтганда, «ислоҳотда муштумзўрларнинг додини берган» йигит эди. Муса кўса эса иш билармандлиги, покиза одамлиги билан қишлоқ аҳлининг ҳурматига сазовор бўлган киши эди.

Ботирали ана шу кишилар билан обдан эзилиб гаплашиб, қишлоқнинг паст-баландини синчиклаб ўрганди. Дала айланиб деҳқонларнинг ўзлари билан ҳам эринмай гаплашди. У бу ишда қалтисроқ тадбир кўриш ёмон оқибатларга олиб келишини яхши билар, ўша кезларда сўллик қилиб, ҳа бўл-ҳа бўл билан шошилинч тузилган колхозлар ўшандай тезлик билан тарқаб кетганини биларди. Бу масалада айниқса ўртаҳолларни чўчитиб, зада қилиб қўймаслик, уй ҳайвонларини умумий хўжаликка олмаслик кераклигини биларди. Бирон хўжаликни ҳам мажбурий йўсинда колхозга тортишдан эҳтиёт бўлиш, асосан, бу ишда деҳқоннинг ўз хоҳиш ва ташаббусига таяниш керак. Бектемиров сонсиз суҳбатларда уларнинг қўйнига қўл солиб кўрган, умрбод омов-бўйинтуруқни ўз гардонида тортишнинг азобини кечирган, яққа меҳнат билан ерга сингиб кетган пешона тери тинка-дармонини қуритган деҳқонлар кўп. Улар ҳар минут, ҳар секунд уюшмоққа тайёр. Улар қўзғал, бўйинтуруқни ташла, деган чақириқни кутиб туришипти. Ботирали ишни худди ана

шу кишилардан бошлаши кераклигини кўнглига тугиб қўйди. Дастлаб колхозга аёлларини далага чиқармаслик шарти билан йигирма тўрт хўжалик уюшди. Кўп тушунтиришлар, чойхонадаги тонготар газетхонликлар, суҳбатлардан кейин иккиланиб ҳардамхаёл бўлиб юрганлардан яна ўн саккиз хўжалик колхозга кирди. Колхоз ўз правлениесини сайлади. Бўтабой раисликка ўтди. Қолхоз шу кезларда саводли одамга жуда муҳтож эди. Авваллари ёзув-чизув ишларини ҳам Ботиралининг ўзи олиб борди. Докторларнинг маслаҳати билан тоғ ҳавосида шифоланиш учун Зор қишлоққа келиб қолган Низомиддинов қишлоқликларнинг ҳурматини қозонган эди. Кўпчиликнинг маслаҳатига кўра Низомиддинов секретарликка ўтди. Бу одам ўзининг айтишига қараганда, ўн олтинчи йили подшо фронт орқасида ишлаш учун мардикор чақирганда Тошкент халқини исёнга даъват қилиб варақа тарқатгани учун Сибирга сургун қилинган экан. Революцияни у Сибирнинг Екатеринбург шаҳрида кутиб олган, кейинчалик Шўро аппаратларида ишлаган, касаллиги туфайли Зор қишлоққа келиб қолган эди. Бир суҳбатда уни Ботирали гапга солиб кўрди.

— Тошкентнинг қаеридан бўласиз, ўртоқ Низомиддинов?

— Қашқар маҳалласидан. Сизни яхши танийман, аммо сиз мени танимайсиз. Сиз Иван Ивановичнинг тўгарагида эдингиз. Буни яхши биламиз. Крепост солдатлари, Тоштрам ва мастерской ишчилари ўртасида иш кўрардинглар. Биз Эски шаҳарда ҳунармандлар орасида эдик. Сал фурсатда колхоз оёққа туриб қолди.

Бўтабой кечани-кеча, кундузни-кундуз демай колхоз учун жон олиб, жон берарди. Бугун вужудидан куч-гайрат ёғилиб турган бу йигит Ботиралининг юкини анча енгиллатиб қўйди. Бироқ у нозик масалаларда эсанкираб қолар, ўз билгича қилган ишнинг албатта расвосини чиқазарди. Бўтабой ҳар вақт ўзи қилган ишдан ўзи қаноатланмас, правление топширган ишнинг ёнига ўзи қўшимча қилиб бажарарди. Айниқса ўртаҳол деҳқонларни колхозга тортиш ишида правлениега анчагина ташвиш ортидириб қўйди. Ўртаҳол деҳқон Содиқ таранг колхозга киришни рад қилганда, Бўтабой уни саройдаги ўтинхонага қамаб қўйиб, унинг номидан ариза ёзиб ўзи қўл қўйиб правление мажлисига олиб кирди. Ер ҳайдаётган якка хўжаликларнинг хўкизларини тортиб олиб, молхонага ҳайдаб келди. Резавор экинларини буздириб пахта эктирди.

Содиқ таранг райком вакилига унинг устидан арз қилди. Шу баҳона бўлди-ю, Бўтабойнинг сўллик ишлари очилиб кетди. Бу масала правление активлари ўртасида муҳокама қилинганда, Бўтабой бу ишнинг нотўғрилигини сира бўйнига олмади. Тушунтиришди, тушунишни истамади. Чунки Бўтабой Зор қишлоқда колхозга кирмаган биронта ҳам деҳқон қолмаслигини, бу баҳорни Зор қишлоқ юз фойиз уюшиб кутиб олишини истар ва шунга шошарди.

— Барибир, бугун колхозга кирмаса, эртага киради. Бугун зўрлаб олмасак, эртага ялиниб келади. Таранг бир йилгина колхозга кирсин, кейин чиқиб кетса ҳам майли. Аммо, лекин шундай мазахўрак бўлиб қоладики, ҳайдасанг ҳам кетмайди.

Унинг бу ўжарлигидан хуноб бўлган Ботирали зўр бериб тушунтирарди.

— Ахир гапга тушунсанг-чи, ўртоқ Бўта. Колхозга мажбуран одам олмаймиз. Агар шундай қилсанг, фирқанинг сиёсатини бузиб қўйган бўласан.

Бўтабой унинг сўзига қулоқ солмай, ҳамон ўзиникини маъқуллар эди.

— Битта Содиқ таранг билан фирқа сиёсати бузилармиши?

Правление Бўтабойнинг бу ўзбошимчалиги учун унга қаттиқ огоҳлантириш эълон қилиб, Содиқ тарангнинг аризасини қўлига қайтиб берди. Бўта ғалаба қилган Содиқ тарангга ер остидан хўмрайиб қараб турарди. У бу қарашида рақибининг юзида «енгдим» деган ифодани кўрмоқчи эди. Негадир Содиқ таранг Бўтага ачиниш билан қараб, қўлидаги қоғозни маъюс ушлаб турарди. Шу йиғинда у ҳаммани ҳайрон қолдириб даврага кирди-да, ўз ёғига ўзи қоврилиб ўтирган Бўтабойнинг олдига келди.

— Менга қара, чиноқ, хўп шу ишни қилишга қилдинг, лекин таранг одам. Билдингми? Мени деб беобрў бўлишингни хоҳламайман. Қе, бир ўғил болалик қилиб қўяй.

Содиқ таранг олифта юриш қилиб стол олдига борди-да, бош бармоғини шартта сиёҳдонга тиқиб, ўша эски аризанинг тагига босди...

— Колхозга кирганим бўлсин...

...Бектемиров ҳозир арқон кроватда чалқанча ётиб, мана шу воқиаларни бирма-бир эслади. Кеч кириб, осмонда юлдузларнинг кўзи милтираб қолганди. Кўчада болаларнинг

шовқини ҳам тинган узоқ-яқиндан тўйиб эмган бузоқларнинг эркаланиб маърашлари эшитиларди. Қўшни ҳовлида кимдир жаз-буз қилиб пиёздоғ қилмоқда.

Бектемиров ўрнидан туриб айвонга бормоқчи эди, кўкраги зирқираб огриди. Яна жойига ўтирди.

— Қўчқорбой ёмон калла туширди. Пешонамни ҳам ғурра қилди-я, эртагача ғурра ёзилиб кетса ғўрга эди, шу турқи-тароват билан одамларга қандай кўринаман. Умримда биринчи марта калтак еганим.

Бектемиров ғуррасини силаб кулиб қўйди.

— Оббо Бўтаси тушмагур, ёш боладан ҳам баттарсан-а!

У энди Бўтабой ҳақида ўйлай бошлади.

— Қилган ишимиз ўртоқ Қаландаровга ҳам маъқул бўлмади. Уни раисликдан чакки бекор қилибмиз. Шундай ҳалол болани оқлолмадик-а. Унинг шу ишни қилмаганига мен ишонсам, Махсим ишонса, ўнлаб колхозчи ишонса. Хўш, нега оқлайолмаймиз. Шу ишнинг шундай бўлганига ҳам Бўтанинг ўзи айбли, ўлгудек ҳовлиқма. Муса аканинг ҳам гапида жон бор. Душман заиф жойдан ништар уради, Бўтанинг заифлиги ҳовлиқмалиги. Активдан қайтиб келгач, правление мажлисини чақирамиз, Бўта масаласини даврага ташлаймиз. Ўшанда аксарият унинг томонига ўтиши аниқ.

Кўча томондан гурс-гурс оёқ товуши келди. Кимдир сўкинди, кимдир ёлборган оҳангда нимадир деди, сал ўтмай эшик тақиллади.

То Бектемиров ўрнидан тургунча, Бўтабой Қўчқорбойнинг ёқасидан судраб кирди.

— Шуми, шуми сизни урган? Ҳали ҳукумат-

нинг одамиனி урадиган зўр сизмисиз? Ҳа, босмачи!

Қўчқорбой гапирмас, фақат ўзини ундаг му-
дофаа қилиб, кўтарилган муштни қайтариб,
ҳар замон Бектемировга жовдираб қараб
қўярди.

Бектемиров ғазаб билан қичқирди.

— Бўта!

Бўтабой Қўчқорбойнинг ёқасини қўйиб
юборди.

— Бу нима! Бу нима бемаънилик?!

— Ахир, ака, сизни урибди-ку?

— Қўявер, ишинг бўлмасин. Сени урмаб-
ди-ку. Қани бу ёққа келинглар. Бектемиров
уларга ёнидан жой кўрсатди.

Бўтабой бу одамнинг ҳам калтак еб, ҳам
меҳрибонлик қилишига ҳайрон бўлиб, крсват-
нинг четига омонатгина ўтирди. Уларнинг
учови ҳам анча вақтгача сўзсиз жим қо-
лишди.

— Овқат ейсанларми?— деди Бектемиров
ноқулай жимликни бузиб.

— Ҳозир Махсимникида тўйиб олдим,— де-
ди Бўтабой.

— Сен-чи?

— Ўлганим яхши эмасми, ҳам сизни ҳали-
гидай муштлаб, яна томоғингизни есам. Асли
ўзим одам-подам эмас эканман.

Қўчқорбой пешонасига тарсиллатиб икки-уч
мушт туширди.

— Ҳа, хом сут эмган инсон!

Ботирали унинг елкасига қўлини қўйиб, меҳ-
рибонлик билан гапирди.

— Қўй, қўй, Қўчқорбой, сендан гинам йўқ,
тушунмагансан. Ҳовлиққансан. Манави чиноқ-

қа ұхшаб салга ловиллаб кетасан. Жақл келса, ақл кетади-да.

— Ботир ака йигитнинг хўрози. Билдингми, юр энди, акам чарчаганлар, дам олсинлар.

Иккови чиқиб кетди. Уларни остонагача кузатиб қўйган Бектемиров, қайтишда ҳамон зирқираб оғриб турган кўкрагини силаркан, «бақувват йигит экан, калласи тошдан қаттиқ-а» деб қўйди.

11

Низомиддинов район активидан ланж бўлиб қайтди. Уни ланж қилган нарса Қаландаровнинг колхоз адресига айтган аччиқ-аччиқ гаплари эмас, тамоман бошқа нарса эди. У доклад вақтида папирос чеккани коридорга чиққанда қаршисидан бошига қизил дурра танғиган ўттиз ёшлардаги аёл чиқиб, унга бир қаради-да, бурилиб залга кириб кетди. Унинг шу биргина қараши Низомиддиновнинг ҳаётини таҳликага солиб қўйди. Кўзи тиниб, мияси ари қамалган қовоқдек ғўнғиллади, оёғи қалтираб мажолсизланди.

То танаффус бўлгунча қиз билан тўқнаш келмасликка уринди. Одамлар орасига яшириниб, ўзини олиб қочди. Охири Бектемиров ўтирган скамейкага омонатгина чўққайиб шивирлади.

— Ботиржон, сал мазам қочди. Бошим айланиб, кўзим тиняпти. Кетақолай.

— Отанинг гапларини эшитмайсизми. Танаффусдан кейин гапирадилар.

Низомиддинов башарасини бужмайтирди.

— Қандоқ қилай, чўзилиб қоладиганга ўхшайман.

Бектемиров унинг башарасига қараб бош ирғади.

— Майли, кетаверинг. Рангингиз алланечук бўлиб кетибди.

Низомиддинов кўчага чиқди. Бояги аёл эшик олдида деворга суяниб нимадир ўйлаяпти. Низомиддинов юзини тескари ўгириб, унинг олдидан жуда тез ўтиб кетди. Аёл унга қайрилиб қарамади ҳам, у ўз хаёли билан банд эди.

У қишлоққа келиб колхоз идорасига ҳам кирмади, гузарда самоварчидан яхна чой сўраб ичди-да, чопонини ёнбошига қўйиб ётган Назирқулни имлаб четга чақирди.

— Азимга айт, кечлатиб бораман. Ўзинг ҳам ўша ерда бўл!

Назирқул яна ошхўрлик бўлишидан севиниб пилдираганича Азим бойваччанинг ҳовлисига қараб кетди. Низомиддинов нима қилишини билмай, тикка турганича хаёл суриб қолди.

— Яна битта яхна берайми, афандим?

Низомиддинов самоварчининг сўроғига жавоб бермади. Арава келди. Аравакаш қопда оғир бир юкни тушириб сўри устига қўйди.

— Бу нима?— деди самоварчи.

— Махсимнинг буюми. Оғир экан, савил.

Махсим етиб келди. У самоварчидан қопдаги буюмни сойга тушириб беришини сўраб, ўзи бир боғлам симни қўлтиқлаб пастга тушиб кетди.

— Яна нима наъма бу?— деди Низомиддинов.

— Махсимнинг наъмаси, «интирис» ёқармиш.

Низомиддинов қўл силтади-да, идора томонга кетди. Қоровул чол эшик олдида кавушини ямаб ўтирарди.

— Ота, манави калитни олиб қўйинг, ўртоқ Бектимиров келганда берасиз. Сўраса, мазаси қочиб қолди, иситмаси баланд экан, уйига кетди, деб айтинг.

Қоровул уни ростдан касал гумон қилиб ўзи билган дориларни санаб кетди.

— Саримсоқ пиёзни қўрга кўмиб енг. Аччиқ шўрва ичиб кўрпага ўралиб ётсангиз чунонам бир терлайсизки, дардингиз хамирдан қил суғургандек чиқиб кетади.

Низомиддиновнинг «дарди» кучли эди. Унинг дардига на саримсоқ пиёз ва на кобили шўрва даво бўларди. У, хужрасига келиб темир кроватда бошини икки кафти орасига олиб, илон чаққандек тўлғаниб ўтирди.

— Наҳот Зор қишлоқдан ҳам насибам узилган бўлса. Наҳот яна кўрпа кўтариб қувғин бўламан. Зор қишлоқ сўнгги таянч эди. Суқиладиган бошқа кавак қолмади. Йўқ, ётиб қолгунча, отиб қолиш керак.

Деразадан тушиб турган ёруғлик аста-аста сўниб уй ичи қоронғулашаверди. Низомиддиновнинг кўнгли ҳозир одам истамасди. Шифтда ўргимчак тўрига илиниб бир мақомда гингиллаб турган пашша унинг рашига тегди. Остонада ётган макка супиргини олиб, табуретка устига чиқди-да, бўй чўзиб, ўргумчак уясини супуриб ташлади. Уй энди сув қуйгандек жимиб қолди. Бироқ Низомиддиновнинг юрагида от ўйнардди.

Ялмоғиз кампирнинг жони каптар тухумида сақланганидек, ҳозир Низомиддиновнинг ҳам жони бугун ногихон дуч келган аёлнинг қўлида эди. У аёл қўлидаги кўзга кўринмас тухумни беихтиёр ҳар сиққанида Низомиддиновнинг танаси ларзага келар, калласи худди бузов

Бектемиров унинг башарасига қараб бош ирғади.

— Майли, кетаверинг. Рангингиз алланечук бўлиб кетибди.

Низомиддинов кўчага чиқди. Бояги аёл эшик олдида деворга суяниб нимадир ўйлаяпти. Низомиддинов юзини тескари ўгириб, унинг олдидан жуда тез ўтиб кетди. Аёл унга қайрилиб қарамади ҳам, у ўз хаёли билан банд эди.

У қишлоққа келиб колхоз идорасига ҳам кирмади, гузарда самоварчидан яхна чой сўраб ичди-да, чопонини ёнбошига қўйиб ётган Назирқулни имлаб четга чақирди.

— Азимга айт, кечлатиб бораман. Ўзинг ҳам ўша ерда бўл!

Назирқул яна ошхўрлик бўлишидан севиниб пилдираганича Азим бойваччанинг ҳовлисига қараб кетди. Низомиддинов нима қилишини билмай, тикка турганича хаёл суриб қолди.

— Яна битта яхна берайми, афандим?

Низомиддинов самоварчининг сўроғига жавоб бермади. Арава келди. Аравакаш қопда оғир бир юкни тушириб сўри устига қўйди.

— Бу нима?— деди самоварчи.

— Махсимнинг буюми. Оғир экан, савил.

Махсим етиб келди. У самоварчидан қопдаги буюмни сойга тушириб беришини сўраб, ўзи бир боғлам симни қўлтиқлаб пастга тушиб кетди.

— Яна нима наъма бу?— деди Низомиддинов.

— Махсимнинг наъмаси, «интирис» ёқармиш.

Низомиддинов қўл силтади-да, идора томонга кетди. Қоровул чол эшик олдида кавушини ямаб ўтирарди.

— Ота, манави калитни олиб қўйинг, ўртоқ Бектимиров келганда берасиз. Сўраса, мазаси қочиб қолди, иситмаси баланд экан, уйига кетди, деб айтинг.

Қоровул уни ростдан касал гумон қилиб ўзи билган дориларни санаб кетди.

— Саримсоқ пиёзни қўрга кўмиб енг. Аччиқ шўрва ичиб кўрпага ўралиб ётсангиз чунонам бир терлайсизки, дардингиз хамирдан қил сургандек чиқиб кетади.

Низомиддиновнинг «дарди» кучли эди. Унинг дардига на саримсоқ пиёз ва на қобили шўрва даво бўларди. У, ҳужрасига келиб темир кроватда бошини икки кафти орасига олиб, илон чаққандек тўлғаниб ўтирди.

— Наҳот Зор қишлоқдан ҳам насибам узилган бўлса. Наҳот яна кўрпа кўтариб қувғин бўламан. Зор қишлоқ сўнгги таянч эди. Суқиладиган бошқа кавак қолмади. Йўқ, ётиб қолгунча, отиб қолиш керак.

Деразадан тушиб турган ёруғлик аста-аста сўниб уй ичи қоронгулашаверди. Низомиддиновнинг кўнгли ҳозир одам истамасди. Шифтда ўргимчак тўрига илиниб бир мақомда ғинғиллаб турган пашша унинг ғашига тегди. Остонада ётган макка супиргини олиб, табуретка устига чиқди-да, бўй чўзиб, ўргумчак уясини супуриб ташлади. Уй энди сув қуйгандек жимиб қолди. Бироқ Низомиддиновнинг юрагида от ўйнардди.

Ялмоғиз кампирнинг жони каптар тухумида сақланганидек, ҳозир Низомиддиновнинг ҳам жони бугун ногўҳон дуч келган аёлнинг қўлида эди. У аёл қўлидаги кўзга кўринмас тухумни беихтиёр ҳар сиққанида Низомиддиновнинг танаси ларзага келар, калласи худди бузов

солгандек зирқираб оғрир эди. Ёлғиз унинг ўзигина эмас, Саид Жалолхон эшон ва Назир-қулларнинг ҳам жони ўша аёлнинг қўлида.

Низомиддинов уф тортиб икки тиззасига шاپиллатиб уриб ўрнидан турди. У сўнгги жангга отланарди. Бу жанг унга ғалаба ваъда қилмаса-да, ўз жонини сақлаб қолмоқ учун бир гаров вазифасини ўтамоғи керак. Арғамчига қил қувват, дейдилар. Жон таслим қилаётган киши ҳам оғзига томизилаётган сувни ҳаёт нишонаси деб билади-ку. Низомиддиновнинг сўнгги жанги сўниш олдида турган шамнинг бир лоп этишига ўхшарди.

Хужрага қоронғулик чўкканига анча бўлди. У атайин чироқ ёқмади. Қоронғуда фикрни бир жойга тўплаш осон бўлади. Ўз хаёлигдан бошқани кўрмайсан. Низомиддинов қанча ўйламасин ўйининг охири тутунга ўхшаб тарқаб кетаверди.

Низомиддинов ёстиғи тагидан тўппончасини олиб шимининг чўнтагига солди, гугурт чақиб стол усти ва тоқчаларни бир кўздан кечирди-да, остонага келиб негадир тўхтади.

У бу уйга яна қайтиб келаманми ё шу кетганча белгисиз йўлда дарбадор кезаманми, деган фикрни бошидан ўтказарди.

Охири у ирим қилиб хужрасининг эшигини қулфламай кўчага чиқди. Ой ҳали кўтарилмаган. Қўрғонлардан сигир-бузоқларнинг маъраши, гузардан одамларнинг ғовур-ғувири келарди.

Бу оқшом Низомиддиновнинг назарида шу пайтгача кўрган оқшомлари ичида энг гўзали, энг гаштлиси эди. Адир томондан уфқ худди парда орқасидан чироқ ёққандек оқариб кел-

япти. Жуда яқинда, худди чинор тепасида бир юлдуз чарақлаб турибди. Сувни айтмайсизми, шундай шилдирайдики, гўё яқин ўртада қўзичоқ бўйнига тақилган қўнғироқни муттасил шилдиратиб тургандек.

Низомиддинов хўрсинди. Гузардаги сўриларда ўтириб чойхўрлик қилаётган кишиларнинг кулгиси, ғўнғир-ғўнғир гаплари унинг гашига тегди. Одамлар унга ҳеч қачон шу топдагидек ёмон кўринган эмас. Улар фақат яшаш ҳақида, бу эса ўлим ҳақида ўйлайди. Майиблар ҳамма вақт соғ кишиларга ҳасад қилади. бошқаларга ўз кунларини раво кўрадилар.

— Ўзимни отиб ташласаммикан?

Низомиддинов бу фикрдан жуда тез қайтди. Масхараласалар, оёқлари остига олиб тепсалар, бетимга тупурсалар ҳам майли, фақат отмасалар бўлгани, деб ўйлар эди у.

У шу хилдаги хаёлларни бир-бирига қориштириб, охири мияси ғовлаб кетди. Бирон тайинли хулосага келолмагач, паналаб маслахатгўйи Азим бойваччанинг қўрғонига жўнади.

Азим бойвачча бурма болишни бағрига босиб, гилам устида сочилиб ётган шахмат доналарига тикилиб, ўзи билан ўзи шахмат ўйнаб ўтирар эди. Низомиддинов кириши билан бағридаги болишни улоқтириб, унинг ҳузурига отилди.

— Зап кепсиз-да, афандим, қазини қайнатиб қўйганимга анча бўлди. Иликдек бўлиб кетгандир, жонвор.

Низомиддинов башарасини бужмайтириб деразанинг зиҳига ўтирди.

— Қазингиз сабил қоладиган бўлди, бойвач-

ча, кенойим эртага турмага передача қилиб олиб бормасалар деб қўрқаман уни.

— Нафасингизни ел учирсин-эй, бу қанақа гап, афандихон?!

— Баққа ўтиринг! Назир қани?

— Гузарга чиқазиб юбордим, дори топиб келади.

— Минг лаънат! Сизга ҳам, Назирга ҳам.

Низомиддиновнинг ранги қум оқарди. Кўзлари қинидан чиқиб кетай деди.

— Эҳ, аттанг, аттанг!

Азим бойваччани ҳам ташвиш босди.

— Ётиғи билан айтинг, афандим, ўзи нима гап? Ўртага ташланг! ақллашайлик.

Низомиддинов Азим бойвачча ўтирган кўрпачага чўккалаб, ташвишли оҳангда гапира бошлади.

— Саломат тирик экан.

— А? Ростми?

— Кўрдим. Мажлисда рўпара келиб қолдик. Танидимми, танимадимми, билолмадим.

— Мочағар, тирик экан-да, а? Нега келипди?

— Муаллим бўлиб кепти қишлоққа!

Азим бойвачча оғзини очганича анграйиб қолди.

— Бугун танимаган бўлса, эртага барибир танийди.

Эшик тақиллади. Азим бойвачча шошиб чироқни ўчирди. Иккови ҳовлига чиқишди.

Низомиддиновнинг кўзи девордан нахра излар эди. Азим бойвачча худди жон таслим қалаётгандек бўшашиб йўлакка келди.

— Ким?

— Мен, Назирман!

Низомиддинов хайрият, деб тўппончасини ёнига солди.

12

Зор қишлоқда ҳар куни бир янгилик, ҳар куни бир муъжиза юз берарди. Бугунги янгилик ҳамманинг ёқасини ушлатиб қўйган эди. Гузардаги самоварда лампамойсиз, пиликсиз чироқ ёнармиш, деган гап кўпдан бери бор эди. Бироқ деҳқонлар «бу ҳам бир гапики» деб ишонинишмаган эди. «Тағин қанақа чироқ денг, ўзимизнинг сой сувига сим тикиб қўйиб, носқовоққа ўхшаган шиша ичида ўт ёндираммиш, ким қилармиш бу ишни? Ўзимизнинг Махсим».

Шунақа деганлар бугун ёқасини ушлаб қолишди.

Махсим тегирмон паррагига қўлбола динамосини қўндириб ундан чойхона сўрисига, Ленин бурчагига, чинор шохига сим тортиб лампочка илди. Сўриларга одам сизмай кетган. Чойхўрлар тўрт кишилик сўрига олти кишидан сиқилиб ўтиришибди. Бу маъракага қизиққан хотинлар эрларидан бесўроқ келиб узоқларда юзларини рўмол билан тўсиб, нима бўларкин, деб кутиб туришибди. Тўю томошадан қуруқ қолмайдиган болалар ҳаммани жондан безор қилиб, гапни-гапга қовуштирмайди. Қош қорайиб қолган бўлса ҳам «лампамойсиз» чироқ ҳадеганда ёнавермас эди.

— Бошида ишонмаган эдим. Бу мамадана бизни лақиллатяпти.

— Ҳадеб лақиллайвераркансиз-да, кўрпа келади деса ишондингиз, Ҳазрат Али зулфиқорини кўтариб келяпти деса ишондингиз. Шунақасиз-да, бўлмайдиган гапга ишониб, бўладиганига ишонмайсиз. Махсимни биз яхши би-

ламиз. Бола бўлиб бировни алдаганмас. Кўзим олдида ўсган бола-ку, ахир. Отасини ҳам яхши танирдик. Ўрис бўлса ҳам раҳматли ўзбекдай ўрис эди.

— Бу ўрис халқи ёмонам устаси фаранг бўлар экан. Қиламан деган ишини қилмай қўймайди. Дўхтирни яхшиси ҳам ўрисдан, айропланни ҳам ўрис ҳайдармиш. Мана бу гапни эшитинг, Анжанга борганимда «махсимка» пойизга чипта ололмай начайликнинг олдига кирдим. Кирдиму оғзим очилганича анграйиб қоппан. Начайлик чойнакнинг қопқоғига ўхшаган оқ тунукани қулоғига қўйиб Тошкентдаги ошнаси билан бемалол ўриччалаб гаплашиб турибди...

— Туре! — деди суҳбатнинг белига тепиб Муса кўса.

— Э, ёлғон гапираётган бўсам тил тортмай ўлай, имонсиз кетай! Ўз кўзим билан кўриб, ўз қулоғим билан эшитмаганимда, сенга қон бўлиб гапириб ўтирармидим. Шунақасан-да.

— Қасам ичманг. Шундоқ айтаверинг. Аммо лекин ҳунарда ўрисга тараф йўқлигини биламан.

Нариги сўрида ўтирганлардан бири гапга аралашди.

— «Чимберли» аммо лекин рост гапиряпти. Бурноқ йили ёзда Кўксойда «кансит» бўганда борганмисан, Кўса? Борган эдинг чоғимда. Бормаган бўлсанг эшитиб қўй. Кўксойнинг гузарида «кансит» бўган. Канситдан кейин картинка қўйиб беришган эди. Ўша картинканинг машинасини ҳам битта ўрис бола юргизган. Вей, худонинг қудратини қара, тут қоқадиган чодирни деворга илиб қўйса, бир ғалати

ҳангомалар бўлди дегин, асти қўяверасан. Ҳалиги чодирда росмана одамлар сурат бўлиб у ёқдан-бу ёққа югуриб юрибди. Милтиқвозликлар ҳам бўлди. Аввалига чодирнинг орқасида одам бордир, деб секин ўтиб қарасам, ҳеч ким йўқ, ё қудратингдан...

Бирдан ғовур-ғувир тўхтаб учта лампочка лип этиб ёниб кетди. Ҳаммаёқ сутдек ёришди. Бир-икки одам «яна бирон фалокат бўлиб ўтирмасин» деб ўзини четга олди. Биров ёқасини ушлади, яна бирови калима келтирди.

Ўртадаги сўрида ўтирган баланд бўйли, бошига янгигина чуств дўппи кийган хушмўйлов йигит сўрини қасир-қусур қилиб ўзини пастга отди. Туртиниб оёқ остидаги чойнакни ағдариб юборди. Қимдир унинг орқасидан қичқирди.

— Қочиб қол, жони ширин!

Нима гаплигини билмай унинг кетидан анграйиб қолган ёши олтмишлардаги, дўпписининг устидан белбоғини салла қилиб ўраб олган чол дўнғиллади.

— Э, ўле, шунақа чумчуқ юракмисан? Чойни ағдардинг-а, «вайзончой» эди-я, аттанг!

Ҳамманинг кулкисига сабаб бўлган йигит юраги бетламай яна жойига келиб ўтирди. Чол бошқа чой чақириб белбоғининг қатида куруқ чой олиб кафтида эди-да пиёлага солиб қайтарди, кейин тўнининг бари билан чойнакни ёпди.

Ҳамма ишни ўзи қилгандек самоварчи йигит икки қўлида учтадан чойнак ушлаб, елкасини учириб, у ёқдан-бу ёққа юрар, лекин лампочка тагига келганда қўрқиброқ кўзини пирпиратиб йўрғалаб қоларди.

Бироздан кейин кийимидаги чангларни қоқиб Махсим сойдан чиқиб келди. Унинг қўли лой эди. Самоварчи дарров чўйнакда сув чапиштириб қуйиб юборди. Кейин зўр иш қилгандек одамларга қараб бўйнини чўзиб қўйди.

Унинг, шундай авлиёмижоз одамнинг қўлига сув қуйиб юборганига ҳаваси келган бир киши «қойил қилди» деб юборди.

— Ўзи ўрисчани ҳам билади, шекилли.

Шу гапни айтган одам чўйнакнинг қопқоғини шиқирлатди. Самоварчи бола овоз чиққан томонга бир қараб «ҳозир» деди-ю, пилдираб чой келтирди.

— Тўхта ука, битта гапим бор. Айт-чи, ўрисчани ҳам биласанми?

Самоварчи гавдасини ғоз тутиб «Албатта биламан» деб ёлғонлади. Кейин сир очилиб қолмаслиги учун дарров жўнаб қолди.

— Кўрдингми? Бу ўзи самоварчи бўлса ҳам, пўристой бола эмас, мана, мени айтди, дерсан, кейин бориб-бориб катта одам бўлиб кетади.

Қўлига ўроғли қоғоз кўтарган Бектемиров идорадан чиқиб келди. Одамлар унга тўрдан жой кўрсатишди. Бектемиров қўлидаги қоғозни самоварчига берди-да, унга нимадир тайинлаб, давранинг ўртасига келиб ўтирди. Самоварчи оғзига тўртта мих тишлаб бир қўлида болға билан одамлар оралаб ўтди-да, электр ёруғи тушиб турган деворга қоғознинг тўрт тарафидан михлади.

Турсунбой ота самоварчини тўхтатди.

— Бу нима, нима деб хат битилган, бу қоғозга?

— Уқиб кўринг, биласиз, ота.

— Қани энди хат билсам, сендан сўраб ўтирмас эдим.

Бектемиров ўрнидан туриб ўзаро шивир-шивир қилаётган чойхўрларга хатнинг мазмунини тушунтириб берди.

— Колхоз аъзоларига йил охирида оладиган даромад пули ҳисобидан етмиш тўрт сўмдан аванс берилади.

Одамлар орасида жонланиш бошланди. Биров етмиш тўрт сўмга қанча ёғ, биров қанча ун беришини шеригига тушунтирар, қиладиган харажатларни ҳалитдан хомчўтлашар эди.

Белбоғини елкасига ташлаб олган чол самоварчининг қулоғига шивирлади.

— Сўрачи, катта кўрпанинг келиши нима бўлдийкин?

Самоварчи унинг гапини Бектемировга етказди.

Бектемиров кулди. Бўйинини чўзиб одамлар орасидан чолни тониб, кўз уриштириб олди, кейин имлаб ёнидан жой кўрсатди.

Чол дик этиб ўрнидан турди-да, ўтирганлар орасидан энгашиб бориб у билан икки қўллаб кўришди. Бектемиров унинг қўлига чой тутқизди. Иккови анча вақтгача пичирлаб гаплашиб ўтиришди. Чол қўлини кўксига қўйиб гапирар, Бектемиров кулиб-кулиб бош тебратиб қўярди. Ҳамманинг кўзи уларда.

— Оқсоқол жуда чиқишиб қолди-ку улуғимиз билан,— деб юборди бир киши.

Бектемиров чойхўрларга қараб баланд овоз билан деди:

— Кўп ўртоқлар Москвадан кўрпа келармиш деган миш-мишга ишониб юришипти. Ёлғон ҳам эви билан-да. Йўқ, ўзинглар айтинг-

лар, шу ишонадиган гапми? Наҳот Шўро ҳукумати шундоқ номаъқулчилик қилса. Шўро ҳукумати ким ва нима? Шўро ҳукумати сиз, биз. Шўро ҳукумати халқ ҳукумати. Бу гаплар халқни эзиб келган бойлар, эшону муллалардан чиққан гап. Қандала деган махлуқни биласизларми? Сиз томонларда уни «тахта бити», «бешик кана», дейишади. Ана ўша қандала одамнинг қонини сўриб бир пасда семириб кетади. Бир чаққан жойи алла вақтгача ачишиб юради. Агар уни эзиб ташласангиз лаънати шундоғам бир сасиб берадики, нақ димоқни ёради, шу ҳиди билан ўлгандан кейин ҳам сиздан қасдини олади. Ҳозир колхозимизга қилинаётган туҳмату ифволар синф сифатида тугатилган муштумзўрларнинг сўнгги талвасаси. Яъни сассиғи. Улар ҳам қандаладек сасиб-бижиб биздан қасд олмоқчилар.

Самоварчи бола ҳиринглаб кулиб юборди. Муса кўса «Э, сасимай ўлсин!» деб иягини силади. Гур этиб кулги кўтарилди. Бектемиров говур босилгунча папиросини ёндириб олди.

— Энди сизлардан битта сўроғим бор! Бўтабойни танийсизлар-а? Шу боладан нима ёмонлик кўргансизлар? Бўтабойнинг Эшон аяга хиралик қилишига ишонасизларми?

— Ўзимиз ушлаб олдик-ку!— деди Муса кўса.

Бектемиров гарданини қашиб туриб илжайди.

— Бордию Эшон аянинг ўзи хиралик қилган бўлса-чи. Атайни Бўтабойни бебурд қилиш учун, шундоқ бўлиши ҳам мумкинми? Менимча мумкин. Наҳотки ўз кишимиз, Шўро ҳукумати учун, фирқа учун жонини аямайдиган, қишлоқнинг энг асл боласига бир бемаъни

хотин тухмат қилса, ишониб кетаверар экан-миз? Бу ёлғиз Бўтани беобрў қилиш учун эмас, колхозни оёқдан йиқиш учун қилинган иғво. Эшон ая ким? Айтиб берайми? Ўзинглар биласизлар, унинг кимлигини.

— У ҳам, ўзингиз айтган қандала-да!— бу Муса кўсанинг овози эди.

«Чемберлин» чол унга жавоб қилди.

— Қандаланинг модаси, деявер!

— Ҳа, балли,— деди Бектемиров.— Бўтани мудофаа қилишимиз керак. Душман биздан кулмасин. Уюшиб, қўлга-қўл бериб ишлаётганимизни кўриб куйсин, куйиб ўлсин. Колхозимиз қанча оёққа турса, шу бизнинг душманга зарбамиз бўлади...

— Шундоқ бўлиши ҳам мумкин — деди Муса кўса.— Аммо ҳақ гап айтдингиз. Ботиржон.

— Ҳақ гап, ҳақ гап, яна раис қилиш керак чиноқни,— деган овозлар эшитилди.

Шу кеча уч лампочка ёритиб турган қишлоқ чойхонасида гапирилмаган гап қолмади. Чемберлиннинг тулкилигидан тортиб, бир хўкиз бир кунда қанча ер ҳайдашигача, бир таноб ерга қанча гўнг солинишидан тортиб, Бухоро амири Олимхоннинг ҳозир Афғонистонда қора дорига ўрганганигача, эчкининг сути темирўткига дора бўлишидан тортиб, Бача Сақонинг хиралик қилиб, афғон тахтига минишигача гап бўлди.

Бу гапларнинг ичида одамларнинг фикрини жалб қилган, шу топда сўри ва қайрағоч шоҳида осилиб турган носқовоқдек кичик, лампаймойсиз-пиликсиз ёнадиган учта чироқ ҳақидаги гап бўлди.

— Мана Махсимнинг ўзи айтсин. Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин. Ўз ҳунари-да, нима дейишни ҳам ўзи билади. Аммо лекин гапнинг лўндасини айтсам, мана шу ёниб турган электр чироқни ҳозир шаҳарларда чироқ ўрнида қўришмайди. Ҳозир улар уч минг, тўрт минг чироқ ёнадиган станция қуриб олишган. Якка одам мунақа зўр ишни қилолмайди. Колхоз бўлиб бирлашиб қурса, жуда осон тушади. Яқин ўн йил ичида Бешиктош шаршарасига шунақа ҳам бир станция қурайликки, ана ўшанда электр чироғи ёнмаган деҳқоннинг уйи қолмайди. Ҳозир айтсам ишонмайсиз. Электрда ош ҳам пишади, тегирмон ҳам юради, сартарошлар ҳам электр машина билан соч оладиган бўлади.

— Ёпрай, шуниси ёлғондиров!— деди ёқасини ушлаб Муса кўса.

— Ёлғони йўқ. Рост. Ботир акам тўғри айтяптилар,— деди Махсим унинг сўзини бўлиб,— электр қилмаган иш қолмайди. Машина юргизади, ер ҳайдайди, сигир соғади, кийим тикади, борингки, жўжа ҳам очиб беради.

Одамлар ишонмай бир-бировига қарашди. Кимдир «алдаяпти» деди. Яна бири, ўрислар ёлғон гапни билмайди, бу гапнинг жони бор, деди.

— Ўртоқ Ленин шунинг учун ҳам мамлакатда электр ёнмаган жой қолмасин, деб айтганлар-да. Манаву Махсим қуриб қўйган электр бир нишона. Хамир учидан патир.

— Қалдирғоч, деяверинг, Ботир ака!

— Ҳа балли, қалдирғоч. Бунинг учун ўртоқ Махсимга раҳмат айтиш керак. Радио деган нарсалар бор. Тўғонни қуриб колхозимизни сал

оёққа бостириб олайлик, уйларингга радио тушириб берамиз. Ушанда сандалга оёқни суқиб, Тўйчи ҳофизнинг хонишини эшитиб ўтирасиз.

Махсим электр ҳақида унча-мунча гапларни содда-содда қилиб гапириб берди. Кейин газет-хонлик бошланди. Шарқий Хитой темир йўли можароси ҳақидаги мақола чойхўрларнинг эътиборини жалб қилди. Чан-Қай-шини самоварчи йигит беодоб гап билан сўкиб юборди.

Чойхўрлар алла-паллада тарқашди. Махсим уйига қайтар экан, тез-тез орқасига ўгирилиб узоқда милтиллаб турган, ўзи ёққан чироқларга ҳавас билан қараб қўяр эди.

13

Махсимнинг асли исми Максим. У Андижонда туғилган, ёшлигида отаси билан Зор қишлоққа келиб қолган.

Унинг отаси Максим Максимович Андижонда Ғиёсиддин тилмочнинг пахта заводида жин машина юргизарди. Оқсоқолнинг заводга ўт қўйганини, тилмочнинг бор-йўғини қиморга бой берганини эшитган шу Зор қишлоқлик Азим бойвачча унинг қарзини тўлаб, куйган заводдан ягона бутун қолган жин машина билан пресс-бостирмани олиб келган эди.

Пахтасини шаҳар заводида тозалатадиган Азим бойвачча қишлоққа миёнагина завод қурди. У, Максим Максимовичнинг қўйинини пуч ёнғоққа тўлдириб заводга олиб келди.

Максим отаси билан қишлоққа келган йилларини эс-эс билади.

Ғиёсиддин тилмоч шу Низомиддинов эканли-

гини Максим билмайди. Уни ҳар кўрганда қаерда кўрган эканман, дейди-ю, эслаёлмайди.

Максим Максимович заводчада ҳалол ишлади. Икки йил деганда бойвачча яна битта жин машина, иккита пресс-бостирма сотиб олди. Саид Жалолхон эшоннинг ҳам, Кумушсой бойларининг ҳам пахталари шу заводчада тозаланадиган бўлди. Бойваччанинг иши юришгандан юришиб кетди. Инқилоб бўлиб завод қўлдан кетадиган бўлганда Азим бойвачча ҳам оқсоқолнинг ишини қилди. Яъни заводга ўт қўйди.

Холхўжа йигитлари қишлоқларни талаб юрган пайтларда Азим бойвачча куйган заводнинг харобалари атрофида гирди-капалак бўлиб юрди. У «Шўро ҳукумати баҳор ёмғиридек тез ўтиб кетади», деб ўйлар, юрт тинчиб «мусулмонобод» пайтлар келганда заводни яна ишга солиш хаёлида эди. Унга шундай «мусулмонобод» кунларни ваъда қилган Холхўжа қўрбоши тоғ орасига пусиб, қафасга тушган бўридек бўлиб қолди. Атрофдан ёрдам йўқ. Қурол-яроғ ишдан чиққан. Таълим кўрмаган йигитлар бузилган яроғни тузатишолмайди. Шундай дўппи тор келган пайтда Азим бойвачча Холхўжанинг жонига оро кирди. Яъни бузилган пулемёт ва милтиқларни тузатишни биладиган одамнинг дарагини айтди. Бу Максим Максимович эди.

Шу кечаёқ Зор қишлоққа олатасир босқин бўлди. Йигитлар Максимнинг қўл оёғини боғлаб икки яшик асбоб-ускунаси билан олиб қочишди. Икки кун арчазордаги қўрғончада қамалиб ётди. Эртасига Бўтабойни ҳам тутиб келишди. Икки қуролли йигит уларни Холхў-

жанинг чодирига бошлаб киришди. Холхўжа ола байроқ тўнни елкасига ташлаб чилим чекиб ўтирар эди. У бандиларнинг қўлини ечишни буюриб, кўрпачадан жой кўрсатди. Унинг оғзидан чиққан биринчи гапи шу бўлди.

— Тирик қолишни истайсанларми?

Бўта билан Максим бир-бирларига кўз уриштириб олишди.

Холхўжа уларнинг жавобини кутмай буюрди.

— Ҳой ўрис, сен бузилган пулемёт билан милтиқларни тузатасан. Тушундингми?— У Бўтага юзланди.— Мусулмон боласисан. Ислом лашкарига ўқ узгани қандоқ ҳаддинг сизди. Сен тўртинчини ҳозироқ отиб ташлайман. Биласанми, мен кимман. Партизан зотини қиличдан ўтказаман деб бу тоғу-тошларда тентиб юрибман. Эсинг борида этагингни ёп. Менга йигит бўл! Бир қошиқ қонингдан ўтаман. Менга хизмат қил. Отларни тақалайсан. Шу Зор қишлоқдан тўрт таноб боғ, кўрғони билан инъом қиламан. Эртагача ўйларинг. Жавобини ерталаб худди шу жойда оламан.

Уларни яна кўрғончага олиб киришди. Соқчи бир лаган бедана гўшти билан дамланган ош олиб кирди. Бўта лаганни тепиб юбормоқчи эди, Максим қайтариб қолди.

— Тентаклик қилма! Боплаб ошни еб олайлик. Кейин икковимиз ақлашамиз.

Ошни еб бўлиб, қора қумғонга дамланган аччиқ кўк чойни ичиб олишди.

— Қалламни қирқ жойдан кесса ҳам йигит бўлмайман,— деди пешонасига шаппатилаб Бўтабой.

— Мен пулемётини тузатиб бераман.

— Нима, нима?! Тузатиб бераман?

— Ҳа.

Бўтабойнинг кўзи аланг-жалаанг бўлиб қолди.

— Ҳазиллашяпсизми?

— Йўқ. Рост айтяпман.

Бўта ундан юз ўгирди.

— Сизни дуруст одам деб юрардим. Қўрқоқ, қуён юрак одам экансиз. Ахир сиз тузатиб берган пулемётнинг ўқи партизанларнинг, Қизил аскарларнинг кўксига қадалишини биласизми?

— Биламан.

— Билиб туриб шу ишни қиласизми, отахон?! Қайтинг бу фикрингиздан!

— Йўқ десам ҳозироқ опчиқиб отиб ташлайди. Бекорга ўлиб кетиш ватанга содиқлик бўлмайди, ўғлим.

Бўтабой ўрнидан туриб кетди.

— Биласизми, отахон. Икковимизнинг шу топда тирик қолишимиз ватанга хиёнат бўлади. Агар ўлсак ўлимимиз бир неча Қизил аскарнинг тирик қолиши билан тенг бўлади.

— Э, тентак,— деди Максим Максимович унинг елкасига қўлини ташлаб,— ўлим осон нарса. Ҳарб илмида ҳамма йўл бекилганда, жангчи учун ўлимдан бошқа чора қолмагандигина ўзини-ўзи ҳалок қилади, дейилади. Ахир ҳали биз боши берк кўчага кириб қолганимиз йўқ-ку. Улар билан олишиб кўрамиз. Фақат каллани ишлатиш керак. Эртага қўрбошининг таклифни қабул қиламиз. Уёғини ўзим ўргатаман. Қани ёт энди.

Максим похолга чалқанча ётиб шифтга тикилганча ўй ўйлаб кетди. Бўтабой чолнинг

калласида нималар борлигини билолмай анча вақтгача у ёқдан-бу ёққа тўлғониб ухлаёлмади.

Ташқарида йигитлар давра қуриб ўйин қилишяпти. Ноғаранинг так-таки, йигитларнинг қарсаги, қийқириғи то ярим кечагача босилмади.

Яқин ўртада маст йигитларнинг қўшиғи эшитилди:

Ўрта кўча, ўрта кўча, тор кўча.

Пулемёт қўйинг, пулемёт қўйинг Холхўжа.

— Тфу! — деди Максим Максимович ётган ерида, — пулемёт эмиш, пулемёт тузатишни кўрсатиб қўяман сен газандаларга ҳали.

Максим Максимович билан Бўтабой эрталаб қўрбошининг таклифини қабул қилишди. Уларни қурол-яроғ уйиб ташланган бир ҳужрага олиб киришди. Бу ерда бузилган икки пулемёт етмишдан ортиқ инглиз бешотари бор эди.

— Бу ер қоронғулик қилади. Муруватларга кўзим ўтмайди, — деди Максим Максимович.

Унга чинор тагидан жой қилиб беришди. Яшикдаги асбоб-ускуналарни ҳам келтиришди. Бўтабой ҳам икки кунда тақачилик дўконини тиклади.

Уларнинг устахонаси баландликда эди. Шу ердан босмачиларнинг кароргоҳи, қўрбоши ва понсодларнинг чодирлари кўриниб турарди.

Икки қадрдон енг шимариб ишга тушиб кетишди. Максим Максимович кўз ойнагини тақиб пулемёт деталларини олиб қайта жойига қўяр, Бўта эса ловуллашиб дам босарди.

Бўта шу топда қишлоқни, ёр-биродарларини эслади. Улар Бўта ҳақида, Максим Максимович ҳақида нима деб ўйлашаётган экан? У

шундай хаёллар билан банд экан, арчазор ичидан чиқиб келаётган тўрт аёлга кўзи тушди. Уларнинг бири қизил атлас кўйлак, устидан беқасам камзул кийиб, бошига сариқ дурра танғиб олган. Иккиси қора духобадан бел бурма камзул кийган эди. Орқадагиси юришга унамас, бошини эгиб ҳўнграб йиғлар эди.

— Ота, отахон, қаранг, Саломат!

Максим Максимович ўгрилиб қаради. Саломатнинг ранги сарғайган, гўё энг яқин кишисини қабрга қўйиб келаётгандек мотам-саро бир қиёфада эди.

Хотинлар Бўтабойлар турган жойга яқин келиб қолишди. Бўта улардан кўз узолмай қолиб турар эди.

— Бечора ҳолдан кетибди.

Саломат таниш овозни эшитиб бошини кўтарди. Кўз кўзга тушди. Бўта икки қадамча олдинга интилди. Саломат жаҳл билан ундан юзини ўгирди.

— Сотқин! Сени босмачи бўлар деб ўйламаган эдим.

— Мен...— Бўтанинг тилига гап келмади. Саломат шахт юриб аёлларга етиб олди-да, арчазор орасига кириб йўқолди.

Максим Максимович билан Бўтабой атча вақтгача бир-бирларига қараёлмай жим ўтиришди.

— Хўш, ишламай нима қилиб ўтирибсанлар!

Максим Максимович товуш келган томонга ўгирилиб қаради. Бошига чақмоқ телпак кийган, белига ёғоч қинли маузер тақиб олган понсод ўйноқлаб турган зулукдек қора отнинг жиловидан ушлаб уларга қараб ўқрайиб турарди.

— Ҳозир, ҳозир, бегим,— деди Максим Максимович,— қани Бўта ўғлим, ишингга қара!

— Пулемёт қачон тузалади? Бугун бўладими?

— Пича иши бор, бегим. Эрта пешингача бўлиб қолар дейман.

— Тез бўл. Имиллама! Ҳой бола, сен тушгача манаву отни тақалаб қўй. Қўрбоши жанобларининг отлари. Агар тушгача тақаламасанг, нақ балога қоласан.

— Хўп, тақсир, хўп бўлади.

Бўтабой отнинг жиловидан ушлаб чинорга боғлади. Понсод кетди. Бўта Максим Максимовичнинг олдига келди.

— Ростдан эртагача тузатмоқчимисиз?

— Тентаге, эрталабоқ тузатиб қўйган эдим. Баққа юр!

Максим Максимович уни бошлаб ҳужрага олиб кирди.

— Кўрдингми?— деди у бурчакка уйиб қўйилган гувалалар тагидан учта пулемёт лентасини оларкан,— гапимга қулоқ сол! Отни тезроқ тақала! Шу от билан қочасан. Агар кетингдан қувишса, қўрқма. Етишолмайди.

— Сизчи?

— Қутулишнинг иложи йўқ. Қочсам ҳам, қочмасам ҳам ўлдиришади.

— Йўқ!— деди Бўтабой унинг гапини рад қилиб,— қочсак бирга қочамиз. Қочмасак бирга ўлганимиз бўлсин.

Иккови жанжаллашиб яна чинор тагига чиқишди. Максим Максимович ялиниб-ёлвориб Бўтани кўндирди. Бўта фавқулодда бир чаққонлик билан отни тақалади.

Пастда, ўрикзор ичида босмачи йигитлар кўрбоши чодир олдидаги сайхонликка тўп-ланишган. Бошига қорақўл папақ кийган бир турк офицери нима ҳақдадир қизишиб гапирмоқда.

Бўта ва Максим Максимовичга соқчилик қилаётган йигит милтиғини тиззасига қўйиб, ширалик товуш билан хиргойи қилмоқда.

Бўтабой буни нима қиламиз дегандек қилиб Максим Максимовичга йигитни имлаб кўрсатди. Максим Максимович унга жавоб бермай, йигитнинг олдида бориб ўтирди.

— Қаерликсиз, йигит?

Йигит ашуласини тўхтатиб унга қаради.

— Менми? Булоқбошидан. Нима эди?

— Бола-чақангиз борми!

— Икки қиз, бир ўғлим бор. Нега сўраяпсан?

— Бир сўрадим қўйдим-да. Понсодга бориб айтинг, бир шиша милтиқ ёғи топиб берсин.

— Ўзингда йўқми?— деди эринчоқлик билан йигит.

— Бўлса сўраб нима қиламан, йўқ-да, сабил!

Йигит истар-истамас чодир томонга кета бошлади.

— Қани бўл!— деди Максим Максимович Бўтага буюриб — отга мин! Болаларга салом айт! Ўртоғинг Максимни ўпиб қўй!

Бўта у билан қучоқлашиб хайрлашмоқчи эди, Максим Максимович қайтарди.

— Хайр! Отни дарёга сол! Қўрқма!

Бўта эпчиллик билан эгарсиз отга минди-да, бир-икки аччиқ қамчи босди. От жони-жаҳди билан пастга қараб елдек учиб кетди. Сал

фурсат ўтгач пастдан ўқ овози чиқди. Бўта от жировини дарёга бурди. От сувга интилди.

Қўрбоши чодир олдиди гуриг қилаётган йигитлар сапчиб туришди. Ҳамма отига ёпишди.

Максим Максимович лента жойланиб тахт қилинган пулемётни чодир томонга қаратиб тариллата кетди. Қароргоҳда саросималик бошланди. Максим Максимович ора-сира дарё томонга қараб қўяр, Бўтанинг нариги қирғоққа ўтганини кўргач, яна шижоат билан пулемётни тариллатарди.

Бўтанинг кетидан ҳеч ким қуволмади. Максим Максимович от солганни пулемёт билан эгардан учираверди. Бир неча йигит орқа томондан эмаклаб Максим Максимович турган тепаликка интилди. Максим Максимович ўнг елкасидан ўқ еб қўлини қимирлатолмай қолди. У пулемётни бошқариш қийинлигини пайқадиди, шошиб винтларни бурай бошлади. Пулемёт бўлақларини атрофга отаверди. Жаҳл билан пулемётни бир тепкан эди, ғилдираб бориб пастга қулади. Иккинчи ўқ унинг қоқ кўкрагидан тегиб оёқдан йиқди.

Бўтабой бўйни, елкаси илиқ қонга беланиб қишлоққа кириб келди.

Унинг ўнг қулоғини ўқ учириб кетган эди.

Шу воқиядан кейин Холхўжа қишлоққа жуда кўп босқин қилди. Бўтанинг калласини кесиб келганга йигирма беш минг сўм, қора байирни топиб келганга эллик минг сўм мукофот ваъда қилди. Унинг бу уринишлари бекор кетди. Бўта Қаландаров отрядига қўшилиб кетган, қора байирни эса отряд комиссари эгарлаб миниб олган эди.

Максим Максимовичнинг ўғли Максим ўша пайтда ўн беш ёшларда эди. Отасининг ҳунарини яхши эгаллаб олган бу йигитча учун қишлоқда иш кўп эди. Ўша пайтларда янгитдан расм бўлган примус, занжирига тош бойланган осма соатларни Максим бемалол тузата оларди. Иши камайиб қолган пайтларда Бўтабойнинг дўкончасига чиқиб дам босар, батрачкомга келиб русча хатларни ўқиб тушунтириб берарди.

Зор қишлоқда колхоз тузилганда от-арава, ҳўкиз ва омов билан кирган одамларга кулки бўлиб Максим бир қоп темир асбоб билан мажлисга кириб келган эди.

Ўша пайтларда қопдаги темирларнинг нимага кераклигини билмай ҳайрон бўлган кишилар бориб-бориб колхоз учун ҳали жуда кўп темир-терсак керак бўлишини пайқаб қолишди. Максимга колхоз устахонасини топширишди. Бўтабойнинг ғарибгина дўкончаси кенгайиб тақа, ўроқ, кетмон, арава михи каби асбоблар колхознинг ўзидан чиқадиغان бўлиб қолди.

Зорқишлоқликлар Максимни «Ўрис бўлса ҳам ўзбекдай, кофир бўлса ҳам мусулмондай бола» деб аташар, уни ўз кишиларидай ёқтиришарди. Исмини ҳам ўзбекчасига Максим дейишарди. Айниқса Бўтабой у билан жуда иноқлашиб кетганди.

* * *

Бўтабойнинг бошига ёғилган маломатлардан Максимнинг ҳам таъби хира эди. У ярим йўлга келиб чойхона сўриларида милтираб

турган чироқларга қараб, Бўтабой ҳақида ўйларди. Шу толда у Бектемиров билан Бўтабой тўғрисида гаплашишни кўнгли хоҳлаб, уни кўприк олдида кутиб турди. Бектемиров чойхонадан чиққач, иккови бошлашиб, ойдинда анча вақтгача бирга айланиб юришди.

— Бу гап кимдан чиқиши мумкин? Бўтани обрўсизлантириб, аёлларни колхоздан бездириш, кимга зарур экан? Шу ишга ГПУ аралашса бирон иш чиқмасмикин, дейман, Ботир ака?

— Райком ҳам шу ишнинг натижасини билмоқчи. Аммо лекин Низомиддинов ишни бир ёқлама олиб боряпти. Шу одамнинг иши менга унчалик маъқул эмас. Нимаси маъқул эмаслигини ўзим ҳам билмайман.

— Ўзи кечадан бери кўринмай қолди?

— Тоби йўқ. Юр, бир уйидан хабар олиб ўтайлик-чи. Аҳволи оғир бўлса ёлғиз қийналаётгандир. Бу ерда унинг ҳеч кими йўқ.

Бектемиров Максимни унинг хужрасига бошлади. Тор кўчаларнинг деворларидан оппоқ гулга ўралган беҳи шохлари янада оқариб кўринар, чироқ ёритиб турган айвон шифтларидаги тўр қовоқлар шамолда тебранарди.

Улар Низомиддиновнинг эшиги олдида етишганда бўғот лабида бир-бирига қараб хурпайиб турган икки мушукнинг бири пишиллаб, кейин чақалоқнинг йиғисидек миёвлаб юборди.

Низомиддиновнинг хужрасида чироқ шуъласи кўринмади. Бетоб нарса оч қолгандир, чироқ ёқишга ҳам мажоли етмабди, деб дилдан ўтказди Бектемиров. У эшик ҳалқасини

қоққан эди, эшикнинг ўзи ғийқиллаб очилиб кетди.

Максим билан иккови ичкари киришди.

— Ўртоқ Низомиддинов, чироқ ҳам ёқмаб-сиз?

Унинг сўроғига жавоб бўлмагач, гугурт чақиб кроватга қаради. Хужра бўш, ҳеч ким йўқ. Бектемиров уни зарурат учун ташқари чиққан гумон қилиб келгунча чироқни ёқиб қўймоқчи бўлди. Тимискилаб токчадан чироқ қидираётган эди, уйиб қўйилган бир даста китоб ерга ағдарилди, Максим чироқни ёққунча Бектемиров китобларни дасталаб яна токчага терди.

Бироқ Низомиддиновдан ҳали ҳам дарак йўқ эди. Анча кутишди.

— Менга қара, ука,— деди Бектемиров,— мен кетай, болалардан бирон коса овқат чиқамаман, сен кетмай тур, албатта келади, агар иситмаси қайтмаган бўлса, эрта райондан доктор чақирамиз.

— Майли, сиз кетаверинг, бўлмаса.

Бектемиров кетди. Максим уйда ёлғиз қолиб, аллақандай куйни хиргойи қилиб столни тирноғи билан чертиб ўтирди. Охири стол чертиш-жонига тегиб токчадаги китоблардан бирини қўлига олди. Китоб Жон-Риднинг араб алифбесида босилган «Ер юзини титратган ўн кун»и эди. Уни жойига қўйиб бошқасини олди. Буниси варақлари сарғайиб кетган «Крейцера соната» эди. У чироқ ёруғида китобнинг муқовасини очиши билан эсанкираб қолди. Китобнинг биринчи бетида отасининг гунафша ранг сиёҳда ёзилган имзоси турарди, Максимнинг кўз олдида уйдаги отасидан қолган

бир даста китоб келди. У отадан мерос қолган китоблари орасида Толстойнинг бу китобини сира учратмаган эди. Бироқ отаси илгариги хўжайинда жуда кўп китоблари қолиб кетганини кўп гапирар эди. Бу китоб Низомиддиновнинг қўлига қандай тушиб қолиши мумкин? Максим ўйлаб-ўйлаб ўйига етолмади. Китобни ён чўнтагига солиб бошқа китобларни ҳам варақлай бошлади. Кўп китобларнинг биринчи варағи йиртиб олинган эди.

Низомиддинов эса шу пайт Азим бойваччанинг уйидан чиқиб аста-секин қадам босиб қоронғида ҳужрасига келарди. У ўз уйининг деразасида чироқ шуъласини кўриб тўхтаб қолди. Юраги гўё уришдан тўхтагандек, нафаси бўғзидан ўтмай қолди. «Энди тамом», деган фикр калласидан ялт этиб ўтди. Ҳужрасида ГПУ кишилари уни кутиб турган гумон қилиб, энди орқага қайтмоқчи бўлиб турган эди, ариқнинг нариги бетидан кимдир:

— Афандим!— деб юборди.

Бу самоварчи боланинг овози эди.

— Ботир акам сизга овқат юборган эдилар, ҳужрага қўйиб чиқдим. Қалай энди тузук-мисиз?

— Шукур, раҳмат.

Унинг овози титраб, гапининг охири яхши эшитилмади.

— Махсим кутиб ўтирипти.

Низомиддиновнинг титроғи қайтгандек бўлди. У юраги дов бермай ҳужрага кирганда, Максим чироқнинг сўхта бўлган пилигини гугурт чўпи билан текислаб турган эди.

— Қаёқда қолдингиз, ўртоқ Низомидди-

нов?— деди у Низомиддиновнинг бетига қарамай.

— Ётавериб жуда қон бўлиб кетдим, кечки ҳавода бирпас дала айланай деган эдим.

Максим унинг бетига қаради. Ҳақиқатан ҳам унинг юзида қон қолмаган, мурдадек оқариб кетган эди. Максим Бектемиров юборган овқатни унинг олдида қўйди.

— Очққандирсиз, ўртоқ Низомиддинов. Олинг, совумасин.

Низомиддинов афтини буриштирди.

— Иштаҳа йўқ, акаси.

У ҳозир табияти одам хоҳламаганидан бу «бетамиз, хира» одам кетармикин, деган ниятда ёлғондан эснади.

Максим бирпас унга қараб турди-да, эртага келиб ҳолидан хабар олишини айтиб чиқиб кетди.

14

Райондан қайтиб келгач, Бўтабойнинг яна диққинафаслиги ошди. У бу бемаъни ўйининг охирига етолмай хуноб бўлиб уйида ўтиролмади. Идорага чиқди. Қоровул чол идорада мажлис бўлаётганини айтган эди, остонада бирдам тўхтаб кириш-кирмаслигини билмай иккиланди. У ўзини идорага кира олмаслигига, колхоз тақдирини ҳал қилаётган кишилар сафида бўлолмаганига афсусланарди.

— Розикъ мелиса келган, активларни йиғиб бир бало қияпти.

Қоровулнинг бу гапи унга жон киргизди. Эшик яқинига бориб ичкарига қулоқ солди.

Ичкаридан Бектемировнинг овози эшитилиб турибди. У қаттиқ-қаттиқ гапирар, ора-сира Бўтабойнинг номини ҳам тилга олиб қўярди.

— Эшитдингизми улуғ, афандимнинг тоби қочиб қопти. Бойқиш қаттиқ ётган эмиш.

— Бу ерда йўқми у?

— Икки кундан бери ишга чиқмайди.

Бўтабой идорадагиларнинг ҳали-бери бўшамаслигини билгач, Низомиддиновдан хабар олгани кетди.

Низомиддиновнинг олдида Назирқул бор эди. Бўта кириши билан ниманидир қизишиб гапирётган Назирқул жим бўлиб қолди. Низомиддинов кроватга ёнбошлаб папирос чечаркан, гўё ўғирлик устида қўлга тушган кишидек довдираб Бўтабойга қараб ясама илжайди.

— Сиздан умидим шумиди улуғ, наҳот ҳолинг не деб бирор марта йўқлаб келмасангиз. Бу ерда сиздан бошқа кимим бор?

— Нотоблигингизни шу топда эшитдим. Районда эдим.

Бўтабой ундан самимий узр сўради.

Низомиддинов Назирқулга қаради.

— Битта чой дамлаб келмайсизми?

Назирқул тунука чойнакни олиб чиқиб кетди.

— Яхши ҳам Назиржон бор экан, шу бечора кунимга яраб турибди. Эртага районга кетмасам бўлмайди. Докторга боқизмасам йиқилиб қоладиганга ўхшайман.

— Албатта касалнинг олдини олганингиз яхши.

— Ўзингизнинг ишингиз қалай, бир ёқли бўладиганми?

Бўта бош чайқади.

— Нима бўлишини билмайман.

— Ёмон бўлди. Ҳали ҳам аёлларнинг ишга чиқишининг мазаси йўқ. Ботир ака райкомга хабар қиптилар, шу иш чакки бўлди. Сал ўзбошимчалик қилиб қўйди-да, у киши. Бош ёрилса бўрк ичида дейдилар, бўлар-бўлмасга катталарни ишдан қўйиб гириллайвериш хунук нарсаси. Райком нима қилиб беради. Асли аяни чақириб бу ҳангомани қўй, «Бўта рози қилади», деса иш тамом, вассалом эди. Энди нима бўлди. Бектемиров катталар олдида обрў олмоқчи-да.

— Унчалик эмасдиров,— деди Бўта,— Ботир ака унақа одам эмас. Ҳалол киши у.

Назирқул чой олиб келди. Низомиддинов чой устида гапни бошқа ёққа буриб юборди.

— Авжи экин-тикин пайтида мунақа ётишимни қаранг-а. Дард ўлгур кутмаганда келади, деб шуни атишади-да. Мундоқ ўйлаб қарасам, колхозимизда ҳали кўп ишлар қилишимиз керак экан, айтганча, муаллим қиз келмадими?

— Йўқ. Бугун келса керак,— деди Бўтабой унинг ястиғини тузатаркан.

— Арава юбориш керак эди, унга...

Низомиддинов кўкрагини чангаллаб, бошини ёстиққа ишқади-ю, илондек кулча бўлиб кровать ўртасига ётиб олди.

— Касаллари тутди!

Назирқул унинг елкасини ишқади. Латта хўллаб пешонасига босди. Бироздан кейин Низомиддинов кўзларини олайтириб оёғини узатди.

— Хайрият, қайтди,— деди Назирқул.

Низомиддинов сал «ўзига келгач» Бўтабой унинг устига одеял ташлаб оёқ учида юриб чиқиб кетди. Уни остонагача кузатиб чиққан Назирқулга «албатта докторга қаратинглар!» деб тайинлади-да, Бектемировга йўлиққани яна идора томонга қараб кетди.

Бўтабай чиқиб кетгач, Низомиддинов устидан одеялни иргитиб ташлади-да, сапчиб ўрнидан турди. Назирқул кўзларини катта-катта очиб унга қараб турарди.

— Нима дейсан? Хўпми? Ё йўқ!

Назирқул нима дейишини билмай темир кроваткага ўтириб, дўпписининг кизагини тортиб ўйнади, гоҳ-гоҳ ёлборгандек кўзларини пир-пиратиб Низомиддиновга қараб қўярди.

— Холхўжага йигит бўлганинг эсингдан чиқдимми? Саломатни отга ўнгариб олиб қочган, уни қўрбошига пешкаш қилган ким? Сен эмасми? Э, аҳмоқ, фойдангни гапиряпман. Бошингга бало келяпти. Саломат сени бир кўрди бўлди. ГПУнинг одами олдига солиб ҳайдаб кетади. Қоқ пешонангдан отади-я! Пешонангдан! Менга барибир. Мен ҳам ҳукуматнинг одами-ман. Қўлга тушсанг менинг обрўимга путур етади. Назирқулнинг босмачилигини билатуриб нега яширдинг, деса нима дейман?

Назирқул титраб-қақшаб ўрнидан турди. Низомиддинов шу топда унга дунёда энг яхши одам, ягона ҳалоскор бўлиб кўринди.

— Э, нодон. Нега сени ГПУга тутиб бермадим? Сабаби, ўзимга ҳам номаълум. Яхши кўраман. Жигаримдек бўлиб қолган боласан. Бир укам бўлгувчи эди. Худди сенга ўхшарди. Кўзлари ҳам, қадди-басти ҳам худди сенинг ўзинг эди. Сени биринчи кўрганимдаёқ укамни

кўргандек бўлдим. Меҳрим тушиб қолди. Бир кун кўрмасам кўнглим алланечук бўлиб кетади. ГПУга тутиб бермаганим шунинг учун бўлса керак. Бойқиш укамни Кўршермат отиб ташлаган. Партизан эди, фирқа аъзоси эди.

Низомиддинов юзини тескари ўгириб, шимининг чўнтагидан даструмол олиб, кўз милкларини артди.

— Хўш, нима дейсан?

Назирқул хўрсиниш аралаш тилга кирди.

— Мен ҳам сизни астойдил акам деганман. Қўлингизда бир зувала хамирман, истасангиз патир, истасангиз кулча қилинг! Мени бу балодан халос қилинг. Ёшман, бемаҳал жувонмарг бўлиб кетмай.

— Ана ўзингга келдинг акаси. Кечлатиб Хўжаободнинг йўлига чиқ. Аммо хушёр бўл!

Иккови бошлашиб ташқарига чиқишди.

— Ҳозир «Чемберлин» чолни топиб айт, идорага келсин. Кутиб тураман.

Низомиддинов олифта ҳассага таяниб, шошилмай идорага жўнади. Назирқул елдек учиб боғ кўчадан чопиб кетди.

Кун ботай-ботай деб қолган. Кўклам бўлишига қарамай ҳаво дим эди. Бу эртага ёғингарчилик бўлишидан нишона эди.

Идорада Бектемиров, Максим ва Бўтабойдан бошқа нотаниш мўйловдор бақалоқ йигит ўтирар эди.

— Ия, ия, касал одам нима қилиб юрибсиз, ётсангиз бўлмайдими?!— деди Бектемиров ўрнидан туриб кўришишга қўл узатар экан.

— Эртага районга тушиб докторга йўлиқсам деган эдим, ўзларига бир учрашиб қўяй, дедим.

— Ўзим борар эдим-да ҳали ҳам бўлса бориб ётинг!

— Ҳозир қайтаман, ўртоқ Бектемиров. Калитни олиб қўйинг, баъзи қоғозлар зарур бўлиб қолса, қидириб юрманг.

Низомиддинов шимининг «ўғри» чўнтагидан калитни олиб узатди.

Эшикдан Турсунбой ота кирди. Низомиддинов унга ўғирилди.

— Яхши келиб қолдингиз, ота! Аравани қўшинг, районга тушиб чиқасиз. Маорифни кўргансиз-а?

— Кўрганман, болам, кўрганман!

— Зор қишлоқдан арава олиб келдим, десаңгиз бўлди. Ўзлари билишади. Муаллима қизни олиб келасиз.

Чол хўп, деди-ю чиқиб кетди. Низомиддинов оғриқ тутаётгандек башарасини бужмайтирди.

— Яна касалингиз тутдими?— деди Бўтабой.

Низомиддинов гапиролмади, фақат бош ирғаб кўкрагини чангаллади. Бектемиров эшикни очиб қоровул чолни чақирди.

— Ота, ўртоқ Низомиддиновни уйларига элтиб қўйинг!

Чол Низомиддиновнинг қўлтиғидан олиб туришга ёрдамлашди.

Низомиддинов чиқиб кетгандан кейин боятдан бери нима ҳақидадир ўйлаб ўтирган Розик милиция Бектемировга қаради.

— Қаерда кўрганман бу кишини?

— Билмадим,— деди Бектемиров,— бизда бир ярим йилдан бери ишлайди. Ишни назаримда ёмон обормайди. Саводи яхши. Лекин сал «ичимдагини топ» дейдиганлардан.

— Илгари қаерда ишлаган экан?

Бўтабой жавоб берди.

— Ўзи тошкентлик. Инқилоб арафасида ва-
рақа тарқатгани учун қамалиб, Сибирда ҳам
бўлган. Ўриччани ўша ёқда ўрганган экан,
инқилобдан кейин ҳам ўшаёқда Шўро идорала-
рида ишлаган. Касаллиги орқасида биз томон-
ларга келиб қолган.

Розиқ милиция бошқа гап сўрамади. Кумуш-
сойда зарур иши борлигини айтиб, хайрлашди.
Бектемиров овқатлангани Бўтани ҳам уйига
олиб кетди. Максим ниманидир эслагандек
Розиқ милициянинг кетидан югурди.

Қуёш ботганига анча бўлган. Атроф ғира-
шира қоронғу. Осмонда юлдуз йўқ. Шамол ҳам
эсмайди. Бугун негадир қурбақалар ҳам жим.

Назирқул Низомиддиновнинг олдидан чққ-
қач, тўғри йўл билан эмас, адир оралаб Хў-
жаободга жўнади.

Кеча қоронғу. Назирқул буталар, шох-шаб-
баларга урилиб йўлнинг ярмига етганда кўп-
рик олдида тўхтади. Катта йўлдан икки етлик
ўтиб кетди. Жимлик бошланди. Яқиндаги, чи-
роқ милтираб турган қўрғондан ит улиди.
Назирқул майсага ёнбошлаб, кўприк томонга
тикилиб ётаркан, бўлиб ўтган ва бўлаётган во-
қиаларни фикр қиларди.

Назирқул Зор қишлоққа жуда ёш вақтида
келиб қолган эди. Унинг отаси Булоқбошида па-
чоқ бир дўкончада боққолчилик қилиб қўл учи-
да кун кўрадиган бир киши эди. Унинг фар-
занди турмасди. Уч боласининг бири етти ёш-
да, иккинчиси уч ёшда ўлди. Учтинчиси ўлик
туғилди. Ўқитмаган домласи қолмади. Шоҳи-
мардонга сизиниб қўчқор олиб бориб сўйди.

Эр Хуббига бориб астойдил сизиниб шайхларга тўн кийгизди, кекса чинорларга алам бойлади, бўлмади. Охири тўртинчи фарзанди шу Назирқулни Саид Жалолхон эшонга назир қилди. Унинг кокилига эшоннинг ўзи тиф урди. Ёлғиз фарзандидан умид узолмаган ота дўконини, ҳовли-жойини сотиб хотинини етаклаб Зор қишлоққа келди. Назирқул ўн ёшга етганда онаси, ўн уч ёшга етганда отасидан ажралди. Энди у бутунлай эшоннинг даргоҳида қолиб кетди. Эшон уни «фарзандим» деди. Хонақонинг пойгагидан жой берди. Назирқул туз берган эшонга астойдил хизмат қилди. Эшон ая ундан қочмайдиган бўлиб қолди. У ёзда қирга чиқиб кетиб қорайиб, озиб, кузда эшоннинг омборига ғалла тўкди. Қишда ўтин ёрди, сув ташиди. Эшон мурид овлагани сафарга чиққанда Назирқулнинг ўзи арава минди. Олдига парда тутилган нақшли соябон аравада Эшон аяни зиёфатларга олиб борди.

У кунлар Назирқул учун энг бахтиёр кунлар эди. Ўшандай беозор кунларнинг тагига сув кетди. Инқилоб эшоннинг қўлини калта қилиб қўйди. Саид Жалолхон эшон қадрдони Азим бойваччадан бошқа кўнгил тортар кишиси бўлмаганидан у билан қиш кечалари хонақода узоқ-узоқ суҳбат қурадиган бўлди. Холхўжа атрофига йигит тўплаб юрган кезлари эшон Назирқулни ўз ҳузурига чақирди.

— Бўтам, сиз менга ким бўласиз?— деди у, тасбиҳ доналаридан кўзини узмай.

— Фарзандингизман, пирим.

— Кўп яшанг, бўтам. Иншоолло шундайдир. Фарзанднинг ота олдигаги вазифасини биласизми, бўтам?

Назирқул нима дейишини билмай қолди. Охири шундай деди:

— Ота рози, худо рози дейдилар, пирим. Нимаики десангиз қулингиз тайёр!

— Балли!— эшон тиз чўкиб ўтирган Назирқулнинг пешонасини силади.— Ёиз мусулмон боласимиз. Муҳаммад алайхи вассаллам бизни ўз фарзандим деганлар. Зеро шундай экан, у кишининг амри фармони бизга дастурдир.

— Шундай, шундай пирим!

Эшон тасбиҳ доналарини санаб яна жим қолди. Нималардир деб пичирлади. Охири у тасбиҳини белбоғининг қатига жойлаб, Назирқулга қаради.

— Ислом лашкарлари ғозовотга отланди. Сиз ҳам шу лашкарлар сафида бўлмоғингиз керак.

Назирқул Холхўжа йигитларидан хабардор эди. У эшоннинг гапидан шулар гўдасига бор, деган маъно англади.

— Мен розиман, шу кеча йўлга чиқинг!

Назирқулнинг юраги арзиқиб кетди. У эшоннинг чўриси Саломатни орқаворотдан севиб юрарди. Қиз унинг изҳори-муҳаббатини рад қилиб Бўтабойга кўнгил берганди. Пирининг амрини қайтармоқ гуноҳ, қизни ташлаб кетиш эса ундан ҳам оғир эди. Шу топда тиз чўкиб ўтириб қиз билан эшонни тарози палласига солиб тортиб кўрарди. Диний ақидалар, зикру-санолар кўзини тиндирган гумроҳ йигит учун муҳаббат ҳисларидан кўра эшоннинг панди-насиҳатлари зўр келди. Эшоннинг палласи босди.

Назирқул тоққа чиқиб кетди.

У бешотарни елкага осиб, «ўлсам шаҳид,

ўлдирсам ғозий!» деб қишлоқларга от сураб экан, хаёлидан Саломат нари кетмасди. Унинг қалбидаги муҳаббат туйғулари ўрнини ғазаб ва қасос ҳислари эгаллади. Нима бўлса ҳам севгисини рад этган қиздан ўч олиш, унинг Бўтабой билан қовушишига ғов бўлиш ҳақида ўйларди.

Зор қишлоққа босқин бўлган кечаси Назирқул етти йигит билан Азим бойваччанинг қўрғонига келди, кўпинча у кечалари пусиб келиб, бойвачча тайёрлаб қўйган ўқ-дориларни тоққа олиб кетарди. Бу гал ҳам худди шундай бўлди. У йигитларнинг хуржинига ўқларни жойлаб жўнатди-да, шовқин-суронга тўлган қишлоқ кўчасидан якка от солиб, ёмғирда нураган пахса девор олдида жиловни тортди. Отдан тушиб худди мушукдек сапчиб нахрадан ошиб, эшоннинг боғига ўтди. Сал фурсат ўтмай оғзига дўппи тиқилган Саломатни кўтариб чиқди-да, эгарга ўнгариб қоронғилик қўйнига сингиб кетди.

Саломат унга насиб қилмади. Кўҳлик қиз қўрбошининг юрагини асир қилди.

Назирқул бу кўнгилсиз воқиядан авваллари куйди-пишди. Кейинчалик кўникиб кетди. У ўзига «Бўтага ҳам эмас, менга ҳам эмас» деб тасалли берди. Қишлоқлардан олиб қочиб келинган қизлар кўп эди. Назирқул шулар билан ўзини овутар, «Саломат шуларнинг бири-да» деб ўйлар эди.

Холхўжа йигитлари парокандага учрагандан кейин Назирқул «ёпиқлик қозон ёпиқ» деб қишлоққа келди. Унинг босмачи бўлганини Азим бойвачча, эшон ва Низомиддиновдан бошқа ҳеч ким билмайди. Низомиддинов «кат-

та» ишларда ишлаган одам. У ҳамма нарсани билади.

Назирқул эса Низомиддиновнинг ўзи шу босмачиликнинг энг фаолларидан эканини билмас, уни чин большевик, Шўронинг одами деб биларди.

Низомиддинов унга кўп «яхшилик»лар қилган. Ҳозир ҳам яхшилик қияпти. Агар Саломат қишлоққа келса, албатта Назирқулнинг куни битади. Низомиддинов шу ерда ҳам унга тўғри йўл кўрсатди.

Бироқ! Бироқ Назирқул ўтмишини кўпдан унутган, одам ўлдириш унинг хаёлига ҳам келмаган эди. У мана шу қоронғи кечада қароқчилардек йўл пойлаб ётар экан, қалтираб пичоғига қўл юборди. «Наҳотки, наҳотки яна қон тўксам...»

Назирқулнинг қалбидан бўғзини куйдиргудек иссиқ хўрсиниш келди. Томоғи қақраб энтикди, ютинди.

Узоқдан от дукури эшитилди. У борган сари яқинлашар эди...

15

Бектемиров Бўтабойнинг ишини бир ёқли қилмоқчи бўлиб қоровулни правление аъзоларини йиғиб келишга юборди. Ярим соатга қолмай Максим, Муса кўса ва бошқа правление аъзолари етиб келишди. Низомиддинов «нотоб» лиги учун кейинроқ келишини тайинлаб юборибди.

— Гап яна Бўтабой тўғрисида,— деди Бектемиров,— уни вақтинча раисликдан бекор қилган эдик, балки ўша пайтда шундоқ қилишимиз тўғри бўлгандир, негаки, бу воқиа жуда

нозик пайтга тўғри келиб қолган эди. Ана энди шошилмай шу тўғрида бир гаплашиб олайлик, нима дейсизлар? Ҳозир Бўтабой ҳақида ким нима билса гапирсин. Яхши томонини ҳам, ёмон томонини ҳам ўртага ташланглар. Қани Муса ака, ўзингиз бир нима денг, энди.

Муса кўса гапни нимадан бошлашни билмай, ўйланиб қолди.

— Бир нарсага асти чидаёлмайман. Шу Чиноқ-ку бизга миридан-сиригача маълум бола. Шу масалада андек хато қилиб қўймаганми-канмиз, деб ўйлайман. Бойқишни ҳар кўрганда бир энлик этдан тушаман. Гапнинг очигини айтсам, манави Афандихонингизга сира-сира тоқатим қолмади. Бўта қаёқда-ю, Низомиддинуп қаёқда. Бўта бекор бўлгандан кейин кўл ўртоқлар правлениега қадам босмай қўйишди. Биздан хафа бўлишибди. Тунов куни таранг қизини чиқазганда кексалар нақ мени тўйдан чиқазиб юборай дейишди. Ҳаммаси сатта Чиноқнинг тарафини олишади. Уларнинг гапига қулоқ солсам, ҳамма гаплари тўғри.

— Нималар дейишди?— деди Бектемиров қизиқиб.

— Ҳар гапни айтишди. Ҳаммаси Бўтани оқлашди. Правление аъзоларидан бу ишни умумий мажлисга солмай ҳал қилиб юборганларидан жуда хафа бўлишганини, катта майлис бўлса Бўтанинг тарафини олиб гапиришмоқчиликларини айтишди. Таранг бўлса, уч кун сабр қиламан, агар Чиноқ яна раис бўлса-бўлгани, бўлмаса колхоздан чиқаман, Бўта раис бўлмаган колхозда нима қиламан дейди. Омборчи Бўта қўл қўймаган қоғозни қоғоз демайман, деб катта кетворди: Кўпчилик бўлиб, Бўтанинг

тарафини олиб, райкомга боришмоқчи, агар райком ҳам Бўтани ёқламаса, Охунбобоевга арз қилишмоқчи. Менимча, шу чолларнинг гапи маъқул, тўғри қилишади. Бошида ҳамма ишни ўзим расво қилдим. Чиноқ билан Эшон аяни теракзорда кўрганимда лоп деса олақопни кўтариб кетибман. Ўша заҳоти хотинимни ҳам, қизимни ҳам даладан уйга жўнатиб юборибман. Қизишиб кетибман-да! Мен-ки, шу ишни қилдимми, албатта бошқалар аёлларини далага чиқазишмади-да. Бу ишнинг тагига етдим. Турсунбой ота бор гапни айтиб берди. Ўша куни чолнинг уйида Эшон ая мушкулкушод ўқиб, хотинларни роса лақиллатган экан, кечаси ҳазрати хизирни кўрганмиш, хизир алайҳисалом унга «Маскоп»дан юз кишилик кўрпа келипти, ҳазрат Али зулфиқорини қиндан чиқазиб колхоз бўлганни тигдан ўтказаман, деб айтган эмиш. Хотинларнинг юрагига шунақа ваҳима солиб қўйиб, орадан ярим соат ўтмай Эшон аянинг ўзи теракзорда Бўтанинг йўлини пойлабди. Бу гапларни хотиним тўйдан билиб келди. Кўрдингизми, битта шаллақи оз бўлмаса бутун бошли колхозни остин-устин қилиб юборай, деди-я.

Муса кўса, яна гапираверайми, ё басми, деб Бектемировга қаради.

— Гапираверинг, гапираверинг,— деди Бектемиров.

— Гапираверсам, гап шу. Чиноқда тирноқча ҳам айб йўқ экан. Бачканалик бўлса ҳам айтмай. Бўтанинг хотинларга ёмон назар билан қарайдиган одати йўқ. Сабаби у ёшлигида Саломат деган қизни яхши кўриб қолиб, у билан аҳду-паймон қилишган. Бойқиш қизни босма-

чилар хароб қилгандан кейин Бўта хотин олмай бўйдоқ ўтиб кетишга қасам ичган. Энди келиб-келиб Бўта шу ҳамманинг сарқитига суркаладими, бўлмаган гап. Бўта раисликка яна ўтмаса, мен хижолат бўлиб қоламан. Сабаби унинг раисликдан бекор бўлишини ўзим талаб қилган эдим, энди ўша талабимни ўзим бекор қиламан. Бўта яхши бола, гапим тамом.

Муса кўсадан кейин Максим сўз олди.

— Муса аканинг гапларига юз фойиз қўшиламан. Бўтада фақат битта айб бор, холос. Саводининг мазаси йўқроқ. Ҳамма бало шу саводсизликдан чиқяпти. Узоқни кўролмайди. Колхоз деганда у эрталаб далага чиқиб кетмон чопиб, кечқурун қайтиб келиш деб билади. Ундан ташқари ўзини-ўзи мудофаа қилолмайди. Ўзини-ки мудофаа қилолмадими, колхозни ҳам мудофаа қилолмайди. Энди унинг устидаги анови гапга келсак, бу туҳмат гап. Бўта бунақа номаъқулчилик қилмайди. Шу фитнани уюштирган одам Бўтанинг саводсизлигидан, узоқни кўролмаслигидан фойдаланиб шу ишни қилган. Шу ишларда Низомиддиновнинг қўли йўқмикан деган шубҳага тушиб қолдим.

Ўтирганлар бир тебраниб олишди.

— Эшон ая асли андижонлик оқсоқолнинг қизи бўлади. Отам Гиёсиддин деган тилмочнинг пахта заводида ишлаган. Тилмоч хотинини қиморга бой бергандан кейин отаси ажратиб олиб эшонга узатиб юборган эди. Ўша оқсоқолнинг қизи шу Эшон ая бўлади. Яқинда Низомиддиновнинг уйида отамнинг китобларини кўриб қолдим. Ўша Гиёсиддин тилмоч шу Низомиддинов эмасмикан?

Максимнинг гапи ҳаммани ҳайрон қилиб қўй-

ди. Бектемиров Низомиддинов қишлоққа келганда у билан бўлган биринчи учрашувни эслади. Ушанда Низомиддинов Тошкентданман, деган эди, демак у Бектемировни алдаган.

Максим гапини давом этдирди.

— Бироқ тилмоч босмачиликда ҳалок бўлган, деб эшитганман. Бу гапни Қўчқорбойдан сўраб билса бўлади. Ундан ташқари Турсунбой ота Азим бойваччанинг отаси ҳақини бермаганда ҳоким тўрага арзга борганман, тилмоч ишимни тўғрилаб берган, деб айтган эди. Ушандан сўраб билсак ҳам бўлади. Хуллас бу гаплар қанчалик тўғри, текшириб кўриш керак. Аммо Бўтабой яна раисликка ўтиши зарур. У бу ишга лойиқ одам. Фарғонада колхоз раислари малакасини ошириш курсига одам юбориляпти, деб эшитдим. Бўта раисликка ўтгандан кейин райкомдан уни ўша курсга юборишни сўраш керак. Ўқиса ёмон бўлмайди. Бошқача одам бўлиб келади.

Максим сўзини тугатган ҳам эдики, эшикдан Низомиддинов кириб келди. У кеч келганига нотоблигини баҳона қилиб бир чеккага келиб ўтирди.

— Нима гап, тинчликми?— деди Низомиддинов Бектемировга савол назари билан қараб.

— Бўта масаласини узил-кесил ҳал қиляпмиз.

— Жуда соз — деди Низомиддинов, — бу ярамасни бир варакайига қишлоқдан қувиб юбориш керак, амалдан тушганига чидаёлмай устимиздан арз қилиб бормаган идораси-ю, гапирмаган гапи қолмабди.

Эшоннинг хотини яна дод солиб келди, қаматмасанглар Тошкентга ёзаман, дейди.

— Ўзингиз нима дейсиз? — деди Бектемиров синовчан кўзларини унга қадаб.

— Сизлар нима десанглар, мен ҳам шунинг дейман. Албатта ёмоннинг тарафини олмасанглар керак.

Муса кўсанинг зардаси қайнаб кетди.

— Менга қаранг, Афандихон, Бўта яна раис бўлади. Аммо лекин унга туҳмат қилганнинг ти-ти-питисини чиқамамиз. Қани печатни усталга қўйиб қўйинг, бўлди амалдан тушдингиз. Ҳозирданоқ Бўта раис бўлди, деб ҳисоблайман.

— Шошманг, Муса ака, бу гапни аъзолар ўртасига ташлаб олайлик ахир, қани умумий мажлис нима дейди, — Низомиддинов Мусани мотга тутмоқчи бўлди.

— Ҳа, уни раисликдан олганда аъзолар ўртасига ташлаганмидик. Аъзолар бизга ишонишади. Шунинг учун правлениега сайлаб қўйишган-да. Ундан ташқари Бўта бу иш бир ёқли бўлгунча вақтинча бекор бўлган. Бекор бўлганига умумий мажлиснинг қарори ҳам йўқ.

Бектемиров уларнинг гадини бўлди.

— Муса аканинг гапларига қўшиламан. Правлениенинг фикри колхоз аъзоларининг фикри ҳисобланади. Максимнинг таклифини қувватлайман. Бўтани тўрт ойлик Фарғона курсига юборишни райкомдан сўраш керак.

Правление мажлиси Бўтабойни яна раисликда қолдирди. Максим дўстини хушхабар билан табрикламоқчи бўлиб уйига борганда қўшнисини «Чиноқ кечадан бери йўқ, районга кетган» деб жавоб қилди.

Аммо Низомиддинов этигининг ичига биров чўғ ташлаб қўйгандек типирчилар, бир жойда туролмас эди.

Саломат ўртоқлари билан хайрлашиб чиққунча Турсунбой ота отнинг бўйнига ем тўрвасини илиб бетаҳорат бўлса ҳам шошиб-пишиб номози-шомни ўқиб чиқди. Саломат чамадоняни олдига қўйиб, арава устида уни кутиб ўтирар эди.

— Бўлдингми, қизим. Кетаверамизми?

— Майли, отахон.

Чол отга беозор қамчи босди. Кўпдан гупчагига мой тегмаган арава ғачир-ғучир қилиб жойидан қўзғалди. То у сертупроқ қишлоқ кўчасига чиқиб олгунча тош йўлда қалдираб борди. Ярим қоронғи кўча бетларидаги пастак уйларнинг томларида лолақизғалдоқлар кўринмайди. Айвонларнинг шифтларига илинган осма чироқлардан таралган нурдан кечки олмава беҳи гуллари қоронғида янада оқариб кўринади.

Осмон булут. Йилт этган юлдуз кўринмайди. Боғма-боғ ошиб эсаётган шамол димоққа аллақандай хушбўй исларни олиб келади.

Турсунбой ота эгарга қийшиқ ўтириб, хиргойи қила бошлади. От қўшиқ мақомига бош силкиб аста-аста йўртиб кетмоқда.

Саломатнинг кўнгли беҳузур. У маориф бўлимида Зор қишлоққа боришини айтишгандаёқ, беихтиёр хўрсиниб юборган эди. Уни асло бу томонларга келишга кўнгли йўқ. Қаерга бўлса ҳам, ҳатто энг олис жойларга юборишса ҳам майли. Фақат, Зор қишлоққа юборишмаса бўлди.

Ахир Зор қишлоқнинг ҳар бир кўчаси, девори, одамлари унинг болалигини, боғларни қў-

шиққа тўлдирган кўнғироқдек овозини эслатиб қўймайдими?

Ахир у шундай гўзал қишлоқдан қайтиб келмас бўлиб кетмадими? У бу қишлоққа ёшлигини қумсаган кезларда гўё қанот боғлаб учиб келишни истамасмиди? Унинг бу кўнгил истакларига қалбида ўчмас доғлар қолдирган, юзларини ғамдан сўлдирган, кўзларини номус кучи ерга қаратган даҳшатли кунлар ғов бўлиб ётарди.

У Тошкентда ўқир экан қишлоқни соғинган, кўнглига муҳаббат оловини ташлаган йигитни қумсаган кезлари юм-юм йиғларди.

— Қай юз билан боқаман унга? Мени кечирармикин? Кечирмас! Ахир менга ит теккан!

Арава шув-шув тупроқ тўкиб ғирчиллаб кетмоқда. Шу жимжит кеча қўйнида Саломатнинг хаёли ёшлигини излаб кетди.

Саломат Наманганнинг Чортоқ қишлоғидан бўлади. Унинг отаси бутун Чортоқни зир титратган Фотиҳ элликбошининг қароли эди. Онаси элликбошининг боғидаги азим туп ёнғоғини қоқаётганда йиқилиб ёғиб қолади. Орадан тўрт ой ўтгач, эрта баҳорда ўлади. Саломат ўша кезларда ўн уч ёшларда эди. Элликбошининг хотинлари уни чиқиштиришмайди. Бунга сабаб элликбоши бўлар-бўлмас баҳона билан уни меҳмонхонага тез-тез чақириб гурадиган, ҳали чилим келтир, ҳали чой келтир деб гапга соладиган бўлиб қолган эди. Кундошлар бу шилқимликдан хабар топиб, қоролни катта ерга кўчириб юборишди. Элликбошининг ёшлигида устига қайнаб турган самовар тўкилиб кетган, эр олмай шохида майиз бўлиб қолган қари қизи бор эди. Унинг юз-кўзи қайноқ сувда пишиб,

худди офтобда эриб қийшайиб қотиб қолган шамга ўхшарди.

Элликбоши шу қизини қоролига бериб, катта ердаги қўрғонга чиқазиб юборди.

Саломат қақшоқ ўгай она билан чиқишолмади. Ҳар кун жанжал, эшитмаган гапи, емаган турткиси қолмади. Ота ҳам суюкли хотин томонга оғиб кетди.

Шу кезлари мурид овлагани Чортоққа келган Саид Жалолхон эшон элликбошининг жонига оро кирди. У қизининг рўзгорини «нотинч» қилаётган етимчадан осонгина қутулди. Саломатни эшонга назир қилди.

Саломат туғилиб ўсган қишлоғидан кетди. Эшон даргоҳида ўтказган кунлари элликбошининг эшигида кечирган кунларидан жуда кам фарқ қиларди. Бу уқубатли кунларнинг аламини девор ошиб келган йигитнинг эркалашларигина боса оларди.

Бу зорқишлоқлик темирчи йигит Бўтабой эди. Саломат Эшоннинг анорзорига файз киритиб, тиниқ овозини янграшиб қўшиқ айтадиган бўлиб қолди. Бу қўшиқлар ўртанган, ўксиган қалбнинг нидоси бўлиб, темирчи йигитнинг юрагини пармаларди.

Эшоннинг муриди Назирқул унга муҳаббат изҳор қилди. Қиз унинг севгисини рад қилди. Бўтабой унинг назарида дунёдаги энг яхши, энг чиройли йигит эди. Уни ҳеч кимга, ҳеч нарсага айрибош қилиб бўлмас бўлиб туйилар эди унга.

Назирқул рад этилган севгининг алами билан ундан ўч олишнинг пайтини пойлар эди. Ёмон ниятнинг йўлдоши кўп бўлади, дегандек унинг ўч олишига Саид Жалолхон эшон йўл

очиб берди. Уша пайтларда ҳамма ёқни така-
така қилиб юрган Холхўжа қўрбоши ҳам Саид
Жалолхон эшонга қўл берган эди. Эшон Са-
ломатни унга ҳадъя қилди. Назирқул унинг
амри билан кечаси Саломатни отга ўнгариб
тоққа олиб қочди...

Арава кўприксиз ариқчадан ўтишда қаттиқ
силкиниб Саломатнинг хаёлини бўлди. Чол ор-
қасига ўгирилди.

— Индамай қолдинг, қизим, уйқинг келяп-
тими дейман?

Саломат нимадир деди, чол бу гапни шун-
чаки айтган экан шекилли, жавоб кутмай хир-
гойисини давом этдираверди.

Янги ой чиққан кеча
Қайрилма қош ёдга тушар;
Тошга қўйганда бошимни
Бағритош ёдга тушар.
Бағритош, қайрилма қош
Менга насиб қилгаймикан,
Еки қаддим қошидек
Ҳажрида қайрилгаймикан.

Бу қўшиқ Саломатга Азим бойваччанинг
боғини эслатди. Азим бойвачча ҳар жума боғи-
га меҳмон чақирарди. Атрофида мажнун тол-
лар силкинган ҳовуз бўйидаги супага қашқар
гиламлар тўшалар, граммафон тинмай ғирил-
лаб қўшиқ айтарди. Шаҳардан извошда чиқ-
қан ҳофизлар тонг отгунча ялла қилишарди.
Саломат қизлар билан боғма-боғ ошиб келиб
девор наҳрасидан қўшиққа қулоқ соларди.
Эшон аянинг тугунини кўтариб борганда ҳам
йўлакдан туриб ўйинларни томоша қиларди.

— Ашулам ёқмади чоғимда, а, қизим? Нега индамайсан?

— Эшитяпман, ота.

— Бўлмаса қулоқ сол қизим, антиқасини айтиб бераман.

Наманганнинг олмаси бор нори бор,

Олмазор ичида жийдазори бор.

Бу қўшиқни Саломат деган бир қиз айтгувчи эди. Бойқишни босмачилар нобуд қилган.

Саломатнинг юраги орзиқиб кетди. Бу қўшиқ унга анорзорни, Бўтабойни эслатиб қўйди. Чол уни «босмачилар нобуд қилган» деди.

Ҳозир Саломат даҳшат ичида азобли, аянчли, кунларини кўз олдида келтирди.

Хўрланган, зўрланган, аёллик ғурури таҳқир қилинган кунлар, бир тўда қуроолланган бадмаст йигитлар соқчилигида кўрбоши чодрида кечкан онлар...

Бўтабой! Саломат шундай хўрликларда ҳам уни унутмади. Бўтабой мени бу азобдан халос қилади деб ўйлади. Бироқ, бироқ у, Бўтабойни шу бадмаст йигитлар сафида кўрганда, унга бутун вужудидан нафрат ёғдирган эди.

Саломат соқол кесган икки сатанг кузатувида кўрбоши қароргоҳидан чиқар экан, Максим ота билан Бўтабой унга қараб туришар эди. Саломат уни кўрди-ю, неча йиллаб қалбига юпанч, хаёлларига йўлдош бўлиб келган йигитдан юз ўгирди. Кўксини ёндириб турган ўт хаёлларини ҳам, хотираларини ҳам қовжиратиб ташлагандек бўлди. Энди у учун Бўтабой йўқ.

Саломат ўшанда Бўтабойдек йигит шу ишни қилиши, бўриларга қўшилиб увлаши мумкинми, деган саволни ўзига беролмаганди.

Бўтабой ўша кунийёқ Саломат қалбидан яна ўз жойини топди. У, Холхўжанинг қорабайинини миниб қочди. Максим ота босмачиларга пулемёт билан қирон солди. Саломат шу ҳақда ўйлар экан:

«Бўтабой ўз кишилари сафига қайтишга илож топди-ку, нега мен ҳам шу ишни қилмайман», деб ўзича режа тузмоқчи бўларди.

Унинг бу хаёллари борган сари қатъийлашаверди. Хилма-хил режалар тузиб кўрди.

Кунлардан бирида бир тўда банди хотинлар тоғдан анҳорга кир чайқагани тушишди. Саломат қулай пайт келганини билиб, тошлар орасидан эмаклаб қамишзорга кирди. У шундай эҳтиёт билан эмакладики, ҳатто қамишлар ҳам шитирламади. Тиззадан ботқоқ кечиб тўқайнинг нариги бетига чиқди. Кекса қайрағоч тагига келиб орқасига қаради. Хотинлар ҳали ҳам кир чайқашар, соқчи йигит милтигини жийда шохига илиб қўйиб, анҳор ўртасида қулочкашлаб сузиб юарди.

Саломат бутун кучини йиғиб боғма-боғ ошиб кетди. Тиканлар оёғини тилди. Парво қилмади. Шох-шаббалар кўйлагининг этагини пора-пора қилди. Саломат югуришдан тўхтамади. У хўрликларни, виждон азобини, мусибатларни орқада қолдириб олдинга интиларди. Тўмоғи қуриб вужудини тер босди. Оёқларида мадор қолмади. Тиззалари ҳар букулганда синиб, узилиб тушиб қолаётгандек бўларди. У фақат, фақат югуради холос.

Қишлоқ кўчалари бошланди. У Кумушсой масжидига яқин келганда орқадан ўқ товушини эшитди. Ўқ жуда олисда отилган эди. Са-

ломат нафасини ростлаб яна йўл юрди. Мас-жид олдига етганда тўхтади. Кумушсойликлар пешин номозини ўқиб тарқаб кетишган.

Саломат қудуқ ёнида от суғарадиган охирадаги кўлмак сувдан оғзини тутиб ичди. Соҳларини тузатди. Ич-ичидан келган кучли хўрсиниш шодликдан порлаб турган кўзларини ёшга тўлдирди.

— Қаёққа бораман? Яна эшонникигами? Бўтабой уйидан жой берармикан? Унга қай юз билан қарайман. Ахир мен...

Саломат ҳўнграб йиғлади. У ҳамма вақт Бўтабойнинг ёди билан яшади. Азобларга унинг хотираси, ёди билан чидади. Бироқ шунча воқиалардан кейин мен Бўтабойга лойиқ хотин бўламанми, деб ўйламаган эди. У шундай саволни ўзига биринчи марта беряпти.

Бу савол ўзини Бўтабойга бегона қилиб кўрсатди. Зор қишлоққа боришдан энди маъно йўқлигини билди. Алам ва ҳасрат билан Зор қишлоқни айланиб шаҳарга йўл олди...

Орадан саккиз йил ўтди. Саломат Андижонда ўзига бошпана топди. Уни Тошкентга ўқишга юборишди. Бугун ўша чўри қиз ёшлик хотираларига тўлган қишлоққа, деҳқон боласига савод ўргатгани келмоқда.

Арава Зор қишлоққа кираверишдаги ёғоч кўприк олдида тўхтади. Турсунбой ота жилонини тортиб «Ким!» деб қичқирди. Буталар орасидан чиққан гавда эгарда ўтирган чолнинг ёқасидан бўғиб пастга туширди. Чол хириллади. Саломат сапчиб ўрнидан турди. Гавда чолни судраб кўприкдан ўтказди-да, орқасига бирикки тепди.

Бу Назирқул эди. Чол олдига мункиб туп-

роққа йиқилди. Назирқул аравадан тушаётган Саломатни сочидан тортиб ўзига қаратди.

Қоронғи, одам-одамни таниёлмайди. Тупроққа ағанаган чол Назирқул томонга югуриб келди. У бу гал чолнинг қорнига тепди. Чол қорнини чангаллаб мункайди-да, олдига йиқилди.

Назирқул тишларини қичирлатиб сўкинди. Саломат унинг ёқасига ёпишди. Назирқулнинг яктаги йиртилди. Саломат унинг қўлидан юлқиниб чиқди-да, девор томонга қоча бошлади. Назирқул эпчиллик билан этигининг қўнжидан пичоқ суғуриб югурди. Девор наҳрасига тирмашган Саломатнинг елкасидан икки-уч марта ғирч-ғирч қилиб пичоқ санчди.

Саломатнинг қўли сирпаниб, ўзи билан аллақанча шўр тупроқни тўкиб ерга йиқилди. Назирқул ер бағирлаб ётган Саломатни оёғи билан итариб чалқанча ағдарди. Ҳали илиқ қон шилимшиқ бўлиб турган пичоқни яна икки марта унинг кўкрагига санчиб, мушукдек сапчиб девор ошиб кетди.

Узоқ-яқиндан ит улигани эшитилди. Шамол ҳам тўхтаган. Бу баҳор кечасида ҳамма нарса, жонли-жонсиз ором уйқусида. Шу сокин кечда фақат қўли қонли Назирқулгина уйқусиз. Унинг қалбини босиб ётган оғир тош нафас олишга қўймас. Қўзи олдидан қонли гавда, йилтираган пичоқ нари кетмасди.

Назирқул дам югурар, дам тўхтаб «нима қилиб қўйдим?» деб ўзига савол берар, саво-

лига жавоб тополмагач, қўрқув ва даҳшат ичида югураркан олдида кетаётган ўз соясини тепкилаб борарди.

Назирқул югура-югура чарчади. Охири ҳолдан тойиб энди ўтирмоқчи бўлган эди, девор тагида суяк ғажиб турган бир ит унга қараб вовиллаб юборди. Назирқул қочди, ит қувди. Ортиқча қувишга ҳафсаласи келмаган ит орқасига қайтиб яна суяк ғажий бошлади. Назирқул девор панасидан юриб, Низомиддиновнинг хужрасига келди. Атрофга бир аланглаб олгач деразани чертди. Жавоб бўлмади. Яна чертди. Бу гал деразани зириллаб кетгудек қаттиқ чертди. Ичкарида ҳеч ким йўқлигига ишонгач, яна дарахт тагларида ўтиб бедазорга чиқиб югура бошлади. У шу югурганича тўхтамай Азим бойваччанинг далонига еткандагина нафасини ростлади. Ҳеч қаёққа қарамай жони-жаҳди билан эшик ҳалқасини қоқа бошлади. Бироздан кейин эшик тирқишидан ерга узун ёруғ тушди ва аёл кишининг овози эшитилди.

— Ая, мен Назирман, хўжайинда зарур гапим бор эди.

— Эшон поччамникига кетганлар,— деди хотин.

Назирқул ўйланиб қолди. Эшоннинг уйига бориш учун яна ўша ҳозир келган йўлдан ўтиши керак. Бу йўлдан юришга, қонга қоришиб ётган ўз қурбони яқинидан ўтишга юраги бетламади. Бошқа йўлдан боришни мўлжаллади-ю, бўлмади.

Чинор тагидан айланиб ўтиш хавфли эди, кийим-боши, қўли қон, гузарда биров кўриб қолса, нима бўлади?

Назирқул яна келган йўлидан қайтди. Кўзидини боши айланди, боя девор тагида суяк ғажийетган ит энди йўл ўртасида тупроққа бағрини бериб ётарди. У оёқ товушини эшитиб ётган ерида ириллади. Назирқул тўхтади, четан девордан ошиб Муса кўсанинг майдонидан ўтмоқчи эди, ит уни олдига солиб қувди. Назирқул девор ошиб майдонда шотиси кўтариб қўйилган арава тагига кириб олди, ит ҳамон вовяллар, орқа оёғи билан тупроқ чангитиб жимжит кечани бошига кўтарди. Чопон ёпинган киши майдонга чиқди. Ит югуриб унинг олдига бориб, оёғи тагига ўралиша бошлади.

— Бўлди, бўлди, қоплон! Ёт!

Бу Муса кўсанинг овози эди. Муса кўса итнинг бўйнида судралиб юрган арқондан ушлаб ичкарига тортди.

— Ҳаром ўлгур, яна арқонни узибсан-да.

Яна жимлик бошланди. Назирқул арава тагидан чиқиб, яна бояги йўлга қайтди.

У кўча ўртасида келаркан, гўё қонга беланган хотин сочини ёзиб йўлини тўсиб тургандек бўлди. Назирқул худди туш кўраётгандек қадам босиши қийинлашди. Катта ерни кесиб Саид Жалолхон эшоннинг дарвозасига етганда ўзига келди. У ҳансирар, гўё орқасидан биров қувиб келаётгандек дам ўтмай атрофга алангларди. Эшикни Эшон ая очди.

— Нима қилиб юрибсан, бемаҳалда?

Назирқул жавоб бермай ичкарига кирди. Деразасига парда тутилган уйда чироқ ёниб турибди. У эшикни тақиллатмай бесўроқ ичкарига кирди. Хонтахта атрофида ўтирган Низомид-

динов, эшон ва Азим бойвачча унинг қўллари қонлигини кўриб, бир-бирларига қараб олишди.

Низомиддинов ушлаб турган пиёладаги чой, қўли титраганидан чайқалиб турарди.

— Битта-яримта сезмадими, орқангда одам йўқми?

Назирқул жавоб беролмас, тик турганича ўтирганларга жовдираб боқарди. Охири у қонли бармоқларини муштлаб пешонасига тарс-тарс ура бошлади.

— Тамом! Тамом! Энди мени отишади, ГПУ отиб ташлайди.

Назирқул бўкириб йиғлар, дуч келган жойига тарсиллатиб муштар эди.

— Нима бўлди, гапирсанг-чи? — деди ўрнидан туриб Азим бойвачча.

— Назаримда чол таниб қолгандек.

Низомиддинов Азим бойвачча билан кўз уриштириб олди.

— Аҳмоқ,— деди қўрқиб Низомиддинов,— уни ҳам йўқ қилишинг керак, деб тайинлаган эдим-ку!

Назирқул бошини деворга уриб йиғларди.

— Ўтир баққа!

Низомиддинов унинг биллагидан ушлаб кўрпачага ўтқазди.

— Ишинг чатоқ акаси, қўлга тушсанг ГПУ нақ мана шу пешонангдан отади. Қочиш керак.

— Қаёққа?! Қаёққа қочаман?!

— Ҳукуматнинг қўли етмайдиган жойга.

— Ҳеч қаёққа кетмайман!

Назирқул ўрнидан турди.

— Ўз юртимда бўри бўлиб яшаганимдан

кўра, ўлганим яхши. Ҳозир гузарга чиқиб, ўзимни-ўзим тутиб бераман.

— Эшак! — деди Азим бойвачча. — Шунча ишни қилиб қўйиб узр сўрамоқчимисан, кечиршади деб ўйлайсанми?!

Назирқул бўшашиб яна чўккалади.

Низомиддинов меҳрибонлик билан гапира бошлади.

— Ҳамма иш битган. Қочишдан бошқа иложинг йўқ. Ёлғиз сен эмас, эшон почча ҳам сен билан кетадилар. Ҳозироқ сафарга отланасизлар.

— Қаёққа? — деди Назирқул.

Боятдан бери гапга аралашмай сурма босилган кўзларини юмиб тасбиҳ ўгириб ўтирган Саид Жалолхон эшон қироат билан гап бошлади.

— Мусулмонобод ерлар бор, бўтам. Шунча вақт тузимизни ичиб биздан азиат чекмадингиз, иншоолло бундан буёқ ҳам шундоқ бўлмай. Қашқарга от соламиз. Бу бузуқ Саломатнинг дахмаси бизни албатта безовта қилмай.

— Ҳа, бирга кетасизлар, — деди Низомиддинов, — юрт омон-омон бўлганда қайтиб келасизлар, хотин бола-чақа шу ерда қолади. Йўлингизга маҳтал бўлиб кутамиз, отлар эгарланган, сафар анжомлари тахт!

Назирқул Қашқар тўғрисида жуда кўп гаплар эшитганди. У Қашқар деганда бир умр қор ёғмайдиган ўлкани тасаввур қиларди. Унда ҳаммиша баҳор гуллари яшнаб туради, Зар қирғоқли анҳорларда сув ўрнига шарбат оқади. Адирларга қўйлар булутдек ёприлган, бозорлар шоҳи-атласларга тўлган, ҳар қадамда масжид, ҳар қадамда ихлосмандлар... Саид Жалолхон

эшоннинг этагини ўпиб, кўзига суртадиган мур-
ридларнинг сони-саноғи йўқ. Дунёда Қашқар
қизларидек сулуви бўлмайди.

Бирдан Назирқулнинг ғамгин кўзларида нур
ўйнади. Шу топда, ҳозирнинг ўзида унинг са-
фарга отлангуси келди.

— Қачон?— деди у Низомиддиновга қараб.

— Ҳозир, ҳозирнинг ўзида!— деди Низомид-
динов.

Эшон ая деразадан мастава узатди. Ҳеч ким-
нинг томоғидан овқат ўтмади. Ҳовлига чиқиб
келган Низомиддинов остонада туриб Азим
бойваччага қаради.

— Қани бойвачча, эшони пиримга бир оқ
фотиҳа берингчи?

— Йўллари бехатар бўлсин, ҳасти ҳизир
ҳамроҳлари бўлсин.

Ҳамма илоҳи омин, деб юзига фотиҳа тортди.

Саид Жалолхон эшон хотини билан хайр-
хўшлашгани чиқиб кетганда Низомиддинов
Назирқулнинг ёнига ўтириб насиҳат қила бош-
лади.

— Эшон почча сендан ярим соат олдин йўл-
га чиқадилар. Бешик тош олдида учрашасиз,
хўпми? Эҳтиёт бўлинглар. Тонг отгунча давон
ошиб олишга урининглар.

Назирқул, хўп бўлади, хўп афандим, деб
унинг гапларига қулоқ солиб бошини эгиб ўтир-
ди. Эшон чиқди. Унинг қошлари чимирилган,
кўзлари ғамгин эди.

Уни ҳовлининг ўзида отга миндиришди. У
билан овозсиз, шивирлаб видолашишар экан,
рўмолига ўралиб турган Эшон ая пиқ-пиқ йиғ-
лар эди. Эшон хомуш, отга қамчи босди. От
жойидан қўзғалганда эшон энгашиб далондан



чиқди-да, жиловни адирга бурди. У кўздан йўқолгандан кейин ҳам, анча вақтгача туёқ товуши эшитилиб турди.

— Назир!— деди Низомиддинов,— Ҳозир бойваччаникига борасизлар, қурол беради, ҳар аҳтимолга қарши, от ҳам ўша ерда. Хайр, худо ёр бўлсин!— У Назирқулнинг елкасига қўлини қўйиб,— азаматим, шунқорим!— деди.

Азим бойвачча билан Назирқул кетди.

Низомиддинов елкасидан оғир юкни силтаб туширгандек эркин нафас олди. Эшикнинг кесакисига сўяниб, юлдузлар чўғини сўндирган булутли баҳор осмонига маъюс термулиб, келгуси режалар ҳақида ўйлай бошлади.

Саид Жалолхон эшон тоғ оралиғига кирганда ой тепага келган эди. У, ўнгир ёқасидаги тор йўлдан ўтишда отдан тушиб жиловини қўлига олди. Йўл хатарли эди. Бу жойлардан кундуз куни юрган киши ҳам жонини ҳовучлаб ўтарди. Эшон «ҳар балову ҳар қазоро дафъ кун парвардигор» деб дуо ўқиб бормоқда. От оёғи тойғониб пастга қараб бир-икки бўлак тош парчаси думалади. Бир оздан кейин ўнгурдан даҳшатли гулдираш эшитилди. От ҳуркиб орқага тисарилди. Эшоннинг қўлидан жилов сирғаниб чиқиб кетди. От қоронғида шаталоқ отиб тошга урилди-да, у ҳам пастга қараб қулади.

Эшоннинг тиззаси қалтираб, ўтириб қолди. Ўнгирда сой гувиллар, тошлар орасида шамол бетиним айланарди. Эшон осмонга қаради. Ҳамон ой булутлар орасида сузар, юлдузлар кўзи равшанлашиб борарди.

Эшон ёлғиз оёқ йўлдан туртина-туртина юриб катта ғор олдиға келди. Одам шарпасини сезган икки баҳайбат қуш қанотларини патилла-тиб ғор ичидан учиб чиқди-да пастға — ўнгир-ға қараб сузиб кетди. Эшон ўзини орқаға отди. Чап оёғи тошға урилиб оғир зарб еб, йўл усти-ға чалқанча йиқилди.

Атроф ваҳимали эди. Алла қайда бўрилар-нинг улигани эшитилар, қушлар хунук овоз би-лан бир-бирларини чақиришарди.

Саид Жалолхон бирдан-бир таянчи оёқдан ҳам ажради. Энди у на ортға, на олдинға жила оларди. Бу ерларда ёлғиз тунаб қолиш хавфли. Бўри кўп. Тайин қилган жой ҳали олис. Хур-жундаги қурол-яроғ, озиқ-овқат ҳам от билан ўнгирға қулаган. У оғриқ азобига чидаёлмай бир оёқлаб эмаклаб, яна ғор оғзига келди. Ич-кари қоронғи. Мана шу қоронғилик ичида икки кўкимтир ўт чакнади. Бу ўт борган сари унга яқинлашиб келарди.

Саид Жалолхон эшон жони-жаҳди билан бел-боғига илиб олган кичкинагина қутичаға ёпиш-ди.

Порлаб турган икки ўт энди унинг олдиға ке-либ қолган эди. Иссиқ нафас юзига урилиши билан эшон ҳушидан кетди.

* * *

Назирқул елкасини офтоб қиздирганда уй-ғонди. У кўзини очмай ётган ерида икки қўли-ни ёзиб ҳузур қилиб керишди-да, ўрнидан тур-ди. Қизғиш тошлар офтобда ялтирар, қуйида кўм-кўк арчазор эртанги шамолда бир текисда шувилларди.

Назирқул аввал қаерга келиб қолганини бил-
долмай гангиди. Кейин ҳуши ўзига келиб, бўлиб
ўтган воқиаларни эслади. Пешонаси тиришиб
кўзлари бежо ўйнади. От қани? У атрофга
аланглади. Назирқул давон ошгач, эшонни то-
полмай ҳориб-чарчаб отнинг тизгинини қўлига
ўраб тошга ёнбошлаганди. Ҳорғинлик ўз кучини
кўрсатди. Назирқулни мудроқ босиб охири ух-
лаб қолди. От ўтга интилди. Унинг биллагидан
тизгин сирғалиб чиққанини сезмай қолди.

От қайгадир ўт чимдиб тентиб кетиб қолган
эди. Назирқулни ваҳм босди. Атрофга зир югу-
риб уни изларди. Ҳаммаёқ тош. Ўнғир ва жар.
Назирқул отсиз сафар хатар эканини яхши би-
ларди. Энди унинг бирдан бир умиди Саид Жа-
лолхон эшонни топиш, бир от билан бўлса ҳам
икковлаб сафарни давом этдириш эди. Бироқ
Саид Жалолхон эшон қайда? Наҳотки у Назир-
ни, содиқ қули Назирни алдаган бўлса? Нега
у тайин қилинган жойда уни кутмади? Балки
у Назирни кутмай Қашқар йўлига от солдими?
Йўқ, эшон ундай қилмайди. Улар аҳду-паймон
қилишган. Шу орада кутиб кўзи тўрт бўлиб
ўтиргандир. Нима бўлса ҳам уни топиши керак.
Албатта топиши керак. Эшонсиз Назир на ол-
динга ва на орқага қайтолади. Энди Зор қиш-
лоқдан унинг қадами бир умрга қирқилди.
Қашқар сафари эса Назир учун эшонсиз бу-
тунлай маъносиз бир хаёл, холос.

Назирқул атрофга ташвишли бир назар таш-
лади-да, шошиб тошдан-тошга сакраб, катта
сўқмоққа интилди.

Қўпдан оёқ изи тушмаган сўқмоқда гиёҳлар
ўсган, баъзи ерларни қишда кўчки босганда қу-
лаган тошлар тўсиб қўйган эди.

Назирқул шу йўлда гоҳ югуриб, гоҳ аста қадамлаб узоқ кезди. Икки қўлини оғзига қарнай қилиб овоз чиқазди. Унинг овози ўнгирларда гумбурлаб акс садо берар, бироқ ҳеч ердан эшоннинг овози келмас, гўё уни ер ютгандек ғойиб бўлган эди.

Кун тепага келди. Кечадан бери тошлар орасида тентиган Назирқул чарчаб ҳолдан кетди. Очлик ўз кучини кўрсатди.

— Сабр қил, Назир! Сабрнинг таги раҳмон. Чида, очликка ён берма! Ҳаммаси ўтиб кетади. Олдингда ёруғ кунлар бор.

Назирқул шундай хаёллар билан ўзини овутиб сўқмоққа чиқди. Аммо очлик Саид Жалолхон эшон ваъда қилган бахтдан кўра кучли келди. У ҳолсизланиб харсангга ўтириб, бирон тамаддиқ қилиш ҳақида ўйлай бошлади.

Ёнида наган. Унда анчагина ўқ бор. Наҳот бирон жонворни отиб, қорин тўйдириш мумкин бўлмаса.

Бу фикр уни оёққа турғизди. Ё кийик ё бирон қуш овлаш мақсадида яна кезди. Ўнгир ёқасидаги ғор олдида бир гала қуш қағқуғлаб гоҳ осмонга кўтарилар, гоҳ ғорга ўзини урарди. Назирқул наганни қўлига олиб каттакон қизил тош устида ниманидир чўқиётган қушни мўлжалга олди. Назир яхшигина мерган эди. У Холхўжа йигитлари билан қишлоқларга сурон билан от қўяр экан, нишонга олганини оёқдан йиқмай қўймас эди. Бу гал ҳам у мўлжалдан адашмади. Ўқ еган қуш тош устидан думалаб тушди-ю, бир-икки патирлаб жим бўлди. Ўқ овозидан чўчиган ўн чоқли қуш қағиллаб ҳавога кўтарилди.

Назирқул ўлжани олиш учун ғор олдига кел-

ди. Келдию яшин теккандек орқасига тисарилди. У худди шу минутда, шу жойда интилишлари беҳуда кетганига, орзу-умидлари саробдек ғойиб бўлганига иқрор бўлди.

Ғор олдида унга бахт-саодат ваъда қилган Саид Жалолхон эшоннинг суяклари ётарди. Тунги шамол унинг салласини учириб буталарга ўраб ташлаган. Бўрилар унинг танасидаги этини еб фақат музейларга қўйиладиган скелетдек яланғоч қилиб қўйган эди. Унинг танасида ягона бутун қолган ориқ панжалари қутичани ушлаганча қотиб қолган. Ерга тасбиҳ доналари сочилган...

Назирқул нима қилишини билмай унинг тепасида анча вақтгача серрайиб турди-да, бошини қуйи эгиб тиз чўқди.

Ўз ўлжасидан маҳрум бўлган қушлар атрофда ғавғо кўтариб Назирқулга ғазаб билан боқишар, ўз тилларида уни лаънатлар эдилар.

Назирқул эшоннинг қотиб қолган панжаларини куч билан ёзиб қутичани олди. Синиб мажақланган қутичадан жаранглаб олтинлар тошга тўкилди.

Назирқул очлик ваҳмини ҳам, ажралган йўлдошини ҳам, олдида турган белгисиз йўлни ҳам унутди. Унинг кўзи ялтираган олтинларда. Юраги тез-тез урар, кўзлари шодликдан порлар эди. У қимматли ўлжани гўё биров олиб қўяётгандек шошиб ҳамёнга солди. Телбалардек гандираклаб сўқмоққа чиқди. Ўқ еган қузғун унинг оёғи остида ётарди. Энгашиб унинг қанотидан кўтарди. Қузғуннинг панжасида кичик олхўридек кўкимтир бир нима бор эди. Назирқул уни кўзи олдига яқин олиб келди. Бирдан эти жимирлаб қўли қалтиради-ю қузғунни

тушириб юборди. Қузғун панжасида Саид Жаллолхон эшоннинг ўйиб олинган кўзи унга боқиб турарди.

Назирқул ҳаётида жуда кўп фожиаларни кўрган. У елкасига бешотар осиб, ўлсам шаҳид, ўлдирсам ғозий, деб қишлоқларга от қўяркан, этагига ёпишиб, омонлик сўраган ҳомиладор хотиннинг кўкрагига қўрбоши қилич солганини, асир партизаннинг танасига темир қиздириб босганини кўрганда ҳам Назирқулнинг эти жимирлашмаган эди.

Бир марта қўлини қонга ботирган одам ҳамма вақт қон ташналигида яшайди. Унда шафқат ҳисси сўнади.

Назирқул ана шундайлардан эди. Бироқ ҳар қандай жаллод, умр бўйи қон кечган кишида ҳам сўнгги пушаймон қўзғатувчи қандайдир ожиз, юзини кул босган бир ҳис учқуни сақланади.

Назирқулнинг вужудини титратиб, қўлларини қалтиратаётган нарса ҳам ўша сўниш олдида турган сўнгги ҳис учқуни эди.

Назирқул, қишлоқ кўчасига девор оша энгашиб ўсган, йўл ғубори ўтириб кул тусига кирган олхўридек хира кўзга тикилиб турар экан, бу кўз унга таъна қилаётгандек туюлди. —

«Ота ўрнида эдим. Эшон аянгни ҳам иззатнафсинг йўлига бошладинг...»

Назирқул ўз қўли билан кокилини кесган табаррук пирига ҳам хиёнат қила олган эди. Унинг танидаги титроқ бирдан босилди. Олдида, қузғун чангалига илинган кўзни оёқлари остига олиб эзиб ташлагиси келди.

«Қим эдим? Энди ким бўлдим? Қани сен ваъда қилган ер юзининг жаннати? Тонг саҳарлар-

да қилган тиловатларинг қани? Ахир, бутун қишлоқни мана шу ҳозир қотиб қолган панжаларинг билан ўттиз олти йил ушлаб келдинг! Шу ерларда жасадинг учун бир парча жой тополмадинг. Тоғу тошларда жасадинг бўриларга, қузғинларга ем бўлди. Ё парвардигор, содиқ қулингга шу кунни раво кўрдингми? Менчи, энди мен нима қиламан? Қайси тошга бошимни ураман. Қўлимга пичоқ берган Низомиддиновлар, Азим бойваччалар қани? Наҳот мен, бир ўзим бутун бир оломонга мушт кўтара олсам...»

Назирқулнинг қалбида кўтарилган тўфон вужудидаги ўчиш олдида турган учқун бетидан кулни супуриб кетди. Бу учқун соф нур билан милтиради. Бироқ бу ожиз учқун жинойт, хиёнат доғлари билан карахт бўлган вужудни ёритишга энди қодир эмас эди.

19

Низомиддинов эндигина ечиниб кўрпага кирган ҳам эдики, кимдир зарб билан деразани ура бошлади.

— Афандим! Афандим!

Низомиддинов шошиб ўрнидан турди. Чироқнинг пилигини кўтариб, деразадан кўчага қаради.

— Афандим! Мени худо уриб қолди.

Бу «Чемберлин» чолнинг овози эди. Низомиддинов эшикни очди. Кийим-боши тупроққа беланган чол титраб-қақшаб ичкарига кирди.

— Нима гап? Тинчликми?

— Муаллима қизни чавоқлаб кетди!— чол гапиролмай ҳўнграб йиғлаб юборди.

Низомиддинов тунука чойнакда совуб қолган чойни пиёлага қуйиб унга тутди.

— Ким чавоқлади? Қачон? Қаерда?

— Қўприк олдида. Бир соатча бўлди.

— Бир соатча бўлди? Нега вақтлироқ хабар бермадингиз?

— Ярим соатдан бери сизни қидираман, афандим! Қаёқда эдингиз?

— Шу ерда эдим. Ҳеч қаёққа кетганим йўқ.

— Нақ деразангизни синдирай дедим-ку, тақиллатавериб.

— Қаттиқ ухлаб қолган эканман-да.

Чол бўлган воқиани бирма-бир айтиб берди.

— Кучим етмади. Қовуғимга тепмаганда пи-чоқ солишдан ҳам тоймас эдим. Орқасидан қорама-қора келдим. Сизнинг эшигингизни қоқди.

— А?!

— Шундоқ, афандим. Бировни чақирай деса-сам изини йўқотаман деб қўрқдим. Сизни ҳам бир худо асради. Уйда бўлсангиз чавоқлаб кетарди. Э худо, дейман ичимда, афандихон ишқилиб ҳужрада бўлмасин-да. Худога минг қатла шукур, йўқ экансиз. Девор паналаб Азим бойваччанинг йўлагига бориб турди-да, кейин Муса кўсанинг деворидан ошди. Оббо, Мусани нобуд қилади деб жони-поним чиқиб кетай, деди. Йўқ, қоплон уни олдига солиб қувиди. Югурганича эшони пирымнинг эшикларини қоқди. Мундан кейин орқамга қайтиб яна ҳужрангизга келдим. Роса деразангизни қоқдим. Уйғонмадингиз.

Низомиддинов унинг ҳикоясини жон ҳовучлаб тинглади. Охири ўсмоқчилаб:

— Ким бўлиши мумкин у аблах? — деди.

— Назаримда қадам олиши, турқи-таровати Назиркулга ўхшайди.

— Йўғе! Қўй оғзидан чўп олмаган бола-я! Янглишаётгандирсиз.

— Ким билади, афандим. Балки янглишаётгандирман. Қоронғи эди, аксига осмонда милт этган юлдуз кўринмасди. Башарасини кўролмадим.

Низомиддинов меҳрибонлик оҳангида гапира бошлади.

— Ҳали бу ишнинг ғалваси катта бўлади. Гапни билиб гапириш керак, ота! Бордию билиб-билмай шундоқ деб қўйсангиз бир бегуноҳ жувонмарг бўлиб кетади. Бунақа вақтда «билмадим»дан яхши гап йўқ. Билдим дедим тутилдим, билмадим дедим қутулдим. Гапни чўзмай танимадим деб қўя қолинг. Ўртоқ Бектемировга хабар қилдингизми?

— Йўғе, эсим қурсин.

— Сиз у кишини уйғотиб тулинг, орқангиздан етиб бораман. Гузарда учрашамиз.

Чол чиқиб кетаётганда Низомиддинов тўхтатди.

— Бўтабой қаёқда?

— Билмадим!

— Шу одам Бўта эмасмикин? Бир гап юрган эди, Саломатни Бўтабой йўқ қилган, деган.

— Билмадим, болам. Бир қулоғимга кирган эдию, қайдам, одамнинг оласи ичида бўлади.

— Бир эслаб кўринг. Қалладорроқ одам эмасмиди?

— Унисини пайқамай қопман.

— Ҳа, майли, бораверинг.

Чол чиқиб кетди. Низомиддинов эркин нафас олди.

— Хайрият, довдираган чол пайқамай қопти. У шошилмай этигини кийди-да, эшикни қулфлаб йўл-йўлакай папиросни ўт олдириб гузарга келди.

Самовар ётган. Анҳорнинг гувиллаши, дарахт япроқларининг шитирлаши негадир Низомиддиновнинг танасини жимирлатди. Кўзига кафанга ўралган мурдалар кўриниб кетди. Узоқдан икки кишининг тез-тез юриб келаётган соясини кўриб сал дадиллашди. Бу Бектемиров билан чол эди.

Низомиддинов улар қаршисига чиқди. Бектемиров ҳеч нарса демади. Фақат, юринг, дедию кўприк томонга жадаллаб кетаверди.

Арава ҳали ҳам кўча ўртасида турарди. От одам шарпасини сезиб кишнади. Чол девор томонга югурди. Бектемиров гугурт чақиб ерда ётган гавдани ёритди. Саломатнинг кўкрагидан сизиб чиққан қон ожиз нурда йилтираб кетди. Низомиддинов мурдадан чўчимай эҳтиётлик билан кўтарди-да, арава ёнига олиб келди. Бектемиров чапдастлик билан аравага чиқазди. У мурдани ётқизаётганда, чол чопонини ечиб тўшаб берди-да, эгарга минмай отнинг жиловидан етаклади.

Ҳеч кимдан садо чиқмасди. Фақат арава фижирлар, филдиракдан шув-шув тупроқ тўкиларди.

Низомиддинов арава кетидан келаркан папирос чекмоқчи бўлиб чўнтагига қўл солаётганда, бармоқларига шилимшиқ нарса ёпишганини сизди.

Бу Саломатнинг қони эди. Низомиддиновнинг кўнгли беҳузур бўлиб сесканди.

Арава қишлоқ кўчасига кирганда адир орқасидан оппоқ пардадек бўлиб уфқ ёришиб келарди.

Низомиддинов бўй чўзиб аравадаги мурдага қаради. Атроф ёришиб қолганидан Саломатнинг юзини бемалол кўриш мумкин эди. Унинг сочлари тўзғиб, бир қошини беркитган. Кўкрагини чангаллаган қўлларидаги қон тупроққа аралашиб жигарга ўхшаб қуюлиб қолганди.

Низомиддинов ундан кўзини узмас, тупроққа томаётган Саломатнинг қонини қадам-бақадам босиб борарди.

* * *

Саломатни Зор қишлоқ четидаги Шохли мазорга дафн қилишди. Турсунбой ота кечаги тепкидан қаттиқ зарб еган экан, ётиб қолди. Унга муаллима қизнинг дафн маросимига қатнашган невараси ҳикоя қилиб берди.

— Бува-чи, бува, Низомиддинов ака мазорда ваъз айтдилар. Ваъз айтиб туриб йиғлаб юбордилар.

Чол хўрсиниб олди.

— Уша ўлган қиз қишлоғимиздан эмиш, оти Саломат экан. Эшоннинг уйида қарол бўлган деб айтишди, босмачилар опқочиб кетган экан-да! Нега опқочишган уни, а бува?

Чол болишдан ярим кўтарилиб неварасининг пешонасини силади.

— Босмачилар ёмон одамлар эди-да!

Чол ётган ерида бўлиб ўтган воқияларни эслай бошлади.

Қизни ўлдирган киши тўппа-тўғри Низомиддиновнинг уйига келди. Деразасини қоқди. Ундан кейин Азим бойваччаникига борди. Бойваччанинг далонида гугурт чақилди. Ундан кейин

у эшоннинг уйига борди. Назаримда у ичкарига кирдию, қайтиб чиқмади. Низомиддинов қаёқда эди? Деразасини уч марта қоқдим. Йўқ эди. Орадан ярим соатлар чамаси ўтгандан кейин қайтиб келсам, уйида!

Нима, Низомиддиновни ҳам ўлдирмоқчимиди?

Чол осмонга қараб, қошларини чимириб, соқолини тутамлади.

— Низомиддинов қаёқда эди?

Чол бу саволга жавоб тополмай кўзларини пирпиратиб ётган эди, невараси шоп мўйловли пакана бир кишини бошлаб кирди. Бу милиция терговчиси Розик Ҳайдаров эди.

— Ассалому алайкум, ота! Бардаммисиз. Энди кечирасиз-да, нотоблигингизда безовта қилганим учун.

Чол нималардир деб пичирлади.

— Қимирламанг. Икки оғизгина гап сўрайман холос.

— Ўзлари ким бўладилар, иним.

— Ҳукумат идорасидан, отахон. Кечаги воқиянинг қандай бўлганини бошдан-оёқ айтиб берсангиз.

Чолнинг хаёлидан Низомиддиновнинг кечаси айтган гапи йилт этиб ўтди. «Билдим дединг тутилдинг, бу ишнинг ғалваси катта бўлади».

Ҳайдаров папкасини очиб кўкрак чўптагидан ҳафсала билан тарашланган қаламини олди.

— Иним, нима ҳам дейман. Ўзим қўл учида кун кўриб юрган бечора одамман. Қамаб қўйсанглар жўжаларимга жавр қиласизлар.

— Айбингиз бўлмаса нега қамар эканмиз. Фақат шу ишнинг қандоқ бўлганини айтиб берсангиз бўлди. Идорага чақиртирмоқчи эдик, но-

тоблигингизни эшитиб, ўзим келдим. Қани айтинг!

— Гапни нимадан бошласам. Шу, ҳали бир хўроз чақиргани йўқ эди, мен хиргойи қилиб келяпман. Меҳмон қиз аравада. «Чигит боши» даги кўприк олдига келганимизда, олдимиздан бир одамнинг қораси келаверди. Қоронғи эди. Менинг ёқамга ёпишдию эгардан тортиб туширди. Орқамга иккини тепиб ўн-ўн беш қадам нарига обориб қўйди. Орқадан меҳмон қизнинг хириллаганини эшитдим. Югуриб борсам, лаънати олдимга ёмон тепди. Йиқилиб қопман. Шу, қорнимни чангаллаганимча қорама-қора орқасидан югурдим.

Чол шу ерга етганда ҳикоясини тўхтатди. Низомиддинов унга бўлган воқиянинг ҳаммасини айтма, менинг уйимга келганини ҳам гапириб ўтирма, деган эди. Энди у гапидан адашди, ортидан қувдим деб қўйиб энди нимани гапиради.

— Бўлгани шу иним.

— Қаергача қувиб бордингиз, ота? — деди Ҳайдаров чолнинг гапларини тез-тез ёзиб борар экан.

— Афандим барини гапириб ўтирма, деган эдилар, айтсам нега ундоқ қилдинг, нега измимдан чиқдинг, демасмикинлар?

Ҳайдаров шошиб сўради.

— Афандингиз ким?

— Низомиддинуп-да. Ўзлари жуда яхши одамлар. У кишига кўп ишимиз тушган. Мана шу Азим бойваччанинг отаси олти йил ишлаб бод бўлиб қоғанимдан кейин ҳақимни бермаган. Устидан Ҳоким тўрага арз қилиб борганимда шу Низомиддинуп бечора Ҳоким тўра билан тиллашиб берган. Ўша пайтда у тўранинг

тилмочи экан-да. Худо ярлақаган одам экан, ҳали ҳам яхши ишларнинг бошида юрипти.

Ҳайдаров ҳозир чолнинг гапларини эшита-ётибдигина эмас, шимираётгандек эди. Чол сод-далиқ қилиб ўзи фарқиға бормаган жуда катта чигал бир ишнинг учини топиб берган эди. Мах-симнинг кечаги гаплари Ҳайдаровнинг хаёлиға келди. У отасининг китоблари Низомиддинов-нинг қўлиға тушиб қолгани ва у отасининг ил-гариги хўжайиниға сал-пал ўхшаб кетишини айтган эди. Ҳозир терговчи икки тасодифий фактни бир-бириға солиштириб, Низомиддинов-нинг ҳар қалай шубҳали одам эканлиғиға ишонди. Уни кузатиш, жуда тезлик билан қў-шимча далиллар топиш кераклигини ўйлади.

Ҳайдаров бу чолға ўзининг ҳукумат одами — ГПУ одами эканлигини шипшитиб қўйиш учун ўзида бирон нишона тополмагач, тўнининг ёқа-сини кўтариб кўкрагидаги «Молр» значогини кўрсатди.

— Ота, мен ГПУ одамиман. Низомиддинов айтма деган гапни менга айтаверсангиз бў-лади.

— Майли,— деди чол рози бўлиб,— айт де-сангиз айтавераман. Уша меҳмон қизни чавоқ-лаган кишининг орқасидан қорама-қора кела-вердим. У тўппа-тўғри Низомиддинупни уйиға келди. Деразасини қоқди. Ичкаридан жавоб бўлмагандан кейин чакалакдан ўтиб Азимники-ға борди.

— Қайси Азим?

— Отаси ҳақимни еб кетган шу Азим бой-вачча-да, шу денг, у ҳам уйида йўқ экан, хоти-ни бирнима деб муомала қилган эди, Мусанинг деворидан ошди.

— Қайси Муса?

— Биргад Муса кўса-да, танайсизми уни? Мусанинг қоплони вовиллаб уни олдиға солиб қувиди. Тирақайлаб қочиб эшон поччамнинг уйларига борди. Шатда изини йўқотдим. Низомиддинуни хабардор қилиб қўяй десам, уйларида йўқ эканлар, яна қидириб кетдим. Ҳо, икки хўроз ургандан кейин яна келдим, уйларида эканлар. Бўган гапни айтиб бердим. Обдан қулоқ солдилар. Гап шу иним.

— Низомиддинов шу гапни айтма деганмиди?

— Ҳа-да, менинг уйимга келганингни бировга айтмай қўя қол,— дедилар. Айтганча, ўша одамни Назирқулга ўхшатдим деганимда, билиб-билмай шундоқ деб қўйиб, бир камбағални жувонмарг қилиб қўймайсизми ҳали, деб қўйиб бердилар. У кишига бирон кори-ҳол бўлмайдими ишқилиб? Дуруст одам, гап-мап тегмаса бўлгани. Ҳар қалай мени қўлларида келганча иззат қилиб юрадилар. «Чемберли» дейдилар, мени. Қайдам, бу нима деганлари.

Чол қайнатасининг нима касал билан ўлганидан тортиб Низомиддинов эчкисига «Чемберлин» деб от қўйиб берганигача айтиб берди.

— Бояқишнинг шу кунда тоби қочиб юрипти. Нозик одам-да. Унинг устига бечора хотиндан куйган. Оқсоқол номардлик қилиб, қизини ундан чиқазиб эшонга бериб юборган.

Ҳайдаров учун чолнинг ҳар бир гапи янги-янги ҳужжат вазифасини ўтарди. Шунинг учун у бирон оғиз ҳам сўзни тушириб қолдиришдан қўрқиб, бор эпчиллигини ишлатиб ёзарди.

— Қайси эшонга?— деди у хатдан бош кўтариб.

— Пиримга-да. Ўзимизнинг эшон поччага. Эшон поччамнинг хотини. Эшон ая Низомиддинунинг аёли эди-да. Бўта тегишмоқчи бўганди-ку. Нонкўрни қиган ишини қаранг-а, шундоқ таваррук одамга шилқимлик қиласанми, аҳмоқ!

Турсунбой ота башарасини бужмайтириб ингради.

— Оғрияптими, ота?— деди чолга имзо чектириш учун унинг бармоғига бинафша ранг қаламни ҳўллаб сурар экан Ҳайдаров.

— Ёмон оғрияпти, болам. Шу бир бало бўлиб ўлиб-нетиб қолмай-да. Хотин у ёқда касал, жўжаларнинг ҳоли нима кечади.

— Қўрқманг, ота! Докторга олиб бориб боқизамиз. Бир ҳафтада кўрмагандек бўлиб кетасиз.

— Ишқилиб муродингизга етинг. иним. Эл-юртнинг юзига қандоқ қарайман энди, бир бечора бегуноҳ ўлиб кетди; Низомиддинуп хижолат, мен хижолат, э, худо, қандоқ кунга қолдим-а!

Ҳайдаров деразадан қараб ҳовлида болта билан тўқ-тўқ ўтин ёраётган болани чақирди.

— Идорага бориб Бектемировга айт, извош юборсин. Докторхонага олиб кетишармиш деб айт! Югур! —

Бола болтани ташлаб чиқиб кетди. Ҳайдаров ичидан боғлоғлиқ қалин камарига папкани қистириб, тўнининг олдини яхшилаб беркитди-да қийғини сириб боғлади. У уй ичида у ёқдан-бу ёққа юриб чолдан эшитган гаплар ҳақида ўйларди.



— Тилмоч, оқсоқолнинг куёви. Эшон аянинг эри. Қотил келиб унинг эшигини қоқди. У уйда йўқ...

Ҳайдаровнинг кўзлари равшанлашиб кетди. У Чека, ГПУ органларида шунча ишлаб бунақа нақд материални сира қўлга туширмаган эди. У ўйлар эди.

— Ишнинг қизиғи энди келади. Чол тўғри айтяптими? Ё довдираяптими? Ҳужжатлар билан исботлаш керак.

Чол ингради. Ҳайдаров энгашиб унинг устидан сирғалиб тушиб кетган чопонни тўғрилаб қўйди.

* * *

Бўтабой кеча Қаландаровга учрашгани районга тушиб кетган эди. Қаландаров у билан икки соатдан ортиқ суҳбат қилди. Улар кабинетда ўтириб бирга партизанлик қилган йилларини эслашди. Қаландаров у пайтларда партизан отрядининг комиссари, Бўтабой эса Холхўжа қароргоҳидан унинг қорабайирини миниб қочгандан кейин партизанларга қўшилган эди.

Ислоҳот йиллари Қаландаров Окружкомнинг Кумушсой, Қорабулоқ, Зор қишлоқдаги вакили бўлиб ишлади. Ўша йиллари у Бўтабойни яна ҳам яхшироқ таниди. Бўтабой Саид Жалолхон эшоннинг яширган ерларини, Азим бойваччанинг йигирма беш таноб шоликорлигини, ўттиз таноб пахта экадиган ерини ўзи бош бўлиб чорикорларга бўлиб берган, унинг ўша пайтлардаги хизматлари учун Марказий Ижроком ёзма ташаккурнома-эълон қилган эди. У ўша йил-

лардаёқ партияга кирган, Қаландаровнинг ўзи унга кафолат берган эди.

— Шунақа дегин, Чиноғим, — деди Қаландаров, — шунча ишларни қўйил қилган Бўтачиноқ битта эшон аянинг туҳмати билан чилпарчин бўлиб ўтирса-я. Нима қилай, райком номидан Бўта ундоқ эмас, бундоқ деб қоғоз қилиб берайми? Нима деб келдинг? Мени туҳматдан қутқаринглар, деб келдингми! Айб бўлади. Киши ўзини оқлай билиши керак. Хўш, сенинг тўғри, инсофли, виждонли бола эканлигингни партия билади. Шу кунларда ҳар бир партия ходимиға туҳмат бўлиши, уни эл олдида бебурд қилиш учун хилма-хил уйдирмалар бўлиши турган гап. Бизнинг вазифамиз ўзимизни иғводан сақлашгина эмас, иғвогарларни фош қилиш, кенг афкор омма ўртасида шу иғвогарларнинг найрангларига учмасликни ташвиқ қилиш, партия томонидан олдимизга қўйилган катта-катта вазифаларни оғишмай амалга оширишдан иборат. Сен нима қиляпсан? Арзимаган бир иғводан гангиб, қуролингни ташладинг. Ўзингники бир бемаъни хотиннинг қўғирчоғи қилиб қўйибсан, биз нима қилардик? Туноҳим йўқ, айбсизман деб кўкракка урган билан иш чиқмайди. Гражданлар уруши йиллари босмачиларга қарши курашганимизда кўпроқ милтиқ — асосий қуролларимиздан бири эди. У йиллар ўтди. Эндиги қуролимиз ақл, виждон, идрок ва оташин тарғиботдир. Саводингни чиқаз! Илм-сиз мамлакатда социализм қуриб бўлмайди. Ахир биз сен билан социализм қурмоқчимиз. Янги илм нуридан баҳраманд бўлган ёш бўсин етишиб чиқмоқда. Улар биз билмаган, моҳиятига етмаган нарсаларни ўрганишяпти. Би-

либ қўй, саводингни чиқазмас экансан, эртанги одамларнинг гапига ҳам тушунмайдиган гумроҳ бўлиб қоласан. Ўқиш ва ёзишни билишгина саводли бўлиш эмас. Ўқишга кетасан. Модомики, сен ўзингни мудофаа қилолмабсанми, энди бу ишни тегишли идоралар ҳал қилади.

— Ўқишга дейсизми?— деди паст овоз билан Бўтабой.— Майли ўртоқ Қаландаров, юборинг! Колхозга раис бўлдим, демак ҳар иш қўлимдан келар экан, деб ўйлабман.

— Қўлингдан кўп иш келарди. Кўп ишлар қилгансан ҳам. Лекин эндиги ишга нўноқлик қиялсан. Сен очиқ душман билан олишиб зўр келгансан, яширин душман билан олишишга илм керак, билдингми. Бундан буёқ илмсиз одамнинг қўлидан иш келмайдиган бўлиб қолади. Ўқийсан, сендан умидларимиз катта. Колхоз коммунистларининг ҳам фикри шу. Зор қишлоқ активлари сенга катта ишонч билдириб, ўқишга юборишимизни сўрашди. Ҳали сен билан биз партияга кўп хизмат қилишимиз керак.

— Раҳмат, ўртоқ Қаландаров. Жуда бошим гангиб қолган эди. Энди ўзимни-ўзим тушундим. Ҳақ гап айтдингиз.

Қаландаров соатига қараб ўрнидан турди.

— Хайр бўлмаса. Келиб тур. Бундан буёқ арз билан эмас, жиддийроқ, ўзинг биласан-ку, маслаҳатли иш билан кел! Ҳозир иккинчи секретарь олдига кир. Тайинлаб қўйганман. Қаерга, қанақа мактабга юборишни айтади.

Бўтабой у билан хайрлашиб чиққач, жуда енгил тортди. Иккинчи секретарь кабинетида тўрт йигит ва уч аёл ўтирар эди.

— Ўртоқ Қаландаровнинг олдиларида бўл-
дингизми?— деди секретарь.— Мана, тани-
шинглар. Бу ўртоқлар ҳам Фарғонага ўқишга
боришади. Олти ойлик колхоз раҳбарлари мала-
касини ошириш курси. Ўқиш ўн бешинчидан
бошланади.

Секретарь тортмадан бир даста китоб
олиб ўтирганларга улашди. Яхшилаб ўқиб
тайёрланинглар. Кетадиган кунингларни яна
алоҳида хабар қиламиз. Эртага ҳужжатларни
расмийлаштиргани келинглар.

Улар райкомдан чиқишганда, вақт аллама-
ҳал бўлиб қолган эди, Кумушсой колхозининг
котиби — ёшгина қорача йигитни Бўтабой ях-
ши танир эди, иккови маслаҳатлашиб деҳқон-
лар уйида ётиб қоладиган бўлишди.

Эртаси Бўтабой анкета тўлдириш, таржи-
маи ҳолини ёзиш билан овора бўлди. Кўча-
нинг чап бетигаги тахта айвончага жойлашган
фоточининг дўконига бориб суратга тушди. То
у билагига қора энглик кийиб суратни тайёр-
лаб бергунча Бўтабой девордаги қозиққа
илинган, кўкрагига қатор ўқ қадалган, белига
ханжар осилган кавказча бешмет ва папақни,
ғилдирагига «Привет из Ходжаабада» деб
ёзилган фанер автомобилни, катта чодирга
мойли бўёқ билан ишланган тоғ ва ғозлар су-
зиб юрган кўл манзарасини, кичикроқ чодирга
ишланган, от устида қўлига наган ушлаб тур-
ган, калласининг ўрни тешик одам суратини
томоша қила бошлади. Худди картадаги сол-
дат суратига ўхшаш бирининг боши юқорига,
яна бирининг боши пастга қараб кўчирилган
хўл суратни фоточи бир парча газет қоғозга
найча қилиб ўраб бергач, Бўтабой яна рай-

комга келди. Хужжатларни топшириб, ўзида йўқ шодлик билан пиёда Зор қишлоққа жўнади. У Зор қишлоққа кеч соат бешларда етиб келди. Гузардаги самоварда битта чой чақириб энди пиёлага қуяётган ҳам эдики, самоварчи бола кечаси бўлган воқияни, ўлган муаллим қиз эшоннинг чўриси Саломат эканлигини ва уни бугун соат учда шохли мазорга тантана билан кўмишганини айтди.

Бўта анграйганича нима қилишини билмай қолди. Самоварчи бола унинг юзига қараб қўриқиб кетди.

— Сизга нима бўлди, Бўта ака!

Бўтабойнинг ранги қум оқарган, бир кўзи тинимсиз пирпираб эди.

— Ким экан дединг?

— Саломат деган қиз бор экан-ку, босмачилар олиб қочган...

— Ким ўлдирипти!

— Ҳеч ким билмайди. Турсунбой отани извошда дўхтурхонага олиб кетишди. Уни ҳам майиб қипти.

Бўтабой ўрнидан турди. Икки қўлини мушт қилиб тишларини қичирлатди. Чой, чойлигича қолиб қабристонга қараб югурди.

Қабристонда ҳеч ким йўқ. У шахт юриб қабрлар оралаб кетди, девор тагида гувала қуяётган гўрковдан бугун кўмилган қизнинг қабри қаердалигини сўради. Гўрков чинор тагини кўрсатди.

Бўтабой янгигина тупроқ тортилган қабр тепасига келганда, кўнгли алланечук бўлиб ичидан кучли хўрсиниш чиқди. Дармонсизланиб тиззалаб ўтириб қолди.

Унинг юраги йиғларди.

Шу қабр остида унинг илк муҳаббати, йигитлик йиллари қалбини ўртаган, неча-неча ойдинли кечанинг сирли қўйнида милтираган юлдузлар кўзига термулиб аҳду паймон қилган, содда қишлоқ боласининг қалбига ўт ташлаб оромини ўғирлаган қиз ётарди. Бўтабой яқин саккиз йилдирки, уни йўқотиб фақат хаёли билан яшади. Айрилиқ — жудолик йиллари бу қиз аввалгидан ҳам яқинроқ, севимлироқ бўлиб қолган эди унга.

Балки у бу ерларга Бўтабойни излаб келгандир. Қани энди у бир нафас қабрдан бош кўтарса, аввалгидек жовдираб турган қора кўзлари билан унга боқса...

Бўтабой пешонасига муштлаб, ёш боладек ўкириб йиғлаб юборди. Бирдан сапчиб ўрнида турди-ю, ҳеч қаёққа қарамай қабристон дарвозасига томон югурди. Кўчага чиқди. Йўлда учраган одамларга ҳам парво қилмай, ҳамон югурарди.

Идора олдида ким биландир гаплашиб турган Бектемиров унинг важоҳатидан чўчиди. Бўтабой кетаётган томонга анграйиб қараб турди-да, тўдалашиб турган кишиларга «тўхтатинглар!» деб ишора қилди.

Бўтабой тўппа-тўғри бориб эшоннинг эшигини итарди. Эшик ичидан берк эди. Бўтабой жон ҳолатда эшик тавақасини тепа бошлади. Эшикнинг зулфини узилиб икки тавақаси ланг очилиб кетди.

Ичкарида Низомиддинов Эшон ая билан чой ичиб ўтирар эди. У эшикнинг бесаранжом тақиллашидан кўрқиб ичкарига, эшоннинг таҳоратхонасига яширинди. Бўтабой уйга кирди. Эшон ая кўрққанидан дағ-дағ титрар эди.

Бўтабой унинг ёқасидан бўғиб ҳовлига олиб чиқди. Хотин дод солди. Бўта ҳамон унинг ёқасини бўшатмас, зўр бериб силкитар эди. Охири хотиннинг овози чиқмай қолди. Бўта шу алпозда уни судраб кўчага олиб чиқди. Одам тўпланди. Муса кўса уларни ажратиб қўйди. Бўта ғазабидан кўкариб сўкинарди.

— Нима ҳусуматинг бор эди менда, гар! Нега тухмат қилдинг. Саломатни сен ўлдиргансан. Манжалақи!

Хотин дод устига дод солди.

— Вой бу қанақа тухмат. Жинни бўлиб қопти бу Чиноқ ўлгур!

Муса кўса гапга аралашди.

— Кўп шовқин солма! Эй, қанақа шаллақи хотинсан, ўзинг.— Муса кўса Бўтага ўгирилди.— Эсинг жойидами раис, бор, ишингни қил! Сизларга нима бор!— энди у атрофни ўраган одамларга ўдағайлади,— текин томоша топилди-да, а?

20

Терговчи Розик Ҳайдаров Турсунбой отани извошда район касалхонасига олиб келди. Шу кун кечлатиб милиция бўлимининг бошлиғига бўлиб ўтган воқияни бирма-бир сўзлаб берди.

— Энди, ўртоқ начайлик, икки кунгина Андижонга бориб келсам нима дейсиз?

— Нима қиласан, Андижонда?— сўради ажабланиб милиция бошлиғи.

— Чолнинг гапи қанчалик тўғри ё нотўғрилигини суриштириб келаман. Бобойлар танишса керак ахир.

— Ундай бўлса суратини ҳам ола кет!

Ҳайдаров милиция идорасидан чиқиб, от билан Андижонга жўнади. У шаҳарга етиб келганда соат ўнлар чамаси эди. Цемент кўрикка етганда отни эски шаҳар томонга бурди.

Ҳайдаров яқин бир йилдирки шаҳарга тушмаган эди. Унинг назарида Андижонда катта ўзгаришлар бўлганга ўхшайди. Кўчалар озода. Тош йўлда у ёқдан-бу ёққа ўтиб турган извошларнинг фонари, кўча четларидаги супаларда олдига фонус қўйиб гурунглашаётган чоллар, эшик олдиларида бир-бирини қувлаб ўйнаётган болалар кўзига жуда ғалати кўришиб кетди.

У узум бозордаги чойхона олдида отдан тушиб, самоварчидан Миразиз милицияни сўради.

— Ҳозир битта чой ичдилар-у чиқиб кетдилар. Чоғимда бугун Сойгузарда жужур бўлсалар керак.

Ҳайдаров отнинг жиловидан тутиб пиёда Сойгузар томонга қараб кетди.

Миразиз милиция шу ерда эди. У серҳаракат, секин гапирса ҳам худди буйруқ бераётгандек, ҳафсала билан бураб қўйилган мўйлови ўзига унча ярашиб тушмаган новча бир киши эди. У ўз касбига ниҳоятда бино қўйган. Ўзи ўлгудек ҳовлиқма, лофчиларнинг таърифича, чой ичаётганда ҳам лабининг бир четидан чурилдоқ ҳуштаги қистириғлиқ турар эмиш. Маҳалла қоровуллари ундан зир-зир титрашади. У эрталаб кўчага сув сепмаган, супурмаган қоровулнинг додини беради. Миразиз милиция шаҳардаги аҳолининг саккиз ёшидан саксон ёшигача танийди.

Самоварда олдига чой қўйиб, дутор чертиб ўтирган Миразиз уни узоқдан кўриши биланок таниди.

— Ким у, бемахалда юрган?

— Ошна!— деди кулиб Ҳайдаров.

Иккови қуюқ кўришишди.

— Бахайр, биз томонларга сени қайси шамол учирди?

— Бир шамоллаб келай дедим-да.

Миразиз милиция дутор қулоғини бураб созни бўшатди, уни деворга суяб қўйиб чой хўплади.

— Ямоқ билан сени тез-тез йўқлаб турамиз, бу олифта қайси гўрга гумдон бўлди, деб.

— Абдукарим ака яхши юрибдими?

— Абдукарим ямоққа жин ҳам ургани йўқ. Ҳали ҳам ўша-ўша. Органдан бўшаган, чап қўли яхши ишламайди. Аммо ямоққа қойилман. Қўли очиқ одам. Шоиру, артисту, жамики соз аҳли унинг жони. Ҳаммаси билан ошна. Тошкентдан келадиган ёзувчилар тўппа-тўғри унинг дўконига тушади.

— Қанақа дўкон?— қизиқиб сўради Ҳайдаров.

— Толзорда самовар қўяди.

— Шошманг, Миразиз ака, чойни ўша ерда ичмаймизми? Гаплашадиган гап ҳам бор эди.

— Майли ука, постга соат ўн иккида бораман. Вақт етади. Юр, кетдик бўлмаса.

Толзордаги тепаси бўйра билан ёпилган ёзлик чойхонада одам унча кўп эмас эди. Ёши элликларга бориб қолган, ияклари ялтироқ, бўйни чандиқ кўсанамо бир киши сочиқ билан каттакон самоварни артиб турар эди.

— Ҳа, ямоқ, «сариқ сигир»ни қашлаб қопсан?

— Ия, ия,— деди шюшиб Абдукарим ямоқ уларни кўриб — Розик олифтами бу?

— Худди ўзи-да,— деди Миразиз.

Эски қадрдонлар жуда қуюқ сўрашишди. Абдукарим уларни сўри устига тўшалган янгигина сурасинка¹ наमतга ўтқазди.

— Зап кепсан-да, ошна,— деди Абдукарим Розикқа тикилиб — ўзгармабсан олифта. Ишларинг қалай?

— Ишлар жойида ошнам. Атайлаб сизларни излаб келдим.

— Зап иш қипсан-да.

— Сизлардан сўраб оладиган гапим. бор. Оқсоқолнинг куёвини танирмидинглар?

— Қайси оқсоқол? Андижонда ким кўп, оқсоқол кўп эди.

— Ҳоким тўрага тилмоч бўлган экан-ку.

— Э, ҳа,— деди Миразиз — Раҳматулла оқсоқолнинг куёвиними? Кўрганман. Хотинини қиморга бой берган-да!

— Нима эди? Занғарни Шарт доводда кўчки босиб қолган-ку, Холхўжа билан Қашқарга қочаётганда. Нима эди?

Розик «Кўчки босиб қолган» деган гапни эшитганда, у бошқа одам экан, Турсунбой ота янглишибди, деб дилидан ўтказди.

— Ўзим шундай, сўрадим-қўйдим-да,— деди Розик ҳафсаласи пир бўлиб,— қизи талоқнинг исми нима эди, билмайсизларми? —

Абдукарим ямоқ ўйланиб қолди.

¹ С у р а с и н к а — русча «с рисункой» деган сўзнинг бузиб айтилгани.

— Йўқ, исмини билмас эканман. Тилмоч дейишарди-ю, аммо асли оти паққос ёдимдан чиқибди. Жуда шум одам эди, ҳароми. Оқсоқолни ҳам ўтдай куйдирган у. Соё бўйида оқсоқолнинг заводи бор эди, шайтонлик қилиб заводни нотариусдан ўз отига ўтқизвоган экан, оқсоқол қизини чиқазиб олиб, аллақайси эшонга назир қилиб юборди-ю, аммо заводни ололмади, жаҳл устида заводга ўт қўйган, ҳумпар оқсоқол.

Абдукарим ямоқнинг гаплари Ҳайдаров учун қанчалик янгилик бўлмасин, аммо Низомиддиновга сира алоқаси йўқдек кўринарди.

— Айтадиган гапинг шуми?—деди Миразиз.

— Шу, шу одамнинг исмини билишим керак. Атайлаб шу масалада келганман.

Гапга Абдукарим аралашди.

— Бобойлардан сўраш керак.

Абдукарим кўзини юмиб, патнус чертиб тебранаркан, нима ҳақидадир ўйларди.

— Менга қара, олифта,—деди Абдукарим дуторни тиззасига қўйиб,—агар тилмочнинг исми-шарифини билмоқчи бўлсанг, нотариусга бор. Инқилобдан олдинги «темир дафтар»ни кўр. Соё бўйидаги завод кимнинг номида бўлса, ўша одам тилмоч бўлади. Нотариус эртага соат тўққизда очилади. Бу кеча ямоқ билан гурпанглашиб ёт. Ҳозирча хайр ошна, постга боришим керак. Агар зарур гапинг чиқиб қолса, банкага бор. Ўша ерда жужурман.

Миразиз кетди. Абдукарим ишини шогирд болага топшириб Ҳайдаров билан хужрага қайтди. Унинг хужраси мисгарлик растаси ёнидаги тор кўчада эди.

Йўл юриб чарчаган Розик кўрпага кирдию уйқуга кетди. У эрталаб шаҳар нотариал конторасига борди. Нотариус йўқ. Асакага кетган экан. У иши юришмай яна хужрага қайтди. Ямоқ ошнинг гуручини солмай, уни кутиб ўтирган эди.

Ҳайдаров Андижонга келиш сабабини унга бирма-бир айтиб берди.

— Шундоқ демайсанми? Кўрсам танийман. Олиб кет мени, узоқдан бир қарайману ё ҳа, ё йўқ дейман, вассалом. Агар хоҳласанг, бир одам бор, рўпара қилиб қўяман. Ўзи артист. Оти Қодиржон. Извошчилар артелининг раиси Эргашвой Зулуновнинг укаси-да. Шу йигит тилмочнинг заводида рабочий бўлиб ишлаган. Ҳозир чақириб келаман.

Ямоқ ошга гуруч солиб, ўзинг дамлаб тур, деб тайинлади-да, яланг оёқ югуриб чиқиб кетди.

Розик ошни дамлаб қумғонга сув тўлдириб ўчоқ олдига тортилган чўғ устига қўйди. Қумғон вақирлаб қайнаганда ямоқ баланд бўйли, янгигина чуст дўппи, қора шинелдан бузиб тикилган камзул кийган бир йигитни бошлаб кирди.

— Гапинг тўғри чиқди. Оти Фиёсиддин экан.

Розик йигит билан салом-алик қилишни ҳам унутиб, шошиб ён чўнтагидан бир даста қоғоз олди. Қоғозларни титиб, ичидан бир сурат чиқазди-ю, йигитга узатди.

— Шу одамни танийсизми, ўртоқ?

Қодиржон суратга тикилиб қарагач, танийман, деб бош ирғади.

— Шу Фиёсиддин тилмочнинг ўзи!

— Раҳмат, ошна. Катта раҳмат!

— Лекин бу суратнинг бир шубҳали жойи бор. Тилмоч мен кўрганда йигирма беш ёшларда эди, кўчки тагида қолиб ўлганда тахминан ўттиз ёшларда бўлса керак. Бу одам сал қариоқ эмасми?

Ҳайдаров кўрсатган сурат Низомиддиновнинг бундан икки йил аввал паспорт учун олдирган сурати эди. Уни Қодиржон ўлиб кетган деб гумон қилгани учун янглишганмиканман деб ўйлаётган эди.

— Ҳозир кўрсангиз таниёласизми?

— Албатта танисам керак, деб ўйлайман.

Ош устига Миразиз милиция ҳам етиб келди.

— Олифта, яримтага эрийдиган бўлдинг. Мушкулингни осон қилдим. Кечаси олдингдан кетганимдан кейин постда турсам, начальник чақиртирибди. Бир иши бор экан, сенинг келганингни айтдим. Озроқ сендан гина қилди ҳам. Опер¹нинг олдига кириб, тилмоч ҳақида гап айлантириб кўрдим. Пулат сандиқни очиб бир сурат кўрсатди. Қарасам тилмочнинг сурати экан, папақ кийган бир одам билан тушган сурати экан, ким у, деб сўрасам, айтмади. Кейин Розик олифта, жаҳлинг чиқмасин, олифтасини қўшмай, Розик Ҳайдаров шу масалада кепти, деб айтган эдим, келсин, суратдан бир нусха кўчиртириб қўяман, деб айтди.

Розик шошиб қолганидан оғзидаги ошни иссиқ ютиб юбориб энтикди. Ош-ошлигича қолиб, қайтишда кираман деди-ю, югуриб чиқиб кетди.

¹ О п е р — оператив ходим.

Оператив ходим суратдан бир нусха кўчиртириб қўйган экан, Розик ҳали қуримаган ҳўн суратни қўлига олиб тиқилиб қолди.

— Манави папақ кийгани ким бўлди?

— Буми, бу Тавфиқ афанди деган турк офицери, тилмочнинг устози бўлади. Ушда яраланиб ўлган. Тилмочни кўчки тагида қолиб ўлган деган гаплар бор. Бу тахмин холос.

— Тилмочнинг фамилияси аниқми?— деди қизиқиб Ҳайдаров.

— Ҳа, Ғиёсиддин Низомиддин ўғли. Холхўжанинг айгоқчиси бўлган.

Ҳайдаровнинг миясида тугун бўлиб ётган чигал бирдан ёзилиб кетди. Энди унга ҳамма нарса равшан бўлди. Суратни ёнига солиб чиқиб кетаётган эди, оператив ходим тўхтатди.

— Суратга тилхат ёзиш керак, оғайни.

Ҳайдаров хотиржам ўтириб тилхат ёза бошлади.

21

Низомиддинов тамоман хотиржам эди. Уни таҳликага солган Саломат орадан кўтариб ташланди. Лақма Назирқул ўз жонини таҳликага солиб унинг истакларини рўёбга чиқарди. Бу кеча Азим бойвачча ҳам Қашқар йўлига от солади.

Низомиддиновнинг ўтмишига шоҳид биргина Эшон ая қолди, холос. У энди шу ҳақда фикр юрита бошлади.

Низомиддинов Саломат дафн қилинган қабристондан бировга аралашмай якка қайтиб келаркан, йўл-йўлакай турк шоирларидан бирининг шеърини димоғида хиргойи қиларди.

Гўзларин, гўзларин санин гўзларин
Қалбими ёндиран гунаш юзларин.
Эсларам, эсларам айтган сўзларин
На ўлди чақнамас энди гўзларин.

Бу қўшиқ унга Тошкентда русско-туземний мактабида ўқиб юрган йилларини, ҳар жума Тавфиқ афандининг Шайхантахурдаги хужрасида ўтказиладиган ўтиришларни эслатиб қўйди.

Тавфиқ афанди мош ранг мовутдан тикилган ҳарбий форма кийиб юрарди. Унинг қоракўл папағида яримой ва олти қиррали юлдуз тамғаси бўларди. У бриллиант кўзли узук тақилган бармоғини кўксига қадаб, ҳамиша бир гапни такрор қиларди.

— Бу гўзал турон банимдир. Эй, турк ўғли санин ўдли боқишларин хара гетмиш?

Кейин у кўзларини юмиб, бошини сарак-сарак қилиб куйларди:

Шабий ҳижрон ёнар жоним,
Тўкар қон чашми гирёним...

Низомиддинов тахсилни тугатгач, Андижонга келди. Тавфиқ афандини шундан кейин учратмади. Мактабдошларининг гапига қараганда у Қўқон мухторияти тўполонида ўққа учган эмиш. Йўқ, бу гап ёлғон чиқди. Иккинчидан кейин Искобилдаги бошланғич мактабда табиёт ва кимё илмларидан муаллимлик қилиб, талабаларга «хомузи-қарбун»ни тушувтириб юрди. Ўша кезларда бутун Фарғона водийсини даҳшатга солган босмачилар ҳаракати авж олиб кетган эди. Тавфиқ афанди Мадаминбекка қуллуқ қилиб, Марғилондан

Тошлоққа пиёда сафар қилди. Саводли, оқи-
қорани таниган, ҳарб илмига истеъдодли Тав-
фиқ афандини Мадамин очиқ юз билан кутиб
олди. Мадаминбек Совет ҳукумати билан
ярашиш, ўз қўшинини Қизил Армия билан
бирлаштириш ниятини яширин ҳарбий кенгаш-
да баён қилганини Тавфиқ афанди унинг қон
душмани Холхўжага етказди. Ўша пайтларда
Холхўжа билан Кўршермат бамаслаҳат иш
олиб борар, сотқинлик йўлига ўтган Мадамин-
дан ўч олиш учун қулай пайтни кутишарди.
Бу қулайликни уларга Тавфиқ афанди туғди-
риб берди. Холхўжа кейинги босқинларида
Мадаминбекнинг найзага санчилган калласини
ғолиблик нишонаси ўлароқ кўк байроқ кети-
дан кўтариб юрадиган бўлди. Низомиддинов
ўша кезларда Холхўжанинг Андижондаги ай-
ғоқчиси эди. Ҳар ой унга Холхўжанинг югур-
даги қирқ минг сўмдан мояна келтириб берар-
ди¹. Пул олиб келган чопар Тавфиқ афанди-
нинг қўли билан ёзилиб, Холхўжа муҳр бос-
ган топшириқни ҳам бериб, Низомиддинов
тайёрлаб қўйган ахборотни олиб кетарди.

Холхўжа йигитлари парокандага учраб,
Аравонда бир кавакка сиқилиб қолди. У сўнг-
ги марта ҳарбий кенгаш чақирганда Низомид-
динов Андижондан Аравонга зидлик билан
етиб келди. Чодирда чақмоқ телпагини қоши-
гача тушириб пўстинга ўралиб ўтирган.
Холхўжа мис баркашда ланғиллаб турган
чўгга қўлларини тутиб нималарнидир ўйлар-
ди. Чодир четида Мадаминбекнинг найзага

¹ Ўша пайтда пулнинг курси тушиб кетган, бир си-
гирнинг нархи 50 минг сўмдан кам турмас эди.



нчилган калласи. гўё уни масхара қилаёт-
ндек афтини бужмайтириб турибди. Холхў-
а унга ғазабли нигоҳ билан узоқ боқиб тур-
да, пўстакда инграб ётган ярадор Тавфиқ
рандига юз ўгирди.

— Афандим, сен нима дейсан? Биз вақтин-
Қашқарга чекинмоққа қарор бердик.

Тавфиқ афанди пўстакдан ярим кўтарилиб
бошининг ғамгин юзига қаради.

Ислом туғи абадияндир!

Холхўжа унинг бу гапидан энсаси қотиб,
ҳл билан қўл силтади.

Бу кеча Холхўжа бемор Тавфиқ афандини
Низомиддинов ихтиёрига қолдириб, сафарга
ёқди.

Чодир ичида икки эски қадрдон қолди.
Биринчиси отишма овозлари эшитилиб турибди.
Иккинчиси қанинг орқасидан қувиб бораётган от-
отларининг туёқ товушлари ора-сира қу-
ққа чалиниб қоларди.

Баркашдаги чўғ сўнди. Қоронғи чодир ичи-
бемор тепасида тиз чўкиб турган Низомид-
диннинг ўйлар эди.

— Ҳаммаси битди. Бу ватансиз ватанпарвар
ит ҳам сўнгги нафасини олмоқда...

Низомиддинов вақтни бой бермай Андижон-
га қайтиш, бирон тирикчиликнинг пайига ту-
шиш ҳақида фикр юрита бошлади.

Тавфиқ афанди ингради. Низомиддинов гу-
лачақиб, унинг юзига тутди.

Тавфиқ афанди энгак ташлаган, Истамбул
ахоналаридан, қуёш нурига ғарқ бўлган
шовқин денгиз портларидан ва ниҳоят кўк
тап ўпишган ой тамғали миноралардан
асда, эски чодирнинг ўқ тешиб кетган йир-

тиғидан милтираб боқаётган юлдузларга термулиб куя еган пўстак устида кўз юмган эди.

Низомиддинов чодирдан чиқди. Эрта баҳорнинг илимилиқ шамоли адирлардаги қорларни ялаб тугатаёзган. Эртага ҳавонинг яхши бўлишидан дарак бериб ой атрофида хира пардадек гардиш айланарди.

Низомиддинов Андижонга қайтиб келганидан ўн уч кун ўтгач, Холхўжа йигитлари билан Шарт давонда кўчки тагида қолиб ҳалок бўлганини эшитди.

Ҳозир Низомиддинов колхоз идорасига келаркан, шу воқиаларни хаёлидан ўтказди. У сафарга кузатган кишиларнинг биронтаси ҳам ўз манзилига ета олмасди. Саид Жалолхон эшон бўриларга ем бўлди. Назирқул Чуғурчиқ дараларида сарсон, ким билади, бу кеча йўлга чиқадиган Азим бойвачча нима бўлди? Низомиддинов ўз умрини тақдирнинг аёвсиз панжасига ташлаёлмас эди. У ҳамиша, ҳаётинг битди, энди бошқа йўл йўқ, деб боши узра кўтарилган тақдир қиличига чап бериб келарди.

У ҳамиша бир нарса учун курашди. Йўқолган бойликни қайтариш, йиртилган кўк байроқни ямаб кўтариш умиди уни ҳамма вақт оёққа турғизарди. Охири у шунчаликка бордики, нечун курашаётганини, нечун ўз ҳаётини таҳлика остига солаётганини, нечун қон тўкаётганини ҳам билмай қолди.

У гўё мустаҳкам пахса деворга калла ураётган кўчқорга ўхшарди. Ҳар гал калла урганда, девордан фақат шўр тўкилардию, унинг боши бир неча кун зирқираб оғрирди. Шунга

қарамай, тарки одат амри маҳол дегандек у калла уришдан тийилмасди.

Нух пайғамбарнинг кемасини сичқон тешиб ғарқ қилганидек, Низомиддинов янги замонни сичқон бўлиб тешмоқчи, ҳалокатга йўлиқтирмоқчи бўларди.

Низомиддинов гузарга келганда, кечаги шоп мўйловли йигит Турсунбой отани извошда олиб кетаётган эди.

— Қаёққа олиб кетяпти уни! — деди Низомиддинов самоварчи болага.

— Отани ҳам майиб қилган экан номард. Докторга олиб кетишяпти.

Низомиддиновни совуқ тер босди. «Чол ўлгур алжиб қўймасмикин».

Извош то кўздан йўқолгунча тикилиб турди-да, бир фикрга келди шекилли, идора томонга юриб кетди.

Маҳсисини ямаб ўтирган қоровул райснинг идорада йўқлигини айтди.

— Ҳозир зинғиллаб бориб Қўчқорни айтиб келинг!

— Хўп бўлади, хўп афандим! Ҳақ жойига қарор топаркан, афандим, Бўта бечоранинг яна юзи ёруқ бўлди.

Қоровул идорани очиб берди-да, чиқиб кетди. Низомиддинов дераза олдида туриб хаёл сурарди.

Ҳамма иш хамирдан қил суғургандек осон битди. Бектемиров калтакланди. Саломат ўлди. Энди ишни яна хотиржам бошлаб юбориш мумкин. Махсим! Бўта! —

Низомиддинов башарасини бўриштириб деразадан узоқлашди. Унинг кўзи олдида Махсимнинг отаси пайдо бўлди. У пайтда ўғли

беш-олти яшар бола эди, мени танимайди. Унга билиб жавоб бердимми, ё баҳонам қўполроқ тушдим.

Кеча Махсим унга «Сизни қаердадир кўрганга ўхшайман, уйингизда отамнинг китобларини кўрдим» деган эди. Шунда Низомиддинов ёлғонлади.

— Эй, ука, отанг асл инқилобчи эди. Тошкентда инқилоб арафасида, оқ подшо мардикор олганда яширин ташкилотда аъзо эдик. Жуда кўп варақалар тарқатганмиз. У вақтда дўстим Максим Максимович Тоштрам устахонасида ишларди. Мен қўлга тушиб сургунга кетдим, отанг Андижонга қочиб кетган эди, кейин кўришолмадик. Уни қара-я, дўстимнинг ўғли борлигини, у билан учрашувимни сира ўйламаган эдим. Отанг билан фахрлан, асл большевик, отангнинг изидан бор.

Махсим унинг назарида бу гапларга ишонгандек бўлди.

Эшикдан баланд бўйли, тунов куни Бектемировнинг кўкрагига калла урган мўйловдор йиғит Қўчқор кириб, унинг хаёли бўлинди.

— Келдингми Қўчқорвой, ўтир баққа!

— Ишим зарурроқ, айтадиган гапингизни айтинг, шошиб турибман.

Низомиддинов эшикни зичлаб ёпиб келдида, оёғини чалиштириб стулга ўтириб олди.

— Ишинг чатоқ Қўчқорбой! Фирқа аъзосини уриб бўладими, ўзинг босмачи бўлган экансан, шаҳардан ГПУнинг агенти келиб суриштириб кетди.

Қўчқорбойнинг кўзи аланг-жаланг бўлиб қолди. Кеча Розик олифтани гузарда кўрган эди, юраги шув этиб кетди.

— Низомиддинуп ака, босмачида бўғанимни билишади, афв қилишган.

Низомиддинов бош бармоғини бошқа бармоқлари орасига суқиб кўрсатди.

— Мана афв қилишади! Ўзингга эҳтиёт бўл! Булардан яхшилиқ кутма! Фирқа аъзосини урдингми? Шунинг ўзигаёқ беш йилга кетасан.

— Ахир гина сақламайман, дедилар-ку, Бектемиров.

— Эй, қанақа гўл одамсан ўзинг. Бектемиров илоннинг ёғини ялаган одам. Қалтак еб индамай кетаверади, деб ўйлайсанми?

Қўчқорбой бўшашди. Низомиддинов янги Назирқул тузоққа тушётганига сира гумон қилмади.

— Ахир ўртоқ Низомиддинуп, колхозда астойдил ишляяппан, кучимни аямаяппан. Наҳотки шулар инобатга ўтмаса.

Низомиддинов уни масхара қилиб кулди.

— Ҳали ҳам эсинг кирмапти, ёш бола экансан.

— Нима қилай бўлмаса, айтинг, ўқиган, оқ-қорани таниган одамсиз, бир маслаҳат беринг!

— Нима деб маслаҳат беришимни ҳам билмайман, ука, бу нозик масала.

Низомиддинов синовчи кўзларини унга қадади. Унинг қараши «бундан бирон иш чиқадими, йўқми?» деган маънони англатар эди.

— Илгарилари ҳам ГПУ сен тўғрингда икки-уч марта масала кўтарган эди, ўртага тушдим, кафил бўлдим. Билдингми? Фақат бир йўл бор. Билмадим қандоқ бўларкин. Бошқа йўл бўлмагани учун айтаяпман. Шун-

доқ қилсанг ҳам ўзинг биласан, қилмасанг ҳам ўзинг биласан. Бўта ишдан бекор бўлиб юрган пайтларда шу ишни бости-бости қилиб юборган эдим, Чиноқ амалга мийиб яна кавлаштиряпти.

Низомиддинов мақсадини очиқ айтолмай чайналди.

— Айтаверинг, афандихон! Нима қилай?

— Тагин шунақа маслаҳатни Низомиддинов берган деб мендан койиниб юрма. Қутулишнинг ягона йўли шу бўлгани учун айтяпман. Шу Бектемиров мендан уч юз сўм пора сўради, босмачида бўлганингни яшираман, деб айтди, бермаганим учун жанжал чиқди, десанг қандоқ бўларкин.

Қўчқорбой сапчиб ўрнидан туриб кетди.

— Ахир у мендан бир тийин ҳам сўрагани йўқ-ку?

— Сўраса-сўрамаса шунақа дейсан-да. Шундоқ қилсанг, қамоқдан қоласан.

Қўчқорбой қулочкашлаб туриб Низомиддиновнинг юзига тарсаки солиб юборди.

— Шунча гуноҳга ботганим етмасмиди? Кўряпсанми, бир марта қилган номаъқулчилигим учун манави ерим,— у кўкрагига тапиллатиб урди,— эзилиб, ситилиб кетди-ку, тагин нима дейсан. Энди одам бўлиб, эл қаторига кирганимда яна бебурд бўлайми. Кечагина гапингга кириб Бектемировни урдим. Гуноҳимни авф қилган Шўро ҳукуматини ҳақорат қилдим.

Қўчқорбой яна мушт ўхталиб унга югурди.

— Энди яна нима дейсан? Яна нима қилай, хаж қиз! Ўзинг кимсан? Шўро одамимисан ё унсурмисан?

Низомиддинов орқаси билан деворга ишқаланиб сурилиб-сурилиб ўзини эшикка урди. Орқасидан Қўчқорбой жуда ҳам уят гап билан сўкиб қолди.

Бугун ўн уч кундирки Назирқул ўз қишлоғидан олисда, этаги қирғиз яйловларига туташган чуғурчуқ давони ўнгирларида саргардон кезади. Ҳозир унинг ташқи қиёфасидан Назирқул эканини билиб бўлмас эди. Кийимларининг жулдури чиққан, соч-соқоли ўсиб дарвиш қиёфасига кирган эди. Очиқ ҳавода тунаб қолаверганидан юз ва бўйинлари тоқнинг зангидек буришиб кетган.

Назирқул икки ўт ўртасида қолган эди. Сафарни давом этдиришдан мутлақо маъно қолмаган. Қаерга боради? Эшон даргоҳида умрини ўтказиб на бир ҳунар эгаси бўлди ва на меҳнатга бели қайишди. Йўл олис, олдинда қанча дашт, қанча давонлар бор. Уловсиз, озиқ-овқатсиз бу даштлардан ўтиш осонми? У Қашқарда нима қилади? У ерда унинг кими бор?

Орқага қайтишнинг ҳам сира иложи йўқ. Ўз юртидан қувғин еган Назирқулни аёвсиз жазо кутади.

Назирқул тоғ дараларида шундай саргардон эди. У харсанглар устиг. ўтириб, соатлаб хаёл суради. Тошлар орасидан ниш уриб чиққан тамсиз гиёҳларни чимдиб хўрак излайди. Ўнгирларда йиғилиб қолган кўлмак сувларни ҳовучлаб ичади. Сўзлашадиган одам йўқ. Ас-

рий гунг тошлар унга ҳамсухбат бўлолмас, унинг қалбини тирнаб ётган аламли фарёдни эшитмас эди.

Назирқул қуёш тепага келганда ўнгирдан юлиб чиққан равочларни очкўзлик билан чайнаarkan, олисдан таниш овоз эшитди.

— Ким, у? Тушимми, ўнгимми? Ё ақлдан оздимми?

Олисдан яна ўша овоз келди.

— Ҳой, мусулмон!

Назирқул сапчиб ўрнидан турди. Ўнгирнинг нариги бетида кўпдан оёқ изи тушмаган йўлда отлиқ турарди. Отлиқ қўл силкиб уни ўзига чорлади.

Назирқул худди сеҳрлангандек ўша ерга қараб қимирламай турарди. Сал фурсат ўтгандан кейин ҳуши ўзига келиб югуриб кетди, тошлар устида гоҳ думалаб, гоҳ илдизларга осилиб ўнгирга тушди, кейин жони-жаҳди билан эмаклаб отлиқ олдига кўтарилди.

От устида Азим бойвачча унинг ҳаракатларини кузатиб турарди.

— Э, дарвиш, Гулшининг йўли қайси?

Назирқул жавоб ўрнига унинг узангига тиралган оёғига осилди.

— Хўжайин сизни менга худо етказди!

Азим бойвачча титраб кетди.

— Назир?! —

Назирқул жавоб ўрнига ўкириб-ўкириб йиғларди.

Азим бойвачча отдан тушди.

— Нима бўлди? Пирим қани?

— Пиримни бўрилар еб кетди. Мен йўлдан адашдим, отни йўқотдим. Нон. Нон беринг. Мени олиб кетинг!

Азим бойвачча хуржиндан битта кулча олиб ярмини ушатди-да, Назирқулнинг олдига ташлади.

Назирқул жони-жаҳди билан ўзини нонга урди. Азим бойвачча унинг очкўзлик билан нон ейишини бирдам кузатиб турди-да, узангига оёқ қўйиб эгарга минди. Назирқул чапдастлик билан отнинг жиловидан тутди.

— Олиб кетинг, олиб кетинг мени!

Бойвачча жиловни тортди, от бўйнини гажак қилиб олдинга интилди, аммо Назирқул отни оёқ босишга қўймади. Ғазабга келган бойвачча унинг юзига икки марта қамчи босди. Назир барибир жиловни бўшатмади. Унинг кўзлари қинидан чиққудек бўлиб ола-йиб кетган, башараси ваҳший қиёфасига кирган эди.

— Номард! Инсофсиз! Умримни, йигитлик қувватимни остонангда сарф қилдим. Худоё жувонмарг бўл! Шу чақчайган кўзларингни кузгунлар чўқисин!

Бойвачча ғазабдан отга икки-уч аччиқ қамчи босди. От ирғишлаб, олд оёқларини осмонга кўтарди-да, йўртиб кетди. Назирқулнинг қўлидан тизгин сирғилиб чиқди. Муккаси билан йиқилди.

У ўрнидан турганда, отлиқ ўттиз қадамча нарига кетиб қолган эди.

Назирқулнинг кўзидан ўт чақнади. Миясида бир оний йилт этган учқун унга ўзини, яшаб ўтказган умрини, унга раҳнамо бўлган кишиларни кўрсатиб қўйди. У шу чақмоқ умридек қисқа давр ичида ўз ўтмишига баҳо берди. У алданган, Азим бойваччалар, Низомид-

диновлар, Саид Жалолхон эшонлар унинг қўли билан чўғ ушлаганлар. Унинг қўли билан қон тўкканлар. Энди эти шилиб олинган суякдек уни иргитиб ташлаганлар. Кўксидан қайнаб чиққан ғазаб қўлларини муштга айлантирди. Мана шу титраб турган панжалар чапдастлик билан маузерни тутди. Отга устма-уст қамчи босиб кетаётган Азим бойваччани мўлжалга олиб ўқ узди. Бойвачча эгарда туриб гандираклади, калласи бурилиб орқага қарамоқчи эди, Назирқул яна ўқ бўшатди. Бойвачча орқасига ағдарилди. От тўхтади, Назирқул шошилмай харсангда чалқанча ётган бойвачча тепасига келиб энгашди. Бойвачча нимадир деди.

Назирқул отнинг жиловидан ушлаб ёлғиз оёқ йўлга олиб тушди. Хуржунни олиб ерга ағдарди. Ерга йигирма чоқли патир тўкилиб, ҳар ёққа думалаб кетди. Ҳамёнини суғуриб олар экан бойвачча энгак ташлади. Назирқул ҳамённи олиб уни ҳам ерга тўкди. Олтин тангалар жаранглаб тушди. Назирқул ғазаб ва нафрат билан уларни оёқ остига олиб тепкилайверди. У оч, аммо кулчаларга қайрилиб қарамади ҳам.

Бирдан унинг қалби бўшаб қолди. Олисла сув бўлиб ўзига чорлаб турган сароб ғойиб бўлгандек, равон деб ўйлаган умид йўли жарёқасига олиб келгандек бўлди.

У чинакам саробга йўлиққан эди.

Яна кеч кирди. Яна шамол. Яна юлдузларнинг совуқ милтираши. Тонг отди. Нам босган тошлардан офтоб ғуборни кўтарди. Назирқул худди биров қуваётгандек орқасига қараб югура бошлади. Кечаси ҳам, кундузи ҳам тинмай

йўл босди. Йиқилди, ўзидан кетди, яна ҳушига келди, яна йўл босди.

У болалик йилларини ўтказган қишлоғига қараб тинмай югурар эди.

Қишлоқда уни нималар кутяпти? Назирқул бу ҳақда ўйламас эди. Хўжаобод адирлари бошланди. Олой тизмаларининг сўнгги этаги Зор қишлоқ ерларига келиб туташган эди. Назирқул шу тоғ харсангларига тирмашаркан, кўзи тиниб боши айланди. У тамоман дармонсизланган, оёқлари зирқираб оғрир, беллари худди ҳар ер-ҳар еридан синиб кетаётгандек қақшарди. У ҳушсиз ҳолда ҳам тошларга тирмашиб чўққига интиларди.

Зор қишлоқ боғларида, адир ва сойларида баҳорнинг майин шамоли эсади. Ҳамма ёқ гул, ариқ бўйларидан ялпиз ҳиди келади. Чўп-хас тишлаган қушлар чинор шохларига серқатнов бўлиб қолган. Хурпайган товуклар девор тагларида ўзларини офтобга солиб ётадилар. Ёш-ялангнинг чаккасида гунафша, бойчечак, чучмўма, қизлар сочида тол баргакдан улама...

Боғлардан теша овози келади, боғбонлар иш-комга поя кесишмоқда.

Ҳамма ёқда баҳор, баҳор... Одамлар кўнглида ҳам баҳор, бутун бир қишлоқ аллақандай ҳидга, оҳангга тўлгандек. Асаларилар гўнғиллайди, қушлар тинимсиз чуғирлайди.

Кўклам офтобидан елкасига иссиқ ўтган деҳқон ер бошида қўшиқ айтади. Ҳамма шод — одамлар ҳам, табиат ҳам шод.

Фақат бир одам мана шу шодликдан, кўклам ва ҳаёт шодлигидан бенасиб.

У кўриниб турган тоғ чўққисида жулдур чопонга ўралиб, кўпдан устара тегмаган ияклари-

ни кафти орасига олиб гулга, қўшиққа, нурга чўмган қишлоққа қараб маъюс ўтирибди. Унинг кўзи бу кенгликларга ҳасрат билан боқар, кўнгли эса олам-олам ҳасрат ва аламда ўртанарди.

Унинг ёшлиги, йигитлиги шу қишлоқда ўтган. Пастда ялла айтиб кетмон чопаетган йигитлар унинг дўстлари эди. У ўз дўстларига хиёнат қилди. Энди у ўзини-ўзи қувғин қилиб ўн уч кундан бери туз татимай тоғу тошларда тентиб юрибди.

Унинг қалбида шундай бир оғир тош ётардики, у билан юқорига кўтарилиб бўлмас, фақат, фақат қуйига, тубанликка қараб кетиш мумкин эди, холос.

Бу одам гумроҳ Назирқул эди.

Назирқулнинг кўзи тиниб мияси ғувиллади. Вужуди карахт бўлгандек на эсаётган шамолни ва на елкасини қиздираётган офтобни сезар эди.

Унинг танаси фикран иккига бўлинди. Икки Назирқул пайдо бўлди.

Биринчиси — юзида болалик белгилари, кўзлари порлаган, қалбида чинакам инсонлик ҳислари қайнаган. Назирқулнинг ёшлиги эди.

Иккинчиси — юзлари сўлғин, кўзлари уят ва андишадан бесаранжом, жулдур чопонга бурканиб олган хиёнатчи, телба — ҳозирги Назирқул эди.

Кўпдан унутилиб, йиллар қаърига сингган ёшлик билан саробга интилиб чўллар гирдобиде қолган йигитлик бир-бирига дуч келди.

Назирқулнинг ёшлиги тилга кирди:

— Боғларни обод қилсам, юртга ош бериб тўйлар қилсам, тўйларда хизмат қилсам, отам-

нинг чироғини ўчирмасам, одамларнинг муш-
кулини осон қилсам...

Телба Назирқул жавоб берди:

— Боғларни пайҳон қилдим, тўйларни аза-
га айлантирдим, одамларнинг мушкулани оғир
қилдим, отамнинг чироғини ўчирдим.

— Нега?

Телба Назирқул жавоб бермади.

— Нега?— дея яна такрор сўради Назир-
қулнинг ёшлиги.

— Сув деб саробга интилдим, поёндоз деб
қиличнинг дамига оёқ қўйдим.

Назирқулнинг ёшлиги терговчига, йигитлиги
жиноятчига айланди.

— Умр бўйи азоб-уқубатларда яшаб, энди
ёруғлиққа чиққан Саломатни қонга қориштир-
динг. Тўғрими? Жавоб бер!

Жиноятчи Назирқул кўзини ердан ол-
мади.

— Демак айбингга иқдорсан?

Назирқул яна жавоб бермади.

Терговчи Назирқул қатъий буюрди.

— Тур ўрнингдан!

Назирқул турди.

— Юр, тўғрига қараб юр! —

Назирқул тошларга қоқила-қоқила қуйига,
қишлоққа қараб йўл олди. У ўлимга ҳукм қи-
линган киши суд залидан чиқиб келаётгандек
гандираклар, атрофдаги нарсаларни кўрарди-ю,
лекин нималигини билолмас эди.

Сал ўтмай Назирқул қишлоқ четидаги кўп-
рик устида ўзига келди. Уни бошлаб келган
ёшлиги қайгадир ғойиб бўлган эди.

— Тушимми, ўнгимми?— у атрофга алангла-
ди. Овозининг борица қаҳ-қаҳлаб кула бошла-

ди. Ноғиҳон овоздан чўчиб кетган бақа ўзини ариққа отди.

Назирқул телбаланиб у ёқдан-бу ёққа югурар, дуч келган нарсадан чўчиб-қўрқиб девор панасига биқиниб олар, гоҳ девор ошиб ўтлар орасида думаларди.

Бойқуш сайрарди. Чалқанча ётган Назирқул ёнғоқнинг қуриб қолган шохига қаради. Одам шарпасини сезган бойқуш учиб кетди. Кўзлари катта-катта очилган Назирқул ўрнидан туриб, атрофга аланглади.

У қабристонда эди. Аллақайда кимдир қуръон тиловат қилар, унинг ҳазин овози қабрлар устида тутундек сузарди. Назирқул дўмбайган қабрлар оралаб аста-аста юра бошлади. У терак тагига келганда, бирдан тўхтаб қолди, бирикки қадам орқасига тисарилди.

Атрофига темир панжара қилинган янгигина қабр тепасида бир киши оғир сукутда бош эгиб турар. Унинг мумдек оқариб кетган қонсиз юзлари ҳаракатсиз эди.

Назирқул ўзини терак панасига олди.

Бу Саломатнинг қабри, бош эгиб турган киши Бўтабой эди.

Назирқул сесканди. Шу қабр остида унинг қалтираб турган қўллари пичоқ санчган, қонини тўккан Саломат ётарди. Нечун? Нечун у Саломатни ўлдирди? Унда қандай қасди бор эди Назирқулнинг? Дунёда ўз қўли билан қонини тўккан кишининг қабри тепасига келишдек мудҳиш нарса бормикин? Назирқул ҳозир шундай мудҳиш ва фожийий ҳолни кечирмоқда эди. У ўзини-ўзи қарғади, тишларини қичирлатиб қабр устига ўзини отди.

Бош эгиб турган Бўтабой ноғиҳон шитирлаш-

дан чўчиб, бир қадам ортга чекинди. Қабр устида жулдур чопонли, соч-соқоли ўсиб кетган бир киши ётарди. У ҳаракатсиз, йиғиданми, ҳаяжонданми фақат елкаси титрар эди.

Бўтабой энгашиб унинг юзига қаради. Танимади. Нотаниш киши илон чаққандек тўлғаниб ўрнидан турди. Бўтабой уни энди таниди. Ҳозир Бўтабойнинг қаршисида Назирқул эмас, ақлдан озган, инсонлик қиёфасини йўқотган бир кимса турар эди.

— Назир!

Назирқул индамади, ёнидан ҳали ўқи тугамаган маузерни олиб Бўтабойнинг оёғи тагига ташлади.

— От! Ўзинг от! Хумордан чиқасан! Фақат ўзинг от мени. Ўзинг от!

Назирқул гўё ваҳший ҳайвондек бўкирар, кўкрагини очиб, тик турганча «От! От!» деб қичқирарди...

23

Эрталаб Низомиддинов ланж бўлиб уйғонди. Тушига яна Тавфиқ афанди кирибди. У билан иккови Стамбулда, обод қаҳвахоналарнинг бирида сигара чекиб ўтиришган эмиш. Тавфиқ афанди унга бир хат узатибди. Хат Холхўжадан эмиш. У Ёркентда уйғурлардан катта қўшин тузиб, Ўш давони орқасида фармон кутиб турганини ёзган эмиш.

Тавфиқ афанди бармоғидаги узугининг олмос кўзига тикилиб шундай деяётган эмиш:

— Гўзал турон ватандошлара гўз тутиюр.

Эрталаб мактабга кетаётган болаларнинг шовқини уни уйғотиб юборди. У ўрнида ётиб

Тавфиқ афанди билан бирга кечирган кунларини эслади. У билан сўнгги бор йиртиқ чодирдаги учрашуви, турк ўғлининг пўстакда жон бергани, Холхўжанинг худди қабрга ўз оёғи билан кетаётгандек сўнгги сафарга отланиши кўз ўнгидан бир-бир ўтаверди.

Низомиддинов учун ўтмишни эслаш соғ тиши суғуриб олиш билан барабар эди. Ўз умрида кўпларнинг ёстиғини қуритган, ўқ ёмғирларидан, оловлардан соғ-омон чиққан бу одам энди яккаланиб қолган эди.

— Қариб қолдимми? Наҳот энди курашга ожиз бўлсам? —

Низомиддинов ҳали курашувга, кўк байроқ дастасидан тутишга ўзида куч сезар эди.

Бироқ, қани у кўк байроқ? Қани у кўк байроқ ортидан сафга тизилувчи ислом лашкарлари? Низомиддиновнинг кўп марта қаноти қирқилди, яна ўсди. Саид Жалолхон эшон унинг сўнгги қаноти эди. Энди у қанотлар ҳам қирқилди. У икки қўлтиқ таёғи ҳам синган ногиронга ўхшаб қолган эди.

Низомиддинов яна танҳо қолди. У, бу кеча кўрган туши бежиз эмаслигини, ўликларни кўриш беҳосият эканлигини эслаб хўрсинди. Холхўжа хат ёзиб чақирипти. Тушда ўликнинг чақирishi нима бўларкин?

Низомиддинов калласини чулғаб олган кўнгилсиз ўйлардан қутулмоқ учун самоварда нонушта қилгани ташқарига чиқди. Катта кўчанинг муюшида Турсунбой ота, терговчи Ҳайдаров ва Бектемировлар шу томонга қараб гаплашиб туришар эди...

Низомиддинов тол панасига ўтиб эмаклагандек энгашиб девор тагига келди-да, мушукдек

сакраб нахрадан ошди. У жон ҳолатда югуриб
боғма-боғ ошаверди. Бедапояни кесиб сертуп-
роқ кўчага чиқди-ю, қабристон томонга чопа
кетди.

Қабристон дарвозасидан соч-соқоли ўсиб
кетган жулдур бир киши билан Бўтабой чиқиб
келарди. Низомиддинов турган ерида қотиб
қолди. Ҳушини ўнглаб олганда, улар анча
яқин келиб қолишган эди.

Жулдур киши кела солиб унинг ёқасига
ёпишди. Низомиддинов силтаб юборди.

— Кимсан?

Бу Назирқул эди.

Низомиддинов унинг ўт чақнаб турган кўзи-
га боқолмай ортга қараб қочди. Назирқул
пичоқ яланғочлаб орқасидан қува бошлади.

Низомиддинов икки ўт ўртасида қолган эди.
Орта Назирқул ва Бўтабой, олдинда тергов-
чи ва Бектемиров. Ҳозир унинг калласига
ҳеч қандай фикр келмас, бутун вужуди оёққа
айланиб фақат, фақат югурарди, холос.

Гузарда одам кўп эди, тизза бўйи тупроқни
тўзғитиб келаётган Низомиддиновнинг йўлини
Бектемиров тўсди. Тили оғзига сигмай ҳанси-
раб турган Низомиддинов орқасида пичоқ
яланғочлаб келаётган Назирқулни кўриши би-
лан чойхона сўрисининг тагига кириб кетди.
Турсунбой ота ҳассасини сўри тагига суқиб,
уни ҳайдаб чиқди.

— Ҳа, занғар қандала, ўзинг «Чемберли»
экансан, энди билдим. Ўлдириш керак, тош бў-
рон қилиш керак.

Назирқул унинг ёқасига ёпишди. У дармон-
сизланганидан Низомиддиновни бир силта-
шидаёқ ўзи гандираклаб кетди. Кўнгли озди.

Кўм-кўк осмонга, ялтираб учиб юрган каптарларга кўзи тушдию, чалқанчасига йиқилди.

Одам йиғилди. Самоварчи бола Низомиддиновнинг бошига чойнак билан урди. Елка ва бўйинларига ёпишиб қолган кўк чойнинг шамасидан буралиб-буралиб буғ кўтарилди. Муса кўса пайт пойлаб туриб бир калла солди. Низомиддиновнинг бурнидан тирқираб қон оқа бошлади.

— Оғайнилар, урманглар!

Бу — терговчи Ҳайдаровнинг товуши эди.

— Қандаланинг қони чиқди, энди сассиги ҳам чиқади, — деди самоварчи бола уни майна қилиб.

Низомиддинов қопқонга тушган бўрига ўхшаб ҳаммага ириллар, нимадир деб жоварди.

Бектемиров уни олиб кетмаса, бирон кориҳол бўлишини пайқаб Қўчқорбойга имлади.

— Олиб кет!

Қўчқорбой белбоғини ечиб унинг қўлини орқасига сириб бoғлади.

— Қани арш! Ўша ерда ўзим сенга тилмочлик қиламан.

Низомиддиновнинг ўзи ҳам шуни кутиб турган экан, терговчининг олдига тушиб пилдираб кетди. Кимдир «ушла ўғрини» деб қичқирди. Муса кўса атайи майна қилиб «Ур!» деб бақирди. Низомиддинов кўча ўртасидан жонижаҳди билан лапанглаб чошиб кетди. У ҳаллослаб югураркан бўлаётган воқиаларни худди тушида кўраётгандек аниқ тасаввур қилолмасди. Орқасидан жиртак отиб қолган кишиларга, девор нахрларида мушт ўқталиб қарғаётган хотинларга, кесак отаётган болаларга қа-

рамас, худди қопқондан чиқишга уриниб кучанаётган бўрига ўхшаб тишини ғижирлатарди. Турсунбой ота унинг юзига носвой арадаш тушурди. Низомиддиновнинг қўли боғлиқ бўлгани учун арта олмади. Юзи кўкимтир сепкил бўлиб қолди.

Унинг орқасидан кетаётган Ҳайдаров йўл бўйи бирон сўз демади. Низомиддиновнинг башарасига ҳам қарамади.

Кўпдан бери қишлоқнинг ҳавосини бузиб сасиб-бижғиб, пашша талаб ётган ўлакساني замбарғалтакка солиб четга олиб кетаётгандек одамлар унга қарагани жирканиб, юзларини тескари ўгиришди.

Олдинда арава ғирчиллаб кетмоқда. Шу арава устида ҳали ҳуши ўзига келмаган Назирқул ётибди. Бундан ўн тўрт кун аввал худди шу аравада Назирқул пичоқ қадаган Саломатнинг жасадини қишлоққа олиб келишган эди. Шу аравада Назирқулнинг тирик жасадини қишлоқдан олиб кетишяпти. Назирқул аравада ҳушсиз ётарди. Унинг серсоқол юзи орқада келаётган қўли боғлиқ Низомиддиновга кўриниб турибди. У Саломатнинг жасадини оппоқ тонг отаётган маҳалда қишлоққа худди шу хилда арава ортидан юриб олиб келган эди.

Ҳозир аравада ётган йигитни Низомиддинов бахт деб бахтсизликка, нур деб зулматга етаклади. Нодонлик қурбони бу гумроҳ йигит элнинг қарғишига қолди.

Низомиддинов қурбонининг юзига боқолмай осмонга қаради. Сўнгги нурлар тушиб, чўғдек ялтираб турган терак учлари унинг кўзини қамаштирди. Хўрсинди. Ана ҳозир терак учларидаги нур сўнади, деб дилидан ўтказди. У

сўнади-ю, эртага яна ёнади. Мен-чи? Балки
абадий сўнарман. Наҳотки!


Низомиддинов бутун интилишлари беҳуда
бўлганига, унга бахт ва шону шуҳрат ваъда
қилган кўк байроқ девор тагларида қолган
сўнгги ирkit қордек ерга сингиб кетганига иқ-
рор бўлди.

Тарих ҳукми мажақлаган кўҳна дунёнинг
ожиз парчаларидан қаср қурмоқчи бўлган
телбанинг аҳволи танг эди.

1958 йил. Тошкент.



Хикоялар



КУКЛАМ ЧЕЧАКЛАРИ

Озода ва дид билан жиҳозланган уйнинг тўридаги кроватда қуюқ сочларининг бари оқариб кетган, мурдадек рангсиз бир киши ётибди. Унинг кўзлари бир нуқтага тикилган, ориқ бармоқлари тутиб турган папиросдан сизиб кўтарилаётган тутун, ипак толасидек чўзилиб шифтга етмай тўзғиб кетмоқда. Деразадан тушаётган офтоб шуъласи тутунлар орасида тўхтаб кўзни қамаштирувчи нурли пардадек титрайди. Тубмочка устига будильник муттасил чиқиллайди.

Бемор жим.

Ким бу?

Бу — уруш қурбони, умрбод тўшакка қадалган майиб. У ҳамон жим. Жим. Унинг оқариб кетган лаблари ҳар замон бир қимтиниб қўяди. Кўзлари уй жиҳозларини лоқайд сайр этади.

Ташқарида офтоб чарақлайди. Очиқ форточкадан шамол уйга баҳор шабадасини олиб

кирмоқда. Шу топда қайдадир, тоғдами, адир-дами долалар ниш уриб чиқаётгандир. Бой-чечак очилганмикан? Урик новдалари ҳам бўртиб қолгандир? Бемор шулар ҳақида, оламга офтоб, гул, майса, гиёҳ, кишилар қалбига битмас-туганмас яшаш иштиёқини олиб келаётган баҳор ҳақида ўйларди. Ҳар минут ўлим таҳдид қилувчи хасталикни яшаш иштиёқи билан енгиб келаётган бу йигитнинг қалбида не-не орзу-умидлари бор эди.

Дераза тагидан болаларнинг чуғур-чуғури эшитилди. Бемор машаққат билан бошини буриб дераза томонга қаради. Тўр парда орқасидан қизил, яшил рангли шарлар сузиб ўтди. Болаларнинг овози тинди.

— Эртага байрам — деди бемор пичирлаб. — Ҳамма байрам тараддудиди. Эрлар магазинларда кезиб хотинларига совға-саломлар олишаётибди. Қани энди мен ҳам бир соатгина ўрнимдан турсам-у, шаҳар магазинларида шамолдек кезиб Меҳрига энг яхши нарсаларни совға қилиб олиб келсам. Неча байрам ўтди. Ҳеч нарса совға қилолмадим. Ўксигандир. Ўртоқларига ҳаваси келгандир. Уҳ!..

Меҳ ҳозир нима қилаётган экан. Жаҳлдор, тунд башара бўлим бошлиғи олдига яна бир даста қоғоз келтириб ташлагандир. Бечора на байрамни билади, на сайру томошани. Эртаю кеч шақирлатиб машинка босади. Оғир, жуда оғир унга. Оёққа туриши номаълум бўлган беморга тикилиб ёш умрини ўтказяпти. Тузалса эди, одамлардек юра олса эди, бошига кўтарарди уни. Умр бўйи хизматини қиларди, сира хафа қилмасди, йиғлагуси келганда ҳам юзига, кўзига кулиб қарарди.

Эшик очилди. Бўйнига сумка осган, чакка-сига гунафша қистирган почтальон кампир кирди.

— Вой шўрим, яна чекаяпсанми? Ташла, ташла папиросингни. Қара, ҳамма ёқ тутун бўлиб кетишти-ку.

Беморнинг кўзлари порлади.

— Гунафша очилипти-ку.

— Ҳа, ҳа очилди. Сенга олиб келдим, тентагим!

Кампир графиндан стаканга сув қуйиб гунафшани унга солди-да, бемор олдидаги тумбочка устига қўйди. Бемор уни шошиб олди-ю, хасислик билан тўйиб-тўйиб ҳидлай бошлады.

— Бирам яхши, бирам яхшики. Оҳ, кўклам, кўклам...

— Менга қара, мана пенсиянгни олиб келдим, манави каптансага қўлингни қўй. Беш юз ўн сўм. Санаб ол. Чой ичдингми? Ҳозир қайнатиб бераман. Меҳрихон ишдан барвақт қайтади. Бугун арафа эмасми, ахир!

Кампир садаф тугмали нимчасининг ён чўнтагидан қоғозга ўроғлик нимадир олиб беморга узатди.

— Ол, буни тентагим, хотининг ишдан келганда совға қил. Арзимас бўлса, айбга буюрма.

Бемор ҳайронликда қоғозни очди. Атир совун.

— Раҳмат, аяжон, минг марта раҳмат. Ахир ўзингиз...

— Мени ўйламай қўяқол. Худого шукур, чолим бор, байрамга қуруқ қўймас. Невараларим нақ уйимни тўлдириб юборади. Хотининг

шўрлининг сендан бошқа кими бор? Сен бўлса бу аҳволда.— Ҳа уруш қурсин, ер ютсин, урушни... Хижолат бўлма. Совғанинг қиммат-арзони бўлмайди.

— Менга қаранг, аяжон. Манави пулни олинг, иш бўлмаса магазиндан энг яхши нарсани харид қилинг, пулни аяманг. Менинг номимдан ўзингизга ҳам олинг. Олмасангиз хафа бўламан. Уйимга сизни киритмай қўяман.

— Қўй, қўй, тентагим.

Кампирнинг бу гапи беморнинг юрагига аллақандай, кўндан унутилган она меҳрини олиб келди. «Онам мени тентагим дермиди, ё доз-дирим дермиди?».

Кампир унинг бошини силаб ёстиғини тўғрилади. Бемор унга шундай бир қарадики, гўё тилга, йўлга кирмаган гўдак онасига эркаланаётгандек эди.

— Хўп денг, аяжон, хўп денг, ҳамма пулни харжланг. Вино ҳам олинг, менга папирос ҳам.

— Ҳамма айтганингни оламан-у, папирос олмайман, нима қилсанг қил, гап шу.

Кампир корзинка кўтариб чиқиб кетди. Бемор унинг орқасидан ажиб бир ҳис билан кузатиб қолди...

Меҳрихоннинг эри негадир тунд башара, баджаҳл деб ўйлаган бўлим бошлиғи бугун унинг хотинини эртаги байрам билан табрик-лади. Ҳатто у кабинет деразасидаги тувакда очилиб турган гулнинг битта шохини ўз қўли билан синдириб унга тутди.

— Энди сизга жавоб — деди у кулиб, — байрам қилинг, яхши дам олинг! Ўртоғингизга салом айтинг!

Меҳрихон машинасига филосф кийдириб,

қоғозларни саранжомлади-да, шошиб идорадан чиқди. Ҳаво очиқ, ғуборсиз осмоннинг ҳар ер-ҳар ерида совун кўпигидек енгил булутчалар сузади. Томлар устида думларини силкитиб варраклар учади. Эндигина бўртиб келаётган дарахт новдалари офтоб нурида олтинланади. Ҳаво аллақандай ҳидга тўлгандек димоққа хуш ёқади.

Меҳрихон йўл ёқасида совға-салом қўлтиқлаган кишиларга, магазин витриналаридаги «байрам совғалари» деб ёзилган турли-туман нарсаларга хушсиз қараб бормоқда.

Хотин кишининг қалбидек нозик нарса бормикин дунёда!

Хотинлар ҳамма вақт баҳордек яшнашни, ўз жамолларини намоёиш қилишни яхши кўрадилар. Улар севган — энг яқин кишилари билан бирга сайр қилишни, кийинишни, безанишни, пардоз-андозни севадилар. Ранг-баранг ипак молларни, пардоз дўконларини, ательеларни қаранг, ҳаммаси, ҳаммаси хотинлар учун. Ҳатто катта-катта фабрикалар хотинлар учун пардоз буюмлари тайёрлаб, планларини ошириб бажарадилар. Биз шўринг қурғур эркакларга ҳамма вақт бир хил фасон. Кўйлак ҳам, костюм ҳам, ҳатто уларнинг ранглари ҳам, ҳамма вақт бир хил бўлади. Балки эркаклар бўлмаганида хотинлар бунчалик безанишни истамаёдилар? Бир шарқ шоири: Қушларнинг эркаги, одамларининг аёли ясанчоқ бўлади, деб айтган экан.

Меҳрихон кўпдан пардоз қилмай қўйган эди. Аммо у ҳар гал парфюмерия дўкони олтидан ўтганда, кўнгли ғалати бўлиб кетарди. Ҳозир ҳам бир-бирини итар-итар қилиб атир-

упа харид қилаётган кишилар олдидан кўнгли алланечук бўлиб ўтиб кетди. Ахир у етти йилдирки тўшакка ётиб қолган эри атрофида парвона. У ишда ҳам, уйда ҳам эри ҳақида ўйлайди. Бирон ножўя гап айтиб қўймадиммикан? Мендан хижолат бўлмаётганмикан? деб ташвишланади. Эри эса го ҳуд, го беҳуд. Баъзан у соатлаб бир нуқтага тикилиб, алла нарсаларни ўйлайди. Нималарни ўйларкин? Бир кун эри шундай узоқ жимликдан кейин Меҳрига маъюс термулиб айтган эди:

— Мени инвалидлар уйига обориб бера қолсангиз, мунчалик қийналмас эдингиз. Сизга жуда жавр бўлиб кетди-ку.

Шунда унинг овози титраб ичидан кучли бир хўрсиниш чиққан эди. Меҳрихон ўшанда ўксиниб-ўксиниб йиғлаган, унинг сочларини силаб, кўзларидан, лабларидан ўпиб овутган эди.

Меҳрининг қадами тезлашди. У, атрофдаги шовқин-суронга ҳам, қизил ленталарга боғланган совғаларга ҳам парво қилмай, уйига, бемор эрининг олдига жадал борар эди.

Меҳри уйга кириши билан ҳайрон бўлиб қолди. Эри ухлаб ётарди. У ётган кровать оёғи томонга қўйилган телевизор устида Меҳрининг суврати, стаканда гунафша. Дастурхон анвойи ширинликлар билан ясатилган, столча устида қизил коробка. Меҳри шошиб коробкани очди. Упа, атир, совун.

Меҳрининг хотинлик қалбига баҳор киргандек бўлди. Ухлаб ётган эрига меҳр билан қаради.

Биз эркаклар баъзан хотинларимиз учун тоғ-тоғ олтинлардан кўра, уларнинг қалбини

титратадиган кичкинагина самимий юрак ҳадя-
си афзал эканини сезмаймиз.

Меҳрихон айна замонда етти йил чеккан
азиятлари эвазига бутун жаҳонни ҳадяга ол-
гандек бахтли эди. У ҳаяжондан нима қили-
шини, эрига қандай ташаккур айтишини бил-
май, энтикар эди.

Меҳрихон стакандан гунафшани олиб эри-
нинг димоғига тутди. Бемор уйғонди, бахтдан,
қувончдан порлаган бир жуфт кўз унга қараб
кулиб турар эди.

Уйда кўклам чечагининг ҳиди анқиб кетди...

1957 йил, март.

КЎКЛАМ ТАРОНАЛАРИ

(НАСРИЙ ДОСТОН)

Томоша залига кирганимда чироқ ўчиб, сахнанинг қизил бахмал пардаси прожектор нурида порлаб турарди. Ярим қоронғу залда тимискиланиб, ўз ўрнимни топдим. Конференсье программани эълон қилди. Оркестр ёш композиторнинг «Кўклам тароналари» сюитасини ижро эта бошлади.

Зал сув қуйгандек жим. Скрипканинг нозик садоси кўклам қушларининг сайрашини, най шамолнинг гувиллашини, танбур япроқларининг шитирлашини ифода қиларди. Залда гўё кўклам чечакларининг ҳиди анқиб кетди. Қаердадир, жуда яқинда гиёҳлар силкинаётгандек, қушлар шохдан-шохга сакраётгандек.

Скрипка ҳамон нозик пардаларда — у сочи-га умр қирови қўнган кишиларнинг ич-ичида, қалбининг энг теран ерларида яшириниб қолган ёшлик хотираларини, болаликнинг беозор ўт-олов кунларидан узилиб қолган дамларини ёдга солар, ўша кунларга беихтиёр етакларди.

Ёнимда ўтирган аёл хўрсинди. Ўгирилиб қарадим. Қарадим-у...

Дунёда шундай тасодифлар ҳам бўлади, киши гангийди, энтикади. Баъзан умр бўйи излаб тополмаган нарса уни излашдан умид узган бир пайтда рўбарў келиб қолади. Тасодиф баъзан бахт, баъзан эса бахтсизлик келтиради. Ахир фанга мутлақо алоқаси йўқ немис монахи перохни тасодифан ихтиро қилган-ку!

Ёнимда ўтирган аёл бир вақтлар мен билан партада ёнма-ён ўтириб ўқиган, техникум талабаларини «жини» қилган Саодат эди. У ҳозир бутун вужуди билан сахнага сингиб кетган, гўё зал бўйлаб оқиб юрган оҳанглارни шимираётгандек маст эди.

Саодатнинг рўмоли бошидан сирғалиб елкасига тушиб қолган. Қўнғироқ сочлар ҳамон ўша, фақат фарқи очилган жойдан то чаккасигача беш-олти толаси оппоқ. Чап юзидаги кулдиргичи сал кенгайгандек. Узун киприклар орасида ҳамона чакнаб турадиган катта-катта кўзларида ҳозир ёш йилтираяпти, сал киприк қоқиши билан юзидан юмалаб кетадигандек.

Скрипка ҳамон назик нардаларда. Унинг титроқ садолари қўлимдан етаклаб ёшлик кўчаларига, техникум боғи этагидаги теракзорга судраб кетди. Теракнинг кумуш япроқлари сеҳрли титрайди. Гиёҳлар устида гоҳ ёниб, гоҳ ўчиб турган олачалпоқ офтоб Саодатнинг елкасида, қўнғироқ сочларида ўйнайди. Саодат худди ёнгинасидаги бўта кўзга қўнган капалакка қараб нималарнидир ўйлайди.

— Капалак ўзининг шунчалик чиройлилигини билармикин?

Унинг кўзларига қарадим.

— Сен-чи?

Саодат қизарди. Кўзларини яширишга ури-
ниб, пешонасига тўзғиб тушган сочларини ўй-
нади.

— Қетамиз, шамол бўляпти.

Дарҳақиқат, шамол дарахт шохларини бе-
саранжом силкитиб гувилларди. У, шамолдан,
момақалдиروقдан жуда кўрқарди. Кеч бўлди
ётоғидан чиқмас, бўрон кечалари қизларнинг
ўртасига кириб ётиб оларди.

Негадир Саодат талабалар ичида мени ўзи-
га яқинроқ биларди. Бирга дарс тайёрлар, пар-
тада ҳам ёнма-ён ўтирар эдик. Шунинг учун
талабалар мени ёмон кўришар, менга хилма-
хил лақаблар қўйиб, бетимга айтишарди. Ор-
қаворотдан мени Мажнун, Саодатни Лайли
деб чақирарди. Бир куни ҳаваскорлар кон-
цертида икковимизга атаб лапар айтиб ҳам-
мани кулдиришди.

Саодат бу гапларга парво қилмас, мендан
бир қарич ҳам жилимасди. У романлар ўқиш-
ни яхши кўрар, ўқиган китобларининг қаҳра-
монлари ҳақида ўз фикрларини айтиб, саот-
лаб мен билан тортишарди.

— Биласанми, Нехлюдов образи менга жу-
да ҳам маъқул. У ўз қилмишидан пушаймон.
У виждон азобида. Катя эса буни тушунмай-
ди. Нехлюдов Катя учун аҳир жуда кўп яхши-
лик қилди. Уни кечириш керак.

— Сен Маслова бўлсанг Нехлюдовни ке-
чирармидинг?

— Албатта!

Яна Саодатнинг кўзига қарадим. Унинг кўз-

лари фикрининг қатъийлигини ифодалаб, пор-
лаб турарди.

— Нега куласан?

— Мен Маслова бўлсам, Нехлюдовни сира-
сира кечирмасдим.

— Нега?

— Негаки, Нехлюдов виждон бурчини эмас,
христианлик бурчини ўтамоқчи. У ўзи гадо
қилган кишига садақа бериб, яна унинг дуо-
сини олмоқчи.

Саодат уруш ҳақидаги китобларни, охири
фожиа билан тугайдиган романларни ўқимас-
ди. У ўлимдан, бахтсизликдан, ҳатто бемаҳал
шитирлаган ногихон овоздан ҳам қўрқар эди.

Ўқишлар тугаб, бир-биримиздан ажраладиган
пайтлар келди. Саодатдан узоқлашиш
негадир мени қийнар эди. У эса ҳамон ўша
қўрқоқлиги туфайли кечалари кўчага чиқмас-
ди. У билан ойдинда, юлдузлар кўзи милтил-
лаб турган оқшомда япроқларнинг шитир-
лашига, сувларнинг жилдирашига қулоқ солиб
ўтиргим келарди.

Саодат шаҳарда қолди. Мен қишлоққа кет-
дим. Кетдим-у, шаҳарда юрагимнинг бир пар-
часи узилиб қолгандек бўлди. Кунлар ўтиб ўша
дўстлик муҳаббатнинг дебочаси эканлигига
иқрор бўлдим. Начора, уруш айрилиқсиз, қур-
бонсиз бўлмас дейдилар. Ташвишли қирқ би-
ринчи йилнинг кузида Саодат билан алоқамиз
узилди. Қанча қурбонлар қатори мактабдош-
ларимизнинг изини йўқотдим. Улардан фақат
техникум боғида тушган суратимизгина ёдгор
қолди. (Ўша суратда Саодат менинг ёнимда
тушган эди...)

Залда гулдурас қареак кўтарилди. Ҳушимга

келдим. Концертнинг биринчи бўлими тугаб парда тушган, одамлар орасида шивир-шивир бошланган эди. Чироқ ёнди. Саодат елкасига тушиб қолган рўмолини бошга тортди. Унинг кўксига иккита Қизил Юлдуз ва бир «Ватан уруши» ордени ялтираб турарди.

Саодатнинг шамолдан, момақалдироқдан кўрқиши хотиримга келди. Ажаб? Наҳот ўша кўрқоқ Саодат шу бўлса? Демак у фронтга борган, қаҳрамонлик кўрсатган...

Кўпинча биз ўзимизни кўрқоқ ҳис қиламиз. Олисдан даҳшатли, енгиб бўлмас бўлиб туюлган нарса билан юзма-юз келганимиздагина танамизда тўхтатиб бўлмас жасурлик пайдо бўлганини сезмай қоламиз. Уруш кимларни ўзгартмади. Тунда кўчага чиқишга кўрқади-ган, момақалдироқ вужудига титроқ солади-ган ожизгина бу қиз даҳшатли портлашлар, ҳар минут ўлим таҳдид қилиб турган ўқ ёмғирлари остида қаҳрамонга айланганига ажабланмай бўладими! Ҳозир ёнимда ўтирган қизнинг ўша Саодат эканлигини фақат ташқи қиёфасидангина таниб олиш мумкин эди, холос.

Баъзан мутлақо нотаниш кишининг ҳам кўз қарашларидан, юз ифодаларидан қалбида нималар борлигини билиб оломоқ мумкин.

Кўз-кўзга тушди. Саодат эсанкираб қолди.
— Сиз, сен... —

Мен унинг қўлини қисдим. Балки эри ёнидадир деган андиша билан атрофга қарадим. Зал бўшаб қолган, фақат икковимизгина эдик. Гап-гапга қовушмади. Узук-юлуқ суҳбатимиз эски қадрдонлар — мактабдошларни суриштиришдан бошланди.

— Ўзгармабсиз,— деди Саодат, кейин нечун сизлаётганига ўзи ҳам ажабланиб сенлашга ўтди.— Ҳали ҳам ўшандайсан.

— Сен ҳам.

Саодат бош чайқади.

— Э-ҳа, нима деяпсан, жуда ўзгарганман. Илгари сен билган Саодатдан энди ном-нишон ҳам қолмаган.

— Нега?— дедим ажабланиб.— Фақат сочингга бемаҳал оқ тушибди. У ҳам ўзингга жуда ярашган, қандайдир сиполик бериб турибди.

Саодат кулди. Унинг кулгиси бирон ери зирқираб оғриб турган кишининг ихтиёрсиз кулгисига ўхшарди. Қўнглини ғаш қилиб турган бирон ҳодиса бўлса, эслатиб қўймаслик учун гапни чалғитмоқчи бўлдим. Қўз қири билан бошдан-оёқ унга назар ташладим.

Эғнидаги оқ крепдешини кўйлакнинг узун этаклари тиззалари оша ерга тегиб турибди.

— Эринг билан тотув турасанми? Дуруст одамми ишқилиб?

Саодат дарров жавоб бермади. Унинг бу сукути назаримда «эрим дуруст одам десам, яхши ҳам сенга тегмаганим, бўлмаса менга бу бахт қаёқда эди» деган маъно чиқишидан андиша қилиб сўз ахтараётгандек туюлди.

— Нима десам экан, ҳар қалай яхши турамиз. Бир-биримизни ҳурмат қиламиз.

Менда у бахтли йигитга рашкми, ҳавасми, билиб бўлмайдиган бир ҳис уйғонди. Шошиб сўрадим.

— Нима иш қилади?

— Архитектор.

Саодат қошларини чимирди.

— Фронтда танишган эдик. Ярадор бўлганда елкамда опичлаб олиб чиққан эдим. Кейин ўзим...

Саодатнинг гапи чала қолди. Парда очилди. Концертнинг иккинчи бўлими нечундир менда ҳеч қандай завқ уйғотмади. Қулоқларим остида турли оханглар жарангларди-ю, фикру хаёлим жанг майдонида қонсираб ётган ярадор солдатни елкасида кўтариб, эмаклаб келаётган Саодатда эди.

Томоша тугади.

— Қани кетайлик.

Саодат қўлида ўйнаб турган номерни берди.

— Пальтомни олиб тур, кетингдан чиқаман.

Гардеробда одам кўп эди. Навбатим етиб, Саодатнинг калта меҳ пальтосини қўлимга олдим-да, атрофдан уни излай бошладим. Кимдир костюмимнинг баридан тортди, энгашиб қарадим. Худди оёқларим тагида Саодат тиззалаб турарди. Кўзим хиралашиб нималар бўлаётганини билмадим.

— Ке, кийдириб қўй.

Ўзимни тез ўнглаб олдим. Саодатнинг икки оёғи тиззасидан йўқ эди. Энгашдим. Худди ёш болани кийинтираётгандек унга пальто тутдим. Билмадим, қўлларим титраётганини сездимикан? Саодат андавадек икки тахтакачга таяниб сакраб-сакраб кўчага чиқди.

— Кузатиб қўяйми? — дедим секин, худди ухлаётган одамни уйғотиб юбормаслик учун шивирлаб гапираётгандек.

— Машина бор. Сени кузатиб қўйишим мумкин.

У тепаси оппоқ қор билан кўмилган, ноғи-

ронлар учун маҳсус чиқазилган «Москвич» машинасининг эшигига калит солиб очди.

— Қўлтиғимдан олиб юбор. Раҳмат. Қани, ўтир!

Уэр айтиб хайрлашишга қўл узатдим.

— Ҳа, айтганча, телефон номеримни ёзиб ол!

Шошиб ён дафтаримни олдим-да, адресини, телефонини ёзиб олдим. Хайрлашдик. У кетди. Олисда, орқасида қизил чироғи милтираб кетаётган машина гўё бахтимни ўзи билан олиб кетгандек туюлди.

Ҳаммаёқ оппоқ. Кўз олдимда шошилмай аста ёғаётган қор учқунлари электр нурида чақнайди. Қулоқларим остида «Кўклам тароналари» янграйди. Муздек қиш кечасида баҳор ҳавосини туюб Саодат ҳақида, унинг эри ҳақида ўйлайман. Қандай бахтли йигитсан, нотаниш ўртоқ! Сенга рашким келади! Яримжон, майиб хотиннинг эри бўлганингга куладиган, масхаралайдиган одамга лаънатлар бўлсин!

Сенга ҳавасим келади, ўртоқ!

1957 йил, декабрь.

ХОТИРАЛАР

Кекса толларнинг сербарг гуж поялари тангадек офтоб туширмаган текис тош йўлдан бир хотин хиёл оқсоқланиб келмоқда. У кексаларга хос одмигина кўкракбурма штапель кўйлак, паст пошнаи туфли кийган. Сал ранги оқарган батис дурраси сирғалиб елкасига тушиб қолган.

Аёл атрофга диққат билан разм солар, ҳар замон тўхтаб нималарнидир эслагандек кўзларини қисиб хаёлга толарди.

Бу хотин ким? Саратоннинг жазирасида чумчуқлар бесаранжом чирқиллаб турган толлар тагида нима қилиб юрибди?

Бу — шу қишлоқда туғилиб ўсган, бир вақтлар ўтдек чақнаб турган шахло кўзлари билан қишлоқ йигитларининг уйқусини ўғирлаган Қумри! У энди кексайган, йиллар унинг чиройли юзларига ажинлар солган, кўзларидаги ўтни сўндирган, қоп-қора сочларига кексалик қировини тўккан.

У хаёл билан келаетиб, гуж-гуж қайрағочлар паноҳига жойлашган чойхонага кўзи тушди. Сўриларда одам сийрак, самоварчи елкасига сочиқ ташлаганича мудраб ўтирибди. Уртадаги сўрида оппоқ соқоли кўксига тушган бақувват бир чол қўш кўзойнак тақиб газета ўқимоқда. У ўз машғулотига шундай берилиб кетган эдики, газетадан кўз олмай ўнг қўли билан тимискилаб ёнидаги пиёлани топиб, илеб қолган чойни шимирди.

— Қурбонбой ака, қариб қолибди. Қанақа йигит эди-я!— деди хотин пичирлаб.

Хотин чол ўтирган сўри томонга бир-икки қадам ташлади-да, ниманидир мулоҳаза қилиб яна тўхтади. Кейин секин бурилиб йўлига кетаверди.

— Мени қабристон сағанасида қолдириб кетганда ҳали соқол қўймаган эди. Шунга ҳам ўттиз беш йил бўпти. У пайтларда мана бу кекса толлар ҳали кўм-кўк ниҳол эди.

Хотин қизалоқлик йилларини эслади. Сочига пахта пилик тақиб ялангоёқ кўча чангитиб, гувалак деворларнинг нахрасидан боғма-боғ ошган, четларини қиёқ босган сокин ариқлардан дўпписини тўлдириб сув ичган, ишкомлар орасида қўнғироқ овозини янгратиб чуғурчиқ қўриган, тартарак чалиб қушлар галасини учирган пайтлар унинг кўз ўнгидан бирма-бир ўтаверди.

Хотин тегирмон олдидаги чорраҳага етганда, тўхтади. Бу кўчалар унга нотаниш эди. У тегирмонни айланиб ўтди-ю гувиллаб новга қўйилаётган шаршарак олдида бир зум хаёл суриб қолди. Кейин омонат тахта зинадан қирғоққа тушиб бир ёнбоши сувга ботиб тур-

ган эски тегирмон тошига ўтирди. Бу тош унга жуда кўп нарсаларни эслатди. Ун гарди билан оқариб кетган тол баргларига, тўкилган донларни талашиб чўқиётган товукларга маъюс термулиб қолди. Хотин биринчи марта ойдин кечада худди шу тош устида ўтириб кўнглига яқин билган йигитнинг дард билан энтикиб-энтикиб айтган қайноқ юрак сўзларини ажиб бир ҳис билан тинглаган эди. Қани у йигит? Тақдирнинг ўтли бўрони унинг қувноқ кулгиларини суриб кетди. Қани у? Қани йигитларнинг сардори? Мозорингни қучолмадим! Қабрингга кўклам чечакларидан сочолмадим!

Хотиннинг кўзларида ёш йилтиради. У машаққат билан ўрнидан турди-ю, маъюс юриб чап томондаги кўчага қараб кетди.

Йўлнинг икки томони оппоқ иморатлар билан безалган, охири эса қадимий чинорлар соя ташлаган хиёбонга бориб туташар эди. Хотин хаёл билан хиёбонга етганини билмай қолди. У ерда одам кўп эди. Гулзор ўртасида қад кўтарган мрамор ёдгорлик атрофини аллақайдан келган сайёҳлар ўраган. Кўзойнакли ёшгина йигит уларга ниманидир ҳикоя қилмоқда. Скамейкада ўтирган чол тиззасида ухлаб қолган неварасини уйғотиб юбормаслик учун қимирламай ҳикояга қулоқ соларди. Хотин унинг ёнига келиб ўтирди. Чол ўгирилиб паст овоз билан деди:

— Булар ҳиндистонлик меҳмонлар. Маҳмуднинг қабрини зиёрат қилгани келишибди.

Хотин мажолсизланиб бир тебранди-ю, ўзини тутиб олди. Кўзойнакли йигит цемент супага чиқиб, давом этди.

— Бу воқиа йигирма учинчи йилда бўлган эди...

Чол уйғониб кетган неварасини ерга қўйдида, йигитнинг гапини бўлди.

— Йўқ, болам, йигирма иккинчи йилнинг кузида бўлган эди.

Меҳмонлар бараварига ўгирилиб чолга қарашди.

— Шокир ота, ўзингиз айтиб берақолсангиз-чи, сиз яхшироқ биласиз. Қумрихон воқиясини ҳам ўзингиз айтганингиз маъқул.

Хотин ўзининг номини эшитиб сесканиб кетди.

Шокир ота ўрнидан туриб меҳмонлар орасига кирди, супага чиқиб бир муддат сукутда турди.

— Бу воқиа минг тўққиз юз йигирма иккинчи йилнинг кеч кузида бўлган эди. Ўша кезларда Қўршермат қўрбошининг йигитлари икки ойдан ортиқ қишлоғимизни ўсиб ётган эди. Ҳар куни отиш, ҳар кеча ёнғин. Хотин-халаж, ёш болаларнинг дод-фарёдига инсон боласи чидаб туролмас эди. Пастги маҳаллада Жаббор ҳожининг пахта заводи бўлгувчи эди. Ҳозир ўрнига МТС қурилган. Ўша заводда Маҳмуджон деган бир йигит бор эди. Йигит бўлганда ҳам одамнинг жонидек йигит эди. Ўрисчани бемалол гапирадиган, ҳам эскичасига, ҳам янгичасига илми бор эди. Қўршермат йигитлари фуқарони жонидан безор қилганига чидамай Маҳмуд етмиш йигитнинг бошини бир ерга қовуштириб, ҳар кечаси босмачи қўнган жойга босқин қилаверди. Босмачи зоти Маҳмуддан юрак олдириб қолди. Деҳқонларнинг моли борми, қўйи борми, ҳаммасини тоқ-

қа дайдаб кетаётган босмачиларни пистирмадан неча марта қириб ташлаган. Маҳмуд икки марта Кўршерматнинг қўлига тушди. Икки мартасида ҳам эвини қилиб қочиб келди. Охири Кўршермат кимда-ким Маҳмуднинг бошини кесиб келса катта мукофот беришни эълон қилиб қишлоққа жарчи юборди. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Кўршермат ғазабига чидамай Маҳмуднинг хотинини тутиб мана шу чинорга боғлади.

Ҳамма гур этиб кекса чинорга қаради.

— Маҳмуднинг Қумрихон деган суҳсурдек хотини бор эди. Маҳмуд қишлоғимизнинг энг довурак йигити бўлса, Қумрихон энг чиройли қизи эди. Бойқишни Кўршермат чинорга боғлаб яна жар солди. Агар Маҳмуд бир кечаю бир кундузда таслим бўлмаса, хотинининг кўксига темир қиздириб босишни, чиройли кўзларини ўйиб олишини, қўнғироқ сочларини қирқиб ташлашини айтди.

Ҳамма жим. Чол овози титраб, ютиниб олди. Скамейкада ўтирган хотиннинг юзи бўздек оқарди.

— Тонг отгунча ҳеч ким ухламади. Маҳмуд шу кеча уч марта йигитлар билан от солиб босмачиларни ўққа тутди. Бўлмади. Охири эрта азонда ўзи Кўршерматнинг олдига келди. Қумрихон уни кўриши билан фарёд уриб йиғлади. То Маҳмуд келгунча унинг кўзида бир томчи ҳам ёш кўринмаганди. Қумри эрига қараб қичқирди: «Нега келдинг?! Негача келдинг, деяпман сенга?» Шу пайтгача у эрини сизлар эди. Сен деган гапини биринчи марта эшитдим. Маҳмуд чинор тагига келди-да, ёнидан пичоғини суғуриб, Қумри боғланган арқонлар-

ни шарт-шарт кесиб ташлади. Кўршермат ҳам қўйиб берди. Маҳмуд хотинининг тўзғиб кетган сочларини силаб пешонасидан ўпди. Кейин дадил юриб, Кўршерматнинг олдига келди-да, икки қўлини орқасига қилиб гурур билан бошини кўтарди.

— Мана, бошим керак бўлса, кес!

Кўршермат унга бошдан-оёқ қараб чиқди, кўзларига тикилди.

— Менга йигит бўл! Гуноҳингдан кечаман.

Маҳмуд бош чайқади.

— Йўқ! Мен сен айтган номардлардан эмасман.

Маҳмуд унга шундай ўқрайиб тикилдики, Кўршерматнинг бир қоши керилиб, бўйин томирлари йўғонлашиб кетди. Охири бу ўтли қарашга тоб беролмай, икки қадам орқага чекинди.

— Обор, ўтга ташла аблаҳни!

Мана шу ҳозир мен турган ерда гулхан ёқилди. Олти йигит Маҳмуднинг қўл-оёғини боғлади. Кўршерматнинг амри билан ботир йигит ўтга ташланди. Унинг ўт ичидан туриб айтган гаплари ҳали-ҳали қулоғимдан кетмайди:

— Улим босмачиларга! Яшасин Шўролар!

Маҳмуд шу сўзларни айтдию, ёнбошига йиқилди. Қарайолмадим. Юзимни ўгириб олдим. Юраги бўшроқ одамлар дўстларининг ўтда куйишига чидолмай ич-ичидан йиғлашди. Қумри ўзини ўтга отди. Хайриятки, Қурбонбой тутиб қолди. *

Чол энтикди. Офтобда ялтираб турган ёдгорликка қаради.

— Мана шу ёдгорлик Маҳмуд ёнган жойга тикланган.

Скамейкада ўтирган хотин нимадир деди. Чол унга қарадию донг қотиб қолди. Хотин ҳушсиз ётар эди. Кимдир сув келтирди. Чол унинг юзига сув пуркади. Бир оздан кейин хотин ўзига келиб кўзини очди. Хижадат чеккандек, чаккасига тўзғиб тушган оппоқ сочларини тузатди. Чол унга тасалли бера бошлади:

— Э, синглим-эй, кўнглингиз бўшроқ экан. Ундоқ десам бу ҳикояни эшитган ҳар қандай тош юрак ҳам йиғлайди. Аммо Қумрихон бошқачароқ хотин эди. У ўша гулхан ёнида туриб эрининг қасосини олишга қасамёд қилди. Эллик беш йигитга бош бўлиб босмачи зотига қирғин солди. От устида бешотар осган чақмоқ телпакли чавандоз жувонни кўрган босмачи тирақайлаб қочадиган бўлди. Пистирмада ётиб Кўршерматнинг йўлини пойлади. Қилич босишга ҳам уста бўлиб олган эди. Аммо лекин эрининг қасосини олди. Бир ойдан ортиқ эгардан тушмай ўқ узди. Қизил аскарлар босмачиларни қишлоқдан қувиб чиқаргандан уч кун аввал Қумри оёғидан ўқ еб, эгардан учди. Қурбонбой уни қабристондаги сағанага яширди. Эртасига азонлаб Қурбонбой билан икковимиз ундан хабар олгани борсак, Қумрихон ўрнида йўқ. Сағана тошига томиб увиб қолган қондан бошқа нарса тополмадик. Қидирдик, таниш-билишлардан суриштирдик, йўқ. Дараги бўлмади. Биров босмачилар тутиб кетди деса, биров ўзини сувга ташлаган деди. Унисига ҳам, бунисига ҳам ишонмадик. Негаки, Қумрихон тириклай қўлга тушадиганлардан, ўз жонига қасд қиладиганлардан эмас эди. Шундай қилиб қишлоғимизнинг кўрки ва гу-

рури бўлган икки азаматимиздан куз кунларининг бирида жудо бўлдик.

Чол гапини тугатмаган ҳам эди невараси келиб, унинг этагига тирмашди. Чол уни қўлига олди.

— Мана шу неварамни Қумридек ботир бўлсин деб исмини Қумри қўйдим.

Сочларига пахта пилик тақилган қизча қўлдан-қўлга ўтди.

— Ҳа, айтганча яқинда бир гап эшитдик. Қумрихон ҳаёт эмиш... Қовунчи деган жойда муаллим эмиш. Қурбонбой иккимиз бориб зиёрат қилиб келмоқчимиз. Қариб қолгандир. Танирмиканмиз? Албатта таниб оламиз.

Хотин оқсоқлана-оқсоқлана хиёбоннинг юқори томонига кетди. Унинг кўзи олдида одамлар учун афсонага айланган ўша сўнгги тун: болдиридан сағана тошига томган қон, милтиқ қўндоғига таяна-таяна боғ деворларидан ошгани, кундузи қамишлар орасига яшириниб, яна кечалаб йўл юргани келди.

У ўз умрини шамоллар учирган тўзондек, изғиринлар шопирган хазондек ўтказмаганига ғурурланди. У тупроққа бош қўйган қурбонларнинг ҳали руҳан яшаётганига, абадий юмилган кўзларнинг ҳар бири минг кўз бўлиб шу нурли оламга боқаётганига иқрор бўлди.

Кечалари ой, кундузлари офтоб акс этиб турган мавжли кўллар шовқинли шалоолалардан қуйилиб келганини ким инкор қилади, ахир.

1957 йил, октябрь

ДАДАМНИНГ УРТОҒИ

Эрталаб уйғониб девор соатга қарасам, еттидан ошибди. Ҳар куни худди шу вақтда дадам кроватимга энгашиб «Тур, кичкина Йўлдошев» деб уйғотар эди. Мен дарров турар эдим-да, нонуштадан кейин дадамнинг «Победа»сида шофернинг ёнига ўтириб кетардим. Мактабга етканимизда, дадам: «Қани тушинг энди, кичкина Йўлдошев» деб, ташлаб ўтиб кетар эди.

Ҳозир соат еттидан ошиб кетган бўлса ҳам, дадам хуррак отиб ухлаб ётарди. Бугун дам олиш кунимикин деб ўйлаб, календарга қарардим. Йўқ, иш куни. Ҳайрон бўлиб, ўрнимдан турдим.

— Қани, тез бўл, дарсдан кечга қоласан!— деди ойим стол устига нонушта тайёрлаётганда.

Мен ажабланиб, ойимнинг кўзига қарардим. Унинг кўзлари қизарган эди, роса йиғлаганга ўхшайди.

— Дадам...

Гапимни ҳам тугатмаган эдим, у мени бошлаб жеркиб ташлади. Ойим доим шунақа қилади. «Ун олти ёшга етмаган болалар катталарнинг гапига аралашмаслиги керак» деди. Нима, ўн олти ёшга етмаганлар одам эмасми! Кечки кинога ҳам киритишмайди. Театрга-ку, мутлақо йўл йўқ.

Қовоқ-димогимни осилтириб, ўрнимдам турдим. Бир ҳисобда, дадамнинг ухлаб ётгани менга жуда яхши бўлди. «Победа»да бир ўзим маза қилиб кетаман.

Чойни ҳам ичиб бўлдим. Аммо шофердан дарак йўқ.

— Нима қилиб ўтирибсан, бунақада мактабга қачон борасан, жўнамайсанми!?

— Шошманг, ойижон, машинамиз келсин.

Ойимнинг кўзидан ўт чақнаб кетди. Ҳозир қулоғимнинг тагига бир тарсаки тушиб қолармикин деб ўйладим, йўқ, урмади. Қўлимдан силтаб, ҳовлига олиб чиқди-да, жўна, деб бақирди.

— Энди машина йўқ, даданг ишдан бўшаган.

Ўйлаб, ўйимга етолмасдим. Нега ўн олти ёшдан ошган кап-катта одам ишдан бўшайди? Нима ёмонлик қилди? Шу кун дарсда қандай ўтирганимни билмадим. Ҳеч бало миямга кирмади. Зўрға уч баҳога илиндим. Минг хаёл билан уйга келсам, дадам билан ойим қаёққадир кетай деб туришган экан.

— Телефоннинг тагидан жилмай тур, хўпми!— деб тайинлади дадам ва ойим билан бошлашиб чиқиб кетди.

Мен телефон олдида ўтириб «Победа»да

маза қилиб юрган вақтларимни ўйлай бошладим. Деразамиз тагидан кимдир ўтди, бўйнимни чўзиб қарасам, Каримов амаким ҳовлимизга кириб келяптилар. Каримов амаким ўтган ҳафта Москвага кетган эдилар. Ўзлари жуда яхши киши, дадамнинг қўлида ишлайдилар. Бизникига ҳар келганларида, дадамга билдирмай менга шоколад, ойимга ё атир, ё капрон пайпоқ олиб келадилар. Ойимнинг туғилган куни бўлганда, тилла соат ҳам олиб келганлар. Каримов амаким шунақа яхши одам, Москвага кетаётганларида бизнинг «Победа»да вокзалга чиққанлар, ўшанда менга матросча кўйлак, ойимга креп-фантазия деган кўйлаклик совға олиб келаман, деган эдилар.

Каримов амаким уйга киришлари билан, югуриб бориб, бўйинларига осилдим.

— Қачон келдингиз, амаки Москвадан?

— Ҳозир, ҳозир поезддан тушдим-у, хўжайиннинг уйига югурдим-да. Ҳали уйимга ҳам, ишхонамга ҳам борганим йўқ.

Қорозга ўроғлик нарсаларни олиб, стол устига қўя бошладилар.

— Мана совғаларни...

— Шошманг, шошманг, амаки,— деб, гапларини бўлдим,— дадам ишдан бўшади. Ишдан бўшаса, яхши бўладими, ёмон бўладими?

Каримов амакимнинг қисик кўзлари, йигирма тийинлик тангадек, дум-думалоқ бўлиб кетди.

— Нима дединг!

Мен бояги айтган гапларимни қайтардим. Каримов амакимнинг думалоқ кўзлари, ели чиқиб кетаётган пуфакдек, секин-секин кичрайиб, яна боягидек бужмайиб қолди.

— Матрос кўйлак олиб келдингизми, амаки? — деб сўрадим.

Каримов амаким, ўйлаб туриб, бош чайқадилар.

— Тополмадим.

Стул устидаги нарсаларни қайтариб, яна чемоданга жойладилар-да, «келганимни дадангга айтмай қўя қол» деб чиқиб кетдилар.

Кечқурун дадам «ҳеч ким телефон қилмадими?» деб суради. Мен — йўқ, дедим.

— Каримов амаким келиб кетдилар, келганимни дадангга айтма, деб тайинладилар.

— Ҳеч нарса бериб кетмадими? — деб сўради ойим.

— Чемоданларини очдилар-у, кейин яна бекитиб қўйдилар.

Ойим жаҳл билан телефон номерларини терди.

— Каримов! Ҳой Каримов, мен... Тавба, отимни айтишим билан трубкани қўйиб қўйди-я.

— Ўзими?

— Ҳа, ўзи, Каримовман деди, отимни айтсам...

Шу кеча эрталабгача дадам билан ойим ухлашмади. Дадам ётган ерида папирос чекар, ойим йиғламсираб гапирар эди.

— Каримов сизнинг орқангизда участкали бўлди.

— Нима дединг?

— Каримов дейман, сизнинг орқангизда...

— Гапингга тушунмаяпман. Нима деб алжияпсан.

Ойим анча вақт жим туриб, кейин бир хўрсиниб қўйди.

— Яхши одам экан деб, у ер-бу ерга телефон қилиб, тахта, тунукаларни сизнинг номингиздан тўғрилаб берган эдим.

Кўрпадан бош чиқазиб, гапга қўшилдим.

— Каримов амаким ойимга тилла соат совға қилганлар-ку!

— Жим ёт!— деди ойим, бақриб.

Дадам от пишқиргандек хўрсинди. Кейин йўталдими, акса урдими, билмадим.

Ойимнинг гапларига кулоқ солиб ётдим. Ойим жуда тўғри айтяпти. Дадам ишдан бўшамасдан олдин уйимиздан меҳмон аримасди. Каримов ҳар хил консервалар, конфетлар олиб келарди. Шоферимиз, Каримов амакимнинг тўйларидан маст бўлиб, калишени пойма-пой кийиб келгани эсимга тушиб, пиқирлаб кулиб юбордим.

Ойим яна жеркиб ташлади.

— Кап-катта бола, бу нима, жинниларга ўхшаб...

Барибир, кўрпага бошимни буркаб, яна ўйлай бердим.

Каримов амаким участка қураётганларида бизникига жуда кўп келардилар. Ўша пайтлар мен ҳар куни шоколад ердим. Ойимнинг атирлари ҳам жуда кўпайиб кетган эди.

Ойим уҳ тортиб, деди:

— Бу Каримов ҳам расво, ёмон одам экан.

Дадам индамади. Фақат папиросни шундай тортдики, унинг чўғи кровать куббаларини ялтиратиб юборди.

— Энди ўрнингизга ким тайин бўларкин?

Дадам индамади.

Ойим жуда ёлғончи-да. Жаҳли чиқса, шунақа ёлғон гапираверади. Агар у ёлғончи бўлма-

са, ўзига шунча атирлар олиб келган, тилла соат тақдим қилган кишини расво, ёмон одам, дейдими?

Менга ойимнинг ўзи «Каримов амакинг жуда яхши одам-да» деб айтган эди-ку. У айтмаса ҳам, ўзим яхшилигини билардим.

Шунақа хаёллар билан ухлаб қопман.

Эрталаб уйғонсам, дадам ҳали ҳам папирос чекиб ётарди. Ойим даҳлизда керогазни ёқолмай, ҳамма ёқни тутун қилиб юборибди. У жаҳлидан кўкариб, ҳадеб Каримов амакини қарғарди. Унинг бу ҳолидан Каримов амаким тилла соатни қистайди шекилли, деб ўйлаб қолдим. Ойим уйга кириб, косага тухум чақиб солаётганда сўрадим:

— Ойи, дадамнинг ўрнига тайин бўладиган кишининг ўғли борми?

Ойим менга шундай ўқрайиб қарадики, назаримда менга эмас, соатини қистаётган Каримов амакимга қарагандек эди. Мен қочиб, нариги уйга чиқиб кетдим.

Дадамнинг аризаси бир ёқли бўлгунча, Каримов амаким бизникига телефон қилмадилар. Орадан ўттиз саккиз кун ўтгандан кейин эрталаб роппа-расо соат саккизда телефонимиз жиринглади. Шу жиринглаганича кечгача жиринглай берди. Ойим кегадир бўлар-бўлмасга ҳиринглаб куладиган бўлиб қолди. Дадам трубкини олиб, қисқа-қисқа жавоб берарди. Қоқ пешинда Каримов амаким бир корзинка нарса олиб келдилар, эшикдан киришлари билан менга шоколад, ойимга креп-фантазия тутқаздилар. Дадам ойимнинг қўлидан уни юлиб олди-ю, жаҳл билан Каримов амакимнинг олдиларига иргитиб ташлади. У шоколадни ҳам

олмоқчи эди, шошиб оғзимга солиб, лиқ этиб ютиб юбора қолдим. Дадам қўлимдан ушлаб, нариги уйга олиб чиқиб, эшикни тақ этиб ёпиб қўйди. Кейин жаҳл билан қаттиқ-қаттиқ гапира бошлади. Эшикнинг тирқишидан қулоқ солдим.

— Сиз ярамас одамсиз! Сизда виждон деган нарса йўқ! Кўзимнинг ёғини еб, бошимга иш тушганда қочдингиз. Яна ишга тайин бўлганимни эшитиб келдингизми? Боринг, кетинг, бу ердан. Сизнинг латта-путта совғаларингизга муҳтож эмасман. Болаларнинг бошини айланторманг.

Каримов амаким дадамнинг кўзидаги ёғни еб қўйган экан-да, деб ўйладим, У киши жуда хафа бўлиб, чиқиб кетдилар. Дадам шундоқ яхши одамни хафа қилди-я, ачиндим.

Эрталаб дадамнинг «Победа»си келди. Энди дадам мени мактабимга, ойимни ательега «Победа»да олиб бормай қўйди. Тавба, ойим билан мен унга нима ёмонлик қилган эканмиз!



МУНДАРИЖА

Ҳукм (повесть)	3
ҲИКОЯЛАР	
Кўклам чечаклари	199
Кўклам тароналари	206
Хотиралар	214
Дадамнинг ўртоғи	222

На узбекском языке

САИД АХМАД

ПРИГОВОР

Повесть и рассказы

Гослитиздат УзССР—1959—Ташкент

Редактор Х. Муҳамедхонов

Рассомлар Д. Синицкий ва Н. Леушин

Рассом редактор Г. Бедарев

Техн. редактор Т. Скиба

Корректор И. Қобилов

* * *

Теришга берилди 6/XI—1958 й. Босинга рухсат этилди 1/I—1959 й. Формати 70×92¹/₃₂. Босма л. 7,25. Шартли босма л. 8,44. Нашр. л. 8,3+4 вклейка Тиражи 15000. Р 10245. Индекс ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 131—58.

* * *

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздатининг 1-босмахонаси. Тошкент, Ҳамза к. 21.
Заказ № 572. Баҳоси 3. с. 45. т.